

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

(Маърузалар матни)

*Тузувчи: Г.Гулямова, филология
фанлари номзоди, доцент
С.Чиниева, педагогика фанлари номзоди*

“Ўзбек тили” кафедрасининг 2010 йил
26 августдаги йиғилишида муҳокама
қилинган ва мажлисининг 1-баённомаси
билан тасдиқланган

Тошкент - 2010

ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ (2-курс)

1-МАВЗУ: Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари

1. *Жамият ва олам ривожда педагогиканинг аҳамияти*
2. *Жамият ва оламнинг гармоник мувозанатида инсон омили.*
3. *Педагогиканинг объекти ва предметининг такомиллашганлиги.*
4. *Педагогиканинг мақсад, вазифалари ва асосий тушунчалари (категориялари).*
5. *Миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда педагогиканинг тутган ўрни.*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида (1997 й.) таълимнинг давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниши педагогика фани зиммасига жуда катта масъулиятли улуғвор вазифаларни юклади. Жуда бой илмий, маънавий, маданий, диний меросимизни қайта тикланиб, уларни замон руҳи талаби билан уйғунлаштириб фақат шахсий, миллий манфаат касб этилиб қолмасдан умумжаҳон маънавий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Чунки жаҳонда ҳали хорижий давлатчилик бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаларида маънавият ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан уйғун ҳолда ривожлантирилмаяпти. Президентимиз маънавиятни ақл, ахлоқ, онгли амалий фаолиятда шаклланиб ривожланиши ҳақида гапириб, **"Маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак"**, деган эдилар. Маънавият инсонда шаклланиши лозим бўлган ақлий, ахлоқий, интеллектуал, амалий, жисмоний сифатлар мажмуаси бўлиши билан бир қаторда оламнинг руҳий энергетик, ботиний қуввати билан ҳам уйғундир. Буни Президентимиз ўзларининг **"Ўзбекистон - XXI асрга интилмоқда"** номли маърузаларида қуйидагича жуда яққол асослаб бердилар: **"Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойиладиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан"**. Худди ана шу янги, кенг қамровли, чуқур илмий ғоя, янгича **фикр**, таълим-тарбияни янгича методологик асосини бошлаб берувчи йўналишдир.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети (мавзуси) ва методологик асосларига эгадир. Жумладан, педагогика ҳам фан сифатида шаклланиб, ўзининг предметига эга бўлди. Бошқа фанлар каби педагогика ҳам фан сифатида пайдо бўлар экан, у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, **"Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё**

мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият ҳам мавжуд бўлган.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишидан иборат табиий-биологик ходиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яъни янги туғилган одам боласининг ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига раҳбарлик қилинган, бошқарилган. Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ходиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгиланиб, жамиятга хизмат қилган. Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жиҳатдан англаш, умумлаштириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнида педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифалари, давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг усуллари, ташкил этиш шакллари, умуман унинг қонуниятлари ҳақида билиш, маълумот берадиган фанга айланди.

Педагогика атамаси ҳам қадимий бўлиб, "бола етакловчи деган маънони билдирувчи грекча "пайдагогос" сўзидан келиб чиққан тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни кулларни "педагог" (бола етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса, махсус ўқитилган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлаган.

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар унинг яшаши, ҳаёт кечириши учун энг зарурий шарт ва воситалар эканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятининг илк кўринишлариданок тарбия билан шуғулланувчи мутахассисларга эҳтиёж туғилди, десак биз тарбияни фақат бир томонини, яъни бошқаларни яна ҳам хусусийлаштириб, агар ёшларни тарбиялаш, десак тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия энг аввало ҳар бир инсоннинг ўзига қаратилгандир. Ҳар бир киши доимо ҳам ақлий, тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Чунки бунда жамиятдаги ўрта, катта авлоднинг тарбиясида камчиликлар, етишмовчиликлар бор эканда, деган хулоса чиқармаслиги керак.

Чунки оламнинг моддий-маънавий тузилиши, қурилиши, унинг ривожини, инсоннинг моддий - маънавий яшаш шароити, имкониятлари, унинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлиқ. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаши, мавжудлиги, бахтиёрлигини таъминлаш имкониятлари, унинг ақлий-ахлоқий, жисмоний ривожини, ўсишига

тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Табиатдаги, жамиятдаги муаммолар инсониятни маънавий-ақлий ривожланишига йўналтириб унга ўзининг янги-янги хазиначиларини очиб бераверади.

Тарбияни энг аввало инсоннинг ўзига қаратилганлиги президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан олган, қадамба-қадам амалга оширилаётган "ўзбек модели"да жуда тўғри белгиланди. Дунёда биринчи бор инсонни диққат-эътибори уни ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш биринчидан, УНИНГ озод, ЭРКИН, НОДИР, УЛУҒ сиймолигини англаш ва ўзида унга амал қилиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан УНИНГ ўзига хос миллий-инсоний сифатларини очиб берувчи этник, маънавий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдан иборатдир. Юқорида санаб ўтилган икки сифат комил инсон сифатнинг асосини ташкил этади. Чунки комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларни хулосалаб, мужассамлаштирилса, улар асосан учта:

1. Эзгу ният, фикр:
2. Эзгу сўз, хушмуомала:
3. Эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатдир.

Шу юқоридаги уч сифат ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг бош мақсадидан иборатдир. Бу бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий-амалий ўқув, малака, кўникмалар билан қуроллантира бориш, мутахассисларда ҳар бир соҳага мос илм, билим, кўникмалар ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асосларини кенгайганлигини кўрсатади. Педагогика фанининг предмети. ўқитишнинг таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги УЧУН унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожиди шахс камолоти ўйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунда — таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётида устувор деб эълон қилинади.

Таълимнинг. ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий Конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини танлаш, УНИ мукаммал эгаллаб, шу соҳада бахтиёр фаолият кўрсатиш УЧУН моддий-маънавий, тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бу УМУМИЙ вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғин тури ва босқичларининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади.

Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, ўстириш» тарбиялаш, маълумотни келиши ва шакллантириш» (таълим бериш) қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради. Шу сабабли, ривожлантириш,

шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий категориялари ёки тушунчалари деб атайдилар" ёки тушунчалари деб шахс турли омиллар таъсирида шаклланади. Тарбия эса шахсни шакллантирувчи, ривожлантирувчи омиллардан биридир. Катта ёшлилар турли воситалар ва усуллар орқали маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ўз тарбияланувчиларида маълум хислатларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришни хоҳлайдилар. Шундай қилиб, тарбия шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир.

Бу жараёнда шахснинг ривожланиши ҳаракатлантирувчи кучлар, омиллар ҳамда тарбияланувчиларнинг ёши, шахсий хусусиятлари эътиборга олинади. Тарбия жараёнида микро-муҳитнинг ижобий таъсиридан тўла фойдаланилади ва салбий таъсирини заифлаштиришга ҳаракат қилинади. Ҳарбия бир жойда тарбияланувчиларга таъсир кўрсатадиган барча бўғинлар бирлашиб, аҳиллик билан ишлашга эришилади ва ҳар бир шахс ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятига эртароқ эга бўлади. Тарбия аксарият ҳолатларда кенг маънода ишлатилиб таълим, маълумот ривожланиш жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади. Уларнинг натижаларини ўзида акс эттиради.

Асосий педагогик тушунчалардан яна бири таълим, яъни ўқитиш, билим бериш тушунчасидир. Таълим деганда, биз инсонийлик илмий билимлар ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш қобилиятларини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунамиз. Таълим ўз даражаси ва вазифасига қараб мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим олий ўқув юртидан кейинги" таълим, кадрлар малакасини ошириб ва уларни қайта тайёрлаган, мактабдан ташқари таълимдан иборат бўлиб, улар узлуксиз таълим тизимини ташкил келажақтаги ихтисослигидан қатъий назар, ҳар бир киши учун билим кўникма ва малакаларни умумий ўрта таълим мактабларда берилади. Касб эгаллаш учун зарур билим кўникма ва малакаларни олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига қарашли ўқув юртларида оладилар. Таълим махсус тайёргарлик кўрган, педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар раҳбарлигида амалга ошириладиган билим бериш жараёнидир.

Таълим педагогларнинг (билим бериш) фаолиятидан ва ўқувчи-талабаларнинг (билим олиш, ўқиш) фаолиятларидан иборат қўшалок жараёндир.

Биргаликдаги фаолият орқали ёшлар илмий билимлар билан қуролланади. Бунинг натижасида уларни ижодий қобилиятлари ҳар томонлама шаклланади. Маълумот таълим-тарбия жараёнининг натижаси орқали тўпланган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси ва шаклланган маънавий фазилатлар мажмуидир.

Маълумот олишнинг тўғри ва ишончли йўли давлат таълим стандартлари бўйича билим берадиган, аниқ мақсадли режалар, дастурлар асосида ўқув юртларида ташкил қилинадиган таълим-тарбия жараёнидир.

Таълим, тарбия, маълумот, ривожланиш, шаклланиш уйғунлашган ягона жараёндир. Унда ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлик қилади. Педагогика узок тарихий жараёнда шаклланар экан, ҳозирга келиб илмий билимларни мустақил бир тармоғи сифатида, фан сифатида шаклланди. Ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Натижада педагогика фанлари тизими, яъни унинг тармоқлари вужудга келди. Яқин вақтгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг мустақил янги йўналишлари яратилди. Жумладан, Педагогика тарихи мустақил тармоқ сифатида, Педагогика фанининг тарихан ривожланиши ўзида акс эттирилади. Бунда ўтмишдаги илғор педагогик ғояларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, меросдан фойдаланишининг зарурияти ҳақида фикр юритилади.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшларига қаратилган тармоқ педагогикалар мавжуд. Жумладан, мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, педагогик менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогика, ҳарбий педагогика, янги педагогик технологиялар кабилардир. Бу тармоқ педагогикалар мактабгача таълим муассасаларида умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий ўқув юртларида олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини ўрганади.

Булардан ташқари, дифектология деб аталувчи махсус педагогика ҳам шаклланди ва махсус ўқув масканларида ўқитувчи, тарбиячилар тайёрлашда сурдопедагогика (соқов болаларни ўқитиш ва тарбиялашда), тифлопедагогика (кўзи ожиз болаларни ўқитиш), олигофренопедагогика (ақлий ривожланишдан орқада қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш) логопедия (нутқи яхши ривожланмаган болаларни ўқитиш) масалалари билан шуғулланади. Педагогика фанлари тизимининг муҳим тармоғи сифатида аниқ фанларни ўқитиш ва ўрганишнинг қонуниятлари ўрганувчи услубиёт фанининг ҳам хизматлари бекиёс каттадир. Ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос йўл-усуллари мавжуддир. Баъзан бу фанни хусусий методика, яъни услуб деб аташлари ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда ўқув юртларида тарих ўқитиш, математика ўқитиш, тил ўқитиш услубиёти фани ўқитилмоқда.

Кейинги йилларда, оила педагогикаси, касб-хунар таълим педагогикаси, ҳарбий педагогика, спорт педагогикаси кабилар шаклланмоқда. Педагогика мустақил фан сифатида шаклланади ва шаклланмоқда. Аммо шахс камолоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда бошқа фанлар билан ҳамкорлик қилади. Педагогика умумий психология, ёшлар психологияси билан узвий боғланган. Психология шахснинг турли ёшдаги психик ривожланиши қонуниятларини, таълим-тарбия таъсирида инсон психикасининг ўзгариш механизмини тушунтиради. Шундай экан, таълим-тарбия жараёнида педагог тарбияланувчиларнинг психик ривожланишини, шахсий сифатларини ўрганиш лозим. Шундагина самарали таъсир кўрсата олади.

Педагогика инсон дунёқарапшнинг шаклланиши, жамият ва шахснинг ўзаро муносабати ҳамда билиш фаолияти муаммоларини ўрганувчи фалсафа

билан ҳамкорлик қилади. Айниқса, ахлоқий тарбия билан этиканинг эстетик тарбия билан эстетиканинг ўзаро алоқалари ҳаммамизга маълумдир.

Кейинги йилларда педагогика социология, сиёсатшунослик фанлари билан алоқалари ривожланмоқда. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, ижгимоий муҳитнинг шахс ривожланиши ва тарбиясига таъсирини ўргатишда педагогика бу фанлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Педагогика тарих, этнография, фольклор (халқ оғзаки ижоди) каби фанларнинг ютуқларидан самарали фойдаланмоқда. Бугунги кундаги педагогик жараённинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг ўтмишдаги шаяушаниш тарихини яққол тасаввур қилмоқ даркор. Бундай шароитда тарихий меросга, фольклор манбаларга мурожаат қилинади. Шахснинг жисмонан етуклиги, баркамоллигининг ажралмас қисмидир. Педагогикада жисмоний тарбия тўғрисида фикр юритилар экан, ёшлар фи-зиологияси ва гигиенаси тўғрисидаги билимлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тарихини, жумладан педагогика тарихини ўрганиш учун кенг йўл очди. Ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шуҳратини тиклаш, уларнинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишдек улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Исломий тарбиянинг маънавий, маърифий аҳамиятига катта эътибор берганлар. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: ***"Ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда"***. Тарбия тарихини ўрганар эканмиз, у жуда қадимий жараён эканлигини инсоният бутун ҳаёти давомида тарбия билан шуғулланганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу жараёнда аجدодларимиз тарбиявий таъсирининг самарали йўл усуллари ва манбаларини қидириб ҳаётга тадбиқ қила бошлаганлар, бунинг натижасида тарбия ҳақидаги ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлаган. Бу педагогика фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жаҳон мутафаккирлари ўзларининг педагогик ғоялари билан фаннинг ривожланишига ҳисса қўшдилар. Бу жараёнда ўзбек мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган ҳиссалари чексиздир. Тарихга назар ташлар эканмиз, тарбия ҳақидаги ғоялар эрамиздан олдинги VI асрда шакллланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кейинги даврларда педагогик ғояларнинг шаклланишида зардуштийлик таълимоти унинг муқаддас китоби "Авесто"да қимматли фикрлар талқин этилган. Кишилиқ тарихида ислом таълимотининг тарбия ҳақидаги ғояларининг шаклланишида аҳамияти чексиздир. Қуръони Карим ва ҳадиси Шарифларда, мусулмон аҳлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, эътиқоди, ҳар томонлама баркамоллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш йўллари баён қилинган.

Педагогика тарихига назар ташлар эканмиз, тарбия ҳақидаги ғояларнинг шаклланишида, Имом Бухорий, Исо ат- Термизий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Яссавий, Нақшбандий, Навоий, Бехбудий, Авлоний ва бошқа қардош халқлар фарзандларининг хизматлари каттадир.

Мамлакатимизнинг яқин ўтмишидаги тарихига назар ташлар эканмиз, рус ва совет империяси таъсирида ўзбек халқи ўз тарихи, миллий урф-одатлари, анъана, умуминсоний қадриятларни билиш ва ўрганиш учун курашган Фиграт, Мунаввар Қори, Элбек, Қодирий қатл қилинди. Қолган ватанпарвар алломаларимиз қамалди. Аммо даврда ҳам педагогик меросни ўрганиш тўхтамади. Навоий, Беруний, Авлоний қабиларнинг ижоди ўрганилди, ўзбек халқ педагогикаси яратилди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг мамлакатимизда таълим-тарбия тизимида ҳам катта ўзгариш ва ислохотлар бошланди. 1992 йилда "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунда олдингилардан фарқли равишда халқ таълимининг янги қоидалари, яъни принциплари эълон қилиниб, ҳаётга тадбиқ этила бошлади. Таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, шакл ва усуллари бу соҳада эришилган илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқилди. Бунда таълимнинг жаҳон стандарти даражасида бўлиши назарда тутилади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан она тилини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари мустақиллик йилларида лотин графикасидаги ёзувга босқичма-босқич ўтилмоқда. Айниқса, таълимни ислох қилиш жараёнида тест, рейтинг усуллари қўлланилиши иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ўқитишда муҳим роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларидаги муҳим воқеалардан бири, яъни 1997 йил Олий Мажлисининг IX сессиясида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни қабул қилиниши бўлди. Бу асосида таълим тизими босқичма-босқич ислох қилинади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: "Ҳаётимизнинг ҳал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талабига ўзгартириш, баркамол авлодимиз келажакига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор", - деган эдилар.

Бу муҳим ҳужжатлар асосида таълим тизимида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу жараёнда, давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели **яратилди. Ўрта махсус, касб-хунарга таълими узлуксиз таълимни бир тури сифатида янги таълим йўналишларини**, яъни академик лицей, **касб-хунарга коллежлари барпо қилинди.** Олий таълим ҳам икки босқичли, яъни **бакалаврият ва магистратурада** иборат қайта тузилди.

Бу ўзгаришлар педагогик таълимнинг ҳам назарий, ҳам **амалий** муаммоларини илмий асосда қайта ишлаб чиқишни, **педагогикага** доир замонавий илмий ишлар, дарсликлар, қўлланмалар яратишни тақозо қилади. Президентимиз айтганларидек: **"Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ташкилотчисидир"**. Бундай янгича ёндоқишлар педагогика фанининг объекти ва предмети кенгайтирди. Энди педагогика фанининг объекти фақат таълим-тарбия жараёнининг назарий, методологик амалий таъминловчи фан эмас, балки қомил инсон шаклланиши, ривожланиши таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахс кадрлар тайёрлаш

тизимининг бош объекти ва субъекти сифатида қаралади. Маълумки, педагогика фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида таълим тизимини ўз ичига олмайдиган этник, антропологик, генетик, тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, инстинктив, руҳий-ҳиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига ҳам суянади. Бундан ташқари педагогика фани олдида янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари қўйилди.

Энди педагогика таълим ва тарбияда ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини, жабҳаларини қамраб олмаса ҳам, у ўзининг комил инсон тарбиясида жуда катта асосий имкониятларига эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллай олмаган бўлади. Шунинг учун ҳам янги таълим қонунида ва мутахассислар тайёрлаш миллий дастурида таълим ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, тарбия назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида, комиллик даражаси, сифатларини аниқлашда катта ислохий ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз аксини топиши лозим.

Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг «Миллий мафкурамиз халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» номли «Тафаккур» журналининг (№2, 1998) бош муҳаррири билан бўлган мулоқотларида инсонни маънавий-амалий шаклланишида ҳаётий жараённинг ҳамма жабҳалари моҳиятли эканлигини асослаб бердилар. Президентимиз И.Каримов "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларида "Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман" номли жавобларида (2000, июн) миллий мафкура кишиларда доимий узлуксиз шаклланиб борадиган жараён эканлиги ҳақида "Халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Чунки мафкура қотиб қолган акидалар йиғиндиси эмас. Бу узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддат суръати туфайли мафкуранинг олдида қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам пайдо бўлаверади", деган эдилар.

Педагогика фанида бу улуғвор вазифа ҳар бир ўқув фанини ўқитишда "миллий таълим модели"дан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу, тушунчаларнинг таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи функцияларини олишнинг методологик, тарбия назарияси ва амалиёти, таълим назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқариш, педагогика тарихига доир бўлимларда асослаб берилади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар :

Маънавият, ақлий, ахлоқий, амалий, жисмоний сифатлар, тарбия, таълим, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу иш, предмет, объект, этнография.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, **1997**.
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, **1997**.
3. И. Каримов. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Т. **1997**.

4. И.Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». Т. 2000.
5. Ўзбек педагогикаси тарихи. (Қўлланма. проф. А.Зуннунов таҳрири остида). Т. "Ўқитувчи". 1997.
6. Педагогика. (Қўлланма. А. Мунавваров таҳрири остида) Т. "Ўқитувчи". 1996.
7. Педагогика. (Қўлланма. проф. А.Ильина таҳрири остида). М. 1984.
8. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. "Таълим ва тарбия" журнали. 1997. 5-6 сон.
9. Педагогика. (Маърузалар матни. Проф. Н.Ғайбуллаев таҳрири остида). Т. «Университет». 1999.

2-МАВЗУ Таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари. Ёшларни тарбиялашда педагогиканинг аҳамияти. Миллий тарбиянинг мақсади.

1. *Миллий тарбиянинг маъноси ва педагогик моҳияти.*
2. *Миллий педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари.*
3. *Инсоннинг нодир бетакрорлиги миллий маънавиятимизнинг асоси.*
4. *Халқ педагогикаси-миллий педагогика асоси.*

Президентимиз И. А. Каримов таълим-тарбия жараёнидан мақсад, фақат илмий маданий меросни ўрганиш эмас, балки бетакрор хазинамизнинг илмий, амалий тамойилларини янги даврга хизмат қилувчи қирралари, ҳикматларини очиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат эканлигини мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ белгилаб берган эдилар.

Президентимиз томонларидан маънавиятни иқтисоддан устувор деб эълон қилиниши миллий давлатчилигимизнинг, миллий мафкурамизнинг асосини ташкил қилувчи улуғвор миллий ғоя эди. Бу миллий ғоя чуқур илмий асосларга эга бўлиб, жуда тўғри танланганлиги дунёвий, диний фанлар ва ҳаёт исботламоқда ҳамда бутун дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

И. А. Каримов миллий юя, миллий мафкура ҳар кунги ҳаёт шароитларидан келиб чиқиши билан бирга ҳар бир фуқаронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан ҳам келиб чиқади. «Фидокор» газетасининг мухбири билан (2000, июн) «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулоқотларида баён этган эдилар: «Чунки мафкура. — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийси, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади». Президентимизнинг бу фикрларини ғоя, мафкура, миллий ғоя, миллий мафкура, маънавият атамаларининг этимологиялари ҳам тасдиқлаб беради.

Маънавият — араб тилидаги "**маъно**" ёки "**маъноий ғоя**" сўзларидан

олинган бўлиб, **"рухий"** деган маънони англатади.

Ғоя-инсонларнинг эзгу ниятлар, фикри асосидаги амалга оширилаётган жараёнлар, ишлар, истиқбол режалари, тамойилларидан иборат.

Мафкура — муайян тузум даврида инсонларни давлат, жамият ўз-ўзига, халқи, оламга муносабатлари ва улар ривожининг маънавий-илмий тизимидан иборат.

Миллий мафкура — халқимизнинг маънавий-илмий менталитети, ғоялари асосидаги амалга оширилаётган ишлар, жараёнлардаги тугаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз-ўзига, тараққиётга муносабатлар тизимидан иборатдир.

Мақсадимиз аниқ-мустақил, ҳукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти асосида халқимизни фаровон ҳаётга эриштириш, шу мақсадга эришиш йўлида фикр эркинлиги, фаолият озодлиги асосида инсоннинг асл қадри моҳиятини рўёбга чиқара бориб, "инсон хазинасини очиш". Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримов "Фидокор" газетаси (июнь, 2000) мухбирининг саволларига жавобларида шундай деган эдилар: "Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда, ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади». Фикр ва фаолият эркинлиги аслида инсоннинг нодир ва бетакрорлигига асосланган. Чунки инсоннинг ўзлигини англаш, уни нодир ва бетакрорлигини англашдан бошланади. Инсоннинг нодир ва бетакрорлигини англаш биринчидан, унинг ўзида яширинган имкониятларни рўёбга чиқариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирса, иккинчидан, унда бошқаларни ҳам бетакрор, улуғ сиймолигини англаш орқали инсонларни ҳурмат қилиш, улуғлашни келтириб чиқаради. Учинчидан, бошқаларнинг ҳам нодир, бетакрорлигига ишониш, уларни ҳурматлаш қалбни ғараздан поклайди. Тўртинчидан эса, ҳар бир кишининг бетакрорлигини англаш асосда кишиларда бошқалар билан муомала ва муносабатнинг моддий, илмий, маънавий-маданий манфаат касб этипши инсоният ижтимоийлигига табиий зарурат тугалади. Шу юқоридаги сифатларнинг пуюкштана бориши ко-миллик сифатларининг асосларидан иборатдир.

' Комиллик сифатларини тўлақонли шакллантириш учун фақат насиҳатлар, даъватлар етарли эмас. Инсоннинг маънавий фаоллига амалий-касбий фаоллиги билан уйғунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Айнан ана шу юқоридаги тушунчаларни тўғри англаш таълим-тарбияшг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Чунки таълимнинг субъективлик, демократик, ҳукукий, инсонпарварлик асослари инсонларнинг нодир, бетакрорлик-ларини рўёбга чиқаришдир^^

Юқоридаги сифатлар инсон маънавиятини таркибий қисмларини ташкил қилади. Инсонлар маънавиятини кутариш жамиятимизни юксалтиришнинг иккинчи устувор йўналиши эканлигини И.А.Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясдаги "Ўзбекистон XXI асрга ин-

талмоқца" номли маърузасида: "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало инсонни руҳий покланиш ва юксалшга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг ий-мон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва ижодини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан", деб жуда аниқ кўрсатиб бердилар.

Ҳар бир инсон тўқис ҳаётга тўла имконлар билан яратилган. Аммо ҳар бир юппи ўзига хос ўқув, қобилият ва имконият-ларга эга. Демак, ҳар бир киши ўзининг шахсий ҳаёт йўлини топа олса, шу вақтда унинг ҳаёти жўшқин, фаолияти ижодкор, меҳнати унумли, фокдаси мўл бўлади. Киши аслида ҳақиқий бахтиёрликка меҳнат жараёнида эришади. Чунки агар у ўзининг ҳаёт йўлини топса, шахсий ижодий ипггирокида ўта бошлайди. Бу вақтда унга ғойибона руҳий мадад берилади, моддий-маънавий яратувчанлик унинг истиқболли янги ғоявий фикр-лар уни амалий-ижодий йўлларга чорлай бошлайди. Шунинг учун ота-она, оила аъзолари, боғча, мактаб, умумий таълим-тарбия муассасалари ҳар бир болани уқуви, қизиқшти, қобилиятига асосан касб эгаллашга масъулдир. Инсонларнинг нодир ва бетакрорлигини талабаларга, ёшларга дунёвий диний илмларни уйғунлигида тушунтириб бериш маънавий зарурдир.

Шу вақтда ёшлар айрим ғайридиний оқимлар аслида ғайриилмий эканлигини онгли тушунадилар. Ҳа, ҳақиқатан, ҳар бир киши азалий яхши тақдир билан яратилган. Ҳар бир киши Парвардигори олам бу дунёга эзгу ниятлар билан, маълум ўзига хос улуғ мақсад ва вазифалар билан яратилган. Аммо инсон асли яратилишидан озод ва эркиндир. Инсоннинг озод ва эркинлиги шунчаликки, хатто унинг имон эътиқоди Оллоҳ таоло томонидан мажбур қилинмайди. Бу ҳақда Қуръони карим Шуаро сурасининг 4 оятида "...Зеро иймон-эътиқод ночор, ноиложликдан эмас, балки қалб қаноати билан ихтиёрий бўлиши лозимдир", дейилган. Чунки кишилар бу улуғ хислатлар фақат инсонлар фойдаси учунлигини, уларга амал қилиш инсонлар учун ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатларнинг асоси эканлигини онгли тушуниб, уларга амал қилсалар бу ишлар улар учун хузур-ҳаловат ва бахтиёрлик бағишлайди. Инсон маънавий-руҳий сиймодир. Унинг танаси моддий, латиф ва руҳий қисмлардан иборат. Моддий, яъни биологик танани латиф биоэнергетик майдон - тана ўраб олган. Биоэнергетик тана инсоннинг моддий танасидаги ҳамма ҳаётий жараёнларни уйғунлаштириб турувчи ҳаётий энергия манбаидир. Аммо ҳаётий жараёнлар инсоннинг руҳий қуввати-биоэнергетик танаси ёрдамида бошқарилади. У олий нерв системасининг функцияси бўлиб, олам билан ҳамма вақт узвий алоқада бўлади. Онг ости ҳар бир кишиларнинг тақдири, йўли, олий мақсади ва эзгу ниятлар асосидаги ҳаёт модели. Ҳозирги илмий ахлоқий асосларга кўра у ҳомила уч ойлигидаёқ берилади. Энди унинг ривожи ота-онага, оиладаги муҳитга боғлиқ.

Агар киши ўз ҳаёт йўлини топа олса, унинг онги мустақил ривожланиб бориб онг ости йўналишига туша олса худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий руҳий мутаносиблик содир бўлиб, у мукамал камолот йўлига киради.

Онг ости ва онг уйғунлиги виждон ёрдамида амалга оширилади. Виждон кишиларнинг онги, онг ости ва қалби мутаносиблигини амалга оширувчи маънавий-инсоний туйғу, сифат. Агар виждонни содда қилиб тушунтириш лозим бўлса, виждон - инсоннинг қалб амри билан бажарган ишларининг (фаолиятининг) руҳий мезонидир.

Доно халқимиз, ота-боболаримиз "худо қалбингда бўлсин, болам", деган гаплари бежиз **эмас**. Шунинг учун асосий манбаларда, виждон ҳар бир кишининг қалбидаги худодир, дейилади. Киши ҳаётидаги қилган ишлари бўйича вақти-вақти билан ўз виждони олдида ҳисоб бериб туради. Бу мулоқот ҳақ мулоқот бўлиши лозим. Айрим вақтда ноҳақ ишни ҳақ деб исботлаш ўз виждонини, бу эса худони алдаш билан тенг кучлидир. Бунда онг ости (ҳақиқат) ишга тушиб кишининг онги ва онг ости орасида номутаносиблик бошланиб, кишини руҳий хасталикка олиб келади. Руҳий хасталик эса жисмоний хасталикка олиб келади, айрим ҳолларда бошқа кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

ОНГ ОСТИ. Дунёвий ва ҳаётий ҳақиқат асосидаги инсон шахсий фаолиятининг маънавий-руҳий йўли.

ИНСОН ОНГИ - унинг идроки, ақли орқали ҳаётий ва дунёвий ҳақиқатни фахмлаш асосида маънавий истиқболли фаолият даражасидир.

ФАҲМЛАШ-АНГЛАШ — бирор ҳақиқатни қалбан, руҳан фикрий сезиш.

ИНСОН ФИКРИ ўз онги ва идроки асосида ҳаёти ҳамда дунёвий нарсалар, жараёнлар ҳақидаги мушоҳадавий фаолият.

АҚЛ кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир.

ИНСОН ҚАЛБИ шахсий онг, маънавият узвийлига асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч. У виждон, онг, фикр билан уйғунлашиб қалб нигоҳи, кўзи ва қувватига айланади.

ИНСОН РУҲИ. Инсонни ҳар қандай тўсиқлардан олиб ўта оладиган, уни улуғ эзгу ишларга бошловчи маънавий қувват.

Биз бу маънавий-руҳий сифатларни алоҳида таърифлаш орқали тушуниш учун ҳаракат қилган бўлсак ҳам улар аслида узвий боғлиқдир. Инсон энг аввало руҳий-маънавий сиймо. Шунинг учун киши ўзининг ҳар бир ишидан маънавий-инсоний қаноат ҳосил қилиши керак. Маънавий-инсоний қаноат эса онг, қалб, руҳ ва фаолият уйғунлигидан содир бўлади. Бу ҳар бир кишига хос бўлган ички уйғунлиқдир. Ички уйғунлиқ кишини ўз ишидан қаноатланишига олиб келади. Ички маънавий-руҳий гармония инсондаги биологик-физиологик ҳаётий гармониянинг асосидир. Бу ўз навбатида тан соғлиғи ва руҳ тетиклигидир. Инсондаги ички гармоник мувозанатга катта ёрдам беради. Чунки инсон ташқи маънавий-руҳий олам билан жуда узвий боғлиқ бўлиб аслида унинг бир ажралмас бўлакчасидир.

Инсон, маънавий-руҳий бутун олам, коинот билан узвий гармоник боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик ҳамма вақт маънавий-руҳий мувозанатдадир.

Нурнинг маънавий тузилиш таркиби - ИЛМ, АҚЛ, ҲИКМАТ, ФАҚР, МАЪРИФАТ ВА МАЎФИРАТдир. Демак, бу олам каби инсонлар учун ҳам

нур фақат ёруғлик булиб қолмасдан, доимий маънавий ва мағфиратни ўзида мужассам қилган ва фаолиятда унга амал қиладиган кишиларни нуроний кишилар дейишади. Ҳа, бундай кишилар ҳақиқатан ўзларидан нур таратадилар. Бу нур кўзга кўринмас маънавий-руҳий сифатларга эга.

Нурнинг ёруғлик оқ ранг сифатларнинг тузилиши бинафша, ҳаво ранг, яшил, сарик, олов ранг; қизил ранглardan - иборат бўлиб, коинотдан келиши етти дунё билан инсониятни, моддий оламни узвий боғлаб туради.

Табиатда камалакнинг еттита рангини бир неча марта кузатгансиз. Камалакнинг ҳар бир ранги етти осмоннинг ранглари бўлиб, оқ нур ранги эса уларнинг мажмуаси орқали бутун оламни гармоник узвий таъминлайди. Худди шундай етти осмоннинг ҳар бирига мос мусиқа овози мавжуд. Моддий олам, инсоният яна бир маънавий-руҳий сифат орқали узвий гармоник боғлиқдир.

Инсоннинг моддий-жисмоний танасидаги модда алмашинуви, ҳаётий жараёни унинг маънавий-энергетик танаси билан узвий боғлиқдир. Моддий-жисмоний тананинг ривожланиш даражаси эса маънавий-энергетик тананинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Моддий-жисмоний тананинг ўзи ҳам модда ва руҳий-ҳиссий қисмлардан иборат. Руҳий-ҳиссий қисм эса маънавий-энергетик тананинг таркибий қисми, у олам осмонлари билан узвий гармоник боғлиқ. Тананинг руҳий-ҳиссий қисмининг таркибий асосларидан бири инсон қалбидир. Қалб шахснинг онг ва маънавият узвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч бўлганлиги учун унинг поклиги инсон виждони билан боғлиқ. Виждон онг олий қудратга ўз фаолияти учун жавоб берувчи шахсий ҳиссиётдир.

Ҳар бир киши ўзига хос уқув, қобилият ва характерга эга бўлиб, унинг нодирлиги ва бетакрорлиги замонавий инсоншунослик фанлари ҳам исботлаб бермоқда. Демак, ютуқ ва муваффақиятларнинг биринчи гарови ҳар бир кишининг ўз ўқуви, қобилияти ва қизиқишларига доир фаолият, ҳаёт йўлини хунар, касб танлашидадир. Ютуқнинг иккинчи гарови шу ўзига мос танланган ҳаёт йўлидан донолик, ақл билан фаолият кўрсатиш, энг кўп моддий ва маънавий маҳсулот олишдадир. Ақл билан фаолият кўрсатиш эса ўзи эгаллаётган соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр юритишдадир. Ҳа, соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр инсон ютуғининг учинчи гаровидир. Агар орзу-ҳавасдан қалб поклик билан эзгу ниятларга йўлланмаган бўлса, онг ва фикр ривожини улар учинчи биоэнергетик танадан нарига ўта олмайди. Агарда орзу-ҳаваслар қалби поклик билан эзгу ниятларга йўлланган бўлса, маънавий-руҳий тананинг (онг ости) ишга тушиб, онг ва онг ости мутаносиблиги ҳосил бўлади. Бунда инсоннинг биоэнергетик қуввати оптималлашиб, катта куч ва қудратга эга бўлади ва бундай кишиларга ғойибона сифатлар дарвозаси очилади. Бундай кишиларга интуитив фикрлар АЛЛОҲ ТАОЛО томонидан ҳидоят ва кашфиётлар берила бошлайди. Ҳақиқий тақдир йўли энди очилади. Бундай маънавий-руҳий биоэнергетик қувват учун инсониятга тўртинчи дунёга назарлар дунёсидан ўтишга рухсат қилинади. Чунки инсониятта оламга хавф соладиган ниятлар учун тўртинчи дунёдан нарига йўл беркитилади. Демак, қалби поклик ва эзгу

маънавий инсоний ниятлар онг ва фикр ривожига ҳамда фаолият ютуғининг асосидир. Онг, фикр, фаолият уйғунлиги эса маънавий-руҳий сиймо бўлган инсоннинг асл моҳияти очилса ишга тушади. Инсоннинг маънавий-руҳий моҳияти эса унинг маънавий-моддий маҳсулдорлигидир.

Моддий-маънавий маҳсулдорлик инсоннинг ақлий амалий камолоти билан боғлиқ ҳолда босқичма-босқич ўсиб, фикр маънавий-руҳий сифатлар билан уйғунлашса, биринчи, иккинчи ва учинчи таналарда, тўртинчи, бешинчи танадан ҳам ўтиб, олтинчи ва еттинчи тана бешинчи, олтинчи ва еттинчи дунёларга уйғунлашганда соҳа бўйича кашфиётлар, янгиликлар, янги технологиялар, техник маҳсулий ғояларга йўл очилади. Фаолият қайси соҳада бўлса ҳам, деҳқон, ишчи, косиб, хизматчи, умуман ҳамма касб-хунарларда ҳам фаолият амалий-ижодий, маънавий маҳсулийликдан юқори даражаларга кўтарила бормаса, биоэнергетик тана тўла ишга тушмайди. Биоэнергетик тананинг тўла гапга тушмаслиги тананинг маънавий-руҳий ривожига, у ўз навбатида жисмоний ривожланишига тўсиқ бўла бошлайди. Маънавий-маҳсулий ривожланмаслик маънавий-руҳий ўсишга тўсиқ бўлади. Кейин у кайфиятни кўтариш мақсадида сунъий йўللар қидира бошлайди. Бу ичкиликбозлик, чекиш, наркомания, наставандлик, маиший бузуқликларга олиб келади. Бу ижтимоий иллатларнинг олдини олишнинг табиий омили инсоннинг асл моҳиятини очиб уни жуда катта моддий, маънавий имкониятлар ва қудратини ишга солишдир. Чунки ўзининг укуви, қобилиятини рўёбга чиқариш асосида бунёдкорона меҳнат қилиб моддий-маънавий маҳсулотлар яратиш ўзини, оиласини пок, ҳалол лўқма билан боқиб, давлатни, халқини моддий-маънавий бойитишга хизмат қилган киши сўзда эмас, амалда ҳам ҳақиқий иймонли киши бўлади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Ғоя, миллий ғоя, миллий мафкура, инсоннинг нодир бетакрорлиги, онг, фикр, ақл, қалб, рух, маърифат.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
4. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
5. Каримов И. Миллий мафкурамиз халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. Т. "Тафаккур" №2. 1998й.
6. Каримов И. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ншонаман. 'Фидокор' газетаси, июн, 2000 й.
7. Жалолитдин Румий. Маънавий-маснавий. Т. Шарқ, 1999й.

3-мавзу. Тарбия жараёни ва тарбия усуллари

- 1. Тарбия жараёнини моҳияти ва вазифалари.**
- 2. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли.**
- 3. Тарбия усуллари ва принциплари.**
- 4. Тарбия жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари**

Тарбия — маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотдир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

А) Талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш.

Б) Шу хислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топишади.

В) Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштиришади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти ташкил қилади.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳатти-ҳаракатини секин-аста кўникамага айлантириб бориш лозим. Инсоннинг мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақли пешлайди. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва кунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиладилар. Сўнг секин-аста қилаётган ишларининг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри - тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими, тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбиянинг самарадорлиги тарбиячининг қандай методдан фойдаланишига боғлиқ.

Метод — юнонча атама бўлиб — айнан нимагадир йўл, усул орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Метод, яъни усул ахборотни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб:

- 1. Сўз орқали фойдалаш усули.**
- 2. Кўргазмалилик усули.**

3. Амалий, намуна усули.

4. Рағбатлантириш ва жазо усули.

Юқоридаги методлар (усуллар) ўз навбатида қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза,суҳбат.

Иккинчи гуруҳ - кинофилъмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқа орқали тарбиялаш усуллари

Учинчи гуруҳ - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўртак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;

Тўртинчи гуруҳ - ўқувчи-талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари оддида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчилик билдириш, иқтисодий ёрдам, стипендияларини ошириш, мактов ёрлиқлари топшириш. Суратларини ҳурмат тахтчасига ёпиштириш ва бошқа оғзаки, "рахмат", "баракалла" каби рағбатлантириш усуллари киритиш мумкин.

Тарбиячининг рағбатлантириш усули иккига бўлинади:

1. Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганлигини рағбатлантириш.

2. Сиз буюрган ишга қизиқишини ва уни уддалай олганлигини рағбатлантириш.

Масалан: Бугун ишдан кеч қайтишингизни айтиб, фарзандингизга иш буюрдингиз. Фарзандингиз сиз буюрган ишни бажариб қўйди. У сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндошди. Сиз фарзандингиздаги бу ижобий ўзгаришга бефарқ бўлмай, қолган фарзандларингизга бўлган меҳрингизни сунистеъмол қилмаган ҳолда, уни суйиб, елкаларига қоқиб,ёки пешонасидан ўпиб қўйингки, бу ҳаракатингиз қолган фарзандларингизга ҳам тарбияласин. Уларни мустақил юмуш қилишга ундасин. Бу ҳолатдан кейин фарзандларингиз ўзини сизга ниҳоятда кераклигини сезади. Оилага ёрдами текканлигидан мамнун, ўзида йўқ хурсанд, ўзини катта бўлиб бораётганлигини ҳис этиб боради. Сиз эса ана шу беғубор, меҳрли рағбатлантиришингиз орқали унда меҳнатга қизиқиш ва уни уддалай олиш қобилиятига ишонч ҳосил қилдингиз.

Жазо — бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқрор қилдириш.

Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айтолмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони қайтармайман, деган маънода сизга қараяпти. Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади.

1. Тушунтириш.

2. Танбەх бериш.

3. Огоҳлантириш.

4. Қаттиқ огоҳлантириш.

5. Уялтириш.

Юқоридаги жазо турларини ўқитувчи ўқувчига юзма-юз ҳеч кимнинг гувоҳисиз қўллайди. Аммо группадор ўртоқлари ёки синфдошлари олдида изза қилай деб болани уялтирса, ёмон оқибатларга олиб келishi мумкин.

Уят — бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, ўқувчини ўртоқлари ёки коллектив орасида изза қилиш (уялтириш) энг юқори жазо ҳисобланади.

Ўқувчини жамоа орасида изза қилишни **якка** қолганда қўллаш мумкин. Энг маъқули ўқувчи билан юзма-юз меҳрли оҳангда, унга ишонч билдириб, қалтис йўлдан қайтариш мумкин.

Тарбия — ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни.

Тарбияланганлик — миллий урф-одатимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг нафратини кўзғатадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тия билиш.

Боланинг характерини, оиладаги тарбиясини, унинг ор-номусини, шарм-ҳаёси каби нозик туйғуларининг тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб кўрмаслик, ёки жаҳл устида тинимсиз (тан жароҳати етказиш) қалтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатосини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиши керак. Жазо адолат мезонига таяниб қўлланилмоғи лозим. Зеро, бу қўллаган жазо усулингиз ўқувчининг шаънига, ғурурига ва уни руҳий азоб-уқубатларга солмаслиги назарда тутилиши керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигида бошқа чораларни ишлаб чиқиш керак.

Бугунги кунда Педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллашиб боради.

Мустақил жамиятимизнинг қисқа тарихий даври сабоқларини, ғояларини, тамойилларини талабалар онгига сингдириш уларни ақлан баркамол ва маънавий бой қилиб тарбиялаш бурчимиздир. Президентимиз И.А.Каримовнинг "Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз" мавзусидаги "Туркистон" газетаси мухбирларининг саволларига жавоблари (1999 йил 3 феврал) биз учун дастуриламал бўлади. Уларга бир назар солайлик: "Туркистон" газетаси мухбирининг саволи:

"Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баланд тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик ис-тиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?"

Президентимиз И.А. Каримовнинг жавоблари:

"Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало, тарихни яхши билиш, ҳаётнинг аччиқ-чучугиниши билиш керак. Адолат биз қураётган

жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор. Энди, эски жамиятни инкор қилиш ёки маъқуллаш кайфиятидан воз кечиб, бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди. Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Биз инсонлар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз инсонларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз. Тарих инсон кўзини очар экан. Уни ўрганиш кўп хатоларнинг олдини олади. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу хатолар янги тарихий босқичда, янгича шаклда рўй беради. Бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул томонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп воқеаларни ўтказган. Зафарни ҳам, мағлубиятни ҳам, парокандаликни ҳам кўрган. Буюк Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади. Буюк аجدодимиз юксак тараққий топган давлат барпо экани ва бу мамлакатда "Куч-адолатдадир" деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлдан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади.

Менинг раҳбарлик лавозимимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқадиган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор. Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак. Фақат шу асосдагина, фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик юртимизда қарор топган осойишталикни асраш мумкин", - деб жавоб берди юртбошимиз.

Президентимизнинг бу ўринли сабоқлари тарбиячи педагоглар учун йўлланмадир. Адолат ўзи нима? У қандай тушунча? Нима учун Президентимиз адолат биз қураётган жамиятимизнинг мезони бўлиши керак дедилар? Бу тушунчани педагогика соҳасида қандай талқин этиш мумкин?

Адолат - ҳаётий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларига риоя этган ҳолда ҳал этишдир. Адолат тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлар жуда кенг қамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради. Адолатпарварлик тушунчаси эса адолат тамойилига амал қилган ҳолда иш олиб бориш, йўл тутиш, фаолият юритиш демакдир. Бу тушунчанинг моҳиятини оилада фарзанд тарбияси жараёнида учрайдиган қуйидаги ҳаётий масалаларнинг ечими асносида қарайлик.

Масалан. Ака дарс қилаётганида укаси оёқ тагида "ғинг-ғинг" лаб-машинасини ўйнайверди. Акаси бир-икки бор укасига бошқа уйга чиқиб ўйнашни илтимос қилди. Аммо укаси кулоқ солмади. Жаҳли чиққан ака укасининг майишнасани олиб, эшиқдан улоқтирди. Бундан хафа бўлган ука: "Акам урди", - деб онасига йиғлаб борди. Она кичик ўғлининг гапига кириб: "Кап-катта йигит, кичик болани урдингми?" — деб койиди ва бир шапалок

урди. Бу ҳолатни кўрган кичик ўғли хурсанд. Она ҳам кичик ўғлининг юзидаги табассумдан боши осмонга етган ҳолда уйдан чиқиб кетди.

Масала она томонидан адолатли ҳал қилиндими?

Адолат таърифига мурожаат қилиб, бу ҳаётий масалани таҳлил қиладиган бўлсак, аканинг ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий нормалари поймол қилинганлигини кўрамиз. Масала она томонидан адолатли ҳал қилинмади. Ака-ука ўртасида меҳрсизлик муносабатларининг пайдо бўлишига биринчи замин яратилди. Уканинг эса бундан буён ёлғон гапиришга йўл очиб берилди. Бундай ҳолатлар бир неча бор такрорланса, ака: "Ота-онам мендан кўра кўпроқ укамни яхши кўрар экан", деган хулосага келади. Адолатсизлик замирида ака ичимдагини топ дейдиган, оиладагиларга ва ака-укаларга бемехр бўлиб тарбиялана бошлайди. Агар она: "Қани юр-чи, ўғлим", - деб ака ва укани юзлаштириб, ҳақиқатни, яъни аканинг урмаганлигини аниқлаганида, уканинг тухмат қилаётганини билиб, ўз вақтида чора кўрганида эди, ака-укалар орасида меҳр, ишонч, бир-бирини ҳурмат қилиш, алдамаслик, қилган айбини тан олиб иш кўриш каби кўникмаларни янада шаклланган бўлар эди.

Ота-она ва фарзандлар орасидаги алоқатнинг ахлоқий ва ҳуқуқий бузулишлари салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Оилаларимизда болаларнинг ёшлигидан бошлаб яхши сифатларни шакллантириб боришга жиддий эътибор бермоғимиз лозим, ҳаётий масалаларни ҳал қилишда ота-онанинг билими, маънавияти, ўзини тутиш, юриш-туриши катга аҳамиятга эгадир.

Фарзандлар, талабалар, қолаверса, одамлар орасида адолатпарварлик хислатларини камол топтиришда ўрнатилган қўрсатиш, тушунтириш ва уқтириш, рағбатлантириш, огоҳлантириш, танбеҳ бериш, уялтириш (изза қилиш), суҳбат, мунозара ва баҳс каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: "Ўзбекистон", 2009.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: "Ўзбекистон", 2009.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1998.
5. Каримов И.А. Соғлом авлод - халқимиз келажаги. (Конституция куни муносабати билан сўзлаган нугқи). "Халқ сўзи» газетаси. 8 декабрь, 1999.
6. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика. Т. 1996.
7. Ғозиев Э. Психология. (ўқув қўлланма) Т. 1994.
8. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. М.1981.

4-мавзу.Маънавий сифатлар. Ахлоқ, яхши хулқлар. Мустақил фикрлашни тарбиялаш. Мутахассислик ахлоқи.

- 1. Комил инсоннинг маънавий сифатлари.**
- 2. Инсон комиллиги мезонлари.**
- 3. Мустақил фикрлашни тарбиялаш.**
- 4.Маънавий манбалардаги инсонпарварлик ғояларининг тарбиявий аҳамияти.**

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг кулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият куриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли,камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли бўлади. Бундай жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади. Қайта куриш, ошкоралик ва миллий мафкура сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган Республикамиз халқи чуқур билим ва юксак тафаккурга асосланган ана шундай адолатли, ҳуқуқий жамият куриш йўлидан дадил олға бормоқда. Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" асари-да бундай девди: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат куришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмда ўз аксини топиши керак.

Президентимиз ўзининг узоқни кўра оладиган доно сиёсати туфайли Республикамизни турғунликдан, маънавий ва иқтисодий қарамликдан озод қилиб, янги мустақил жамият кура олди. Бу жамиятнинг асосини нима ташкил қилади? Унинг кучи қаерда?

Ўз мустақил йўлини танлаган Республикамизда Президентимиз томонидан олиб борилаётган миллий мафкура асосида қуйидаги беш тамойил ётади:

- 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги.**
- 2. Қонуннинг устуворлиги.**
- 3. Давлат бош ислоҳотчи.**
- 4. Кучли ижтимоий сиёсат.**
- 5. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.**

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат қариялар, ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликда, ёшларнинг билим олишлари учун доимий равишда кўрилаётган чора-тадбирларда ўз аксини топмоқда.Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Халқ очликка, йўқчиликка, қимматчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди".

Қомусимизда, "ҳар бир фуқаро динидан, ирқидан, миллатидан, келиб чиқишидан, амалидан қатъий назар қонун олдида баробардир", дейилади.

Республикаимизда амалга киритилган ва ишлаб чиқиляётган қонунларда қуйидаги қафолатлар таъминланган:

- аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлиши таъминланган;

-барчанинг тенглигини, фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратилган.

Юртбошимиз ҳақиқат, адолат каби инсоният абадул-абад интилган сифатларни ўз тимсолларида кўрсатиб бераётган чинакам раҳбар сифатида тобора халқнинг қалбига сингиб бормоқда. У истаган адолат дунёси истиқлолдан сўнг юртимиз узра бош кўтарди. Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имкониятини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша виждонан ҳисса қўшмоғи лозим. Биз педагоглар, ота-оналар, тарбиячилар ҳам талаба ёшларда адолатпарварлик, ватанпарварлик, теран ақл-идроқлик каби маънавий сифатларни тарбиялашда ўз меҳнатимизни аямаслигимиз, бутун куч-қувватимизни ишга солишимиз керак. Бунинг учун энг аввало инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоғимиз лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, ҳуқуқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига **олиб** келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари **мажмуидан иборат**.

Сифат алоҳида **бир** шахснинг муайян **бир** хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат - алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Ўқиб-уққан, чуқур маънавиятли, адолатли ва адолатсизликнинг фарқига тушунган инсон қайси йўлдан бораётганлигини тушуниб етади. Юртига нисбатан меҳр, ғурур пайдо бўлади. Натижада у ҳам Ватанининг равнақига муносиб фарзанд сифатида ўз ҳиссасини қўшади. Аждодларимиз яшаб ўтган, мени ўз бағрига олиб улғайтираётган Ватан учун мен нима қила олдим, мени гўдаклигимдан едириб-ичирган ота-онам, она замин, қонлари томиримда жўш ураётган аждодларимиз шаънига муносиб ишлар қилаяпманми?- деган саволларни ўз виждони олдига кўндаланг қўяди.

Биз педагоглар ва ота-оналарнинг бурчи фарзандларимизни ва талабаларимизни Ватанга муҳаббатли, имонли, эътиқодли, адолатпарвар қилиб тарбиялаш, шакллантиришдан иборатдир. Бундай фазилатларни ўзида касб этган ёшларимиз, қандай вазиятда бўлмасин, ҳамма вақт ўзига тўғри йўл танлай олади.

Ўзларининг чуқур билимлари ва адолатли хатги-ҳаракатларини кўникмага айлантирган бундай нуфузли талаба ёшларимиз мустақил жамиятимизга тамал тошини қўйгувчи фидойи инсонлар бўлиб етишишлари муқаррардир.

Инсон - табиатнинг энг буюк неъмат. Унга ақл-идроқ, онг, фаросат каби

буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб, оламни, инсониятни камолотга етаклаб боради. Таниқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек:

*Мулки борлиқ ичра бир маҳал,
Мўъжазгина олам яралган,
Бермоқ учун дунёга сайқал,
Олам аро одам яралган.*

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб — ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотда ҳамда юриш-туришида ўзини тута билшидир.

Хулқ — одобнинг ички туйиқ кўникмага айланган кўриниши.

Ахлоқ — жамиятда қабул қйлинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият — "жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўлланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият — инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Мушоҳада қилиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Юқоридаги фикрлардан, чизгилардан кўриниб турибдики, инсон маънавиятли бўлиши учун жуда кўп инсонийлик билимлари сарчашмасидан баҳраманд бўлиши, ўз устида тинмай изланиши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чиқариб бориши лозим.

Ҳаётни кузатар эканмиз, ҳар бир инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жихатдан ягона бўлишини, унга ҳар томонлама айнан бўлган иккинчи бир инсоннинг йўқлигини ва тарихда ҳам бўлмаганлигини кўрамиз, табиатнинг ҳассослигига, бетакрорлигига тасаннолар ўқиймиз. Инсонлар бир-бирларига айнан бўлмасалар-да, улар бир жамиятда яшаб, ўзаро ҳамкорликда ҳамжиҳатлик билан бунёдкорлик, яратувчилик билан шуғулланмоқдалар, эзгулик уруғини сочмоқдалар, бу уруғларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиб яшамокдалар. Бундай инсонлар ҳам ақлий, ҳам ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ҳар нарсага қодир, юзидан нур балқийдиган, тилидан бол томадиган, хушхулқ, хушфеъл инсонлардир. Улар жамиятнинг, халқнинг севимли фарзандларидир. Шу боис уларга ҳавас қилса, тақлид қилса, улардан намуна олса арзийди.

Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида ана шундай инсонлар ҳақида бундай дейди: "Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур". Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камгап, сахий, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни кўзда тутса, "Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фазилатларидан

устун турадиган инсонларга айтилади, дейди. Муаллиф ёмон инсонлар деганда хасис, бахил, бировларнинг ютуғини кўра олмайдиган хасадгўй, фақат ўзим дейдиган худбин кишиларни назарда тутди. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсонлар бўлишга ундайди.

Мозийга бир назар ташлайлик. Эркакларимиздан уларга хос мардлик, жасурлик, ғурур каби хислатлар мерос бўлиб келаётган бўлса, момоларимиздан ор-номус, ифбатлилик, назокатлилик, шарм-хаё, ширинзабонлик каби хислатлар асрлардан-асрларга мерос бўлиб ўтиб келмоқда. Демакки, бу хусусиятлар элимиз, юртимиз, миллатимизнинг қондош ва жондош ажралмас бир маънавий қиёфасидир. Эндиликда замондош йигит-қизларимиз юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари, кийинишлари билан ўзларини қанчалик ўта тараққийлашган шаҳар фуқаролари каби кўрсатмасинлар, барибир улар қалбан шу маънавий мероснинг эгасидирлар.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарларидаги Отабек ва Анваржонлар бугунги қизларимиз бахтининг идеали бўлса, Кумуш ва Раънолардаги шарқ аёлларига хос ифбат ва латофат, бокиралик, **вафодорлик**, севган кишисини эъзозлаш каби хислатлар эгаси бўлиш йигитларимизнинг орзуси ва ниятидир. "Меҳробдан чаён" романидаги Анвар ва Раъноларнинг шеърӣ ёзишмаларига эътибор берайлик.

Анвар:

Агар Фарҳоднинг Ширини, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,

Насиб бўлмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Мазмуни Фарҳодга Ширин насиб қилган бўлса, Мажнунга Лайло насиб қилган бўлса, барча гўзал қизларни бир гулшанга йиғсак, шу қизларнинг сараси, яъни раъноси менга насиб қилса.

Калон адиб Абдулла Қодирийнинг асарларида комил инсонларгагина хос бўлган бундай нозик ҳис-туйғулар, фазилатлар акс эттирилган ўринлар бисёрдир. Улардан ёш йигит-қизларимизни тарбиялашда ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Меросий манбаларимизнинг яна бири Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асаридир. Аллома бу асарида қизларга шундай мурожаат қилади: Қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга келин бўлиб тушмоқдасан...Эринг осмон бўлса, сен ер бўл, Осмон ўзининг шифоли ёмғири билан ерни кўкартирганидек эринг ҳам ўз меҳри билан сени асраб-авайлайди,Эрингнинг кўзига пала-партиш кўринма, ўзингга оро бер, сув ва сурма ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Эринг кучи етмаган нарсаларни олиб бер деб хархаша қилаверишни ман қиламан...

Абу Райҳон Беруний бу фикрларини худди бугун қизларимиз ва аёлларимизнинг қулоқларига шивирлаётгандек, назаримизда. Берунийнинг ижодига разм солсак, ул зоти шарифнинг ниҳоятда кўп мутолаа қилганини, изланганини, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Беруний фақат ҳайитлардагина дам олганлар. Улар ҳайитнинг биринчи куни хасталарни, кўнгил яқинларини, ёши улуғларни зиёрат

қилганлар. Иккинчи куни марҳумлар хонадонига ташриф буюриб, уларни ёд айлаганлар. Учинчи куни эса кейинги ҳайитга етгулик озуқа ва кийим-бош, керакли уй-рўзғор буюмлари, асбобларини харид қилиш учун вақт ажратганлар. Беруний 76 ёшида хасталаниб ётиб қолади. Анчадан бери тўшакка михланиб қолган Берунийнинг холидан шогирдлари кириб-чиқиб, дам-бадам хабар олиб турадилар. Шундай кунларнинг бирида Берунийдан хол сўраш учун қози Валвалужий ташриф буюради. Беруний қозининг мерос тақсимотига янги шархлар киритганини эшитган, лекин қози билан бу ҳақда бамайлихотир суҳбатлаша олмаган эди, ўша шархни қозидан айтиб беришини илтимос қилади. Қози: "Маъқул, аммо сал куч йиғиб олганингаздан сўнг бафуржа гаплашармиз",-дейди. Беруний: "Эй қози, мен шу мерос тақсимоти ҳақидаги шарҳингизни билмай бу дунёдан кўз юмиб кетгашшдан кўра билиб, хотиржам кетганим афзал эмасми?"-дейди. Ноилож қолган қози мерос тақсимоти шарҳини баён қилади. Беруний бор вужуди билан кўзи юмилган ҳолда тинглар, айрим жойларини маъқулла, айрим жойларига ўз фикрини ва таклифларини билдирар эди. Сўзини тугатган Валвалужий Берунийнинг оғир нафас олишига қараб, бугун шу суҳбат шарт эмасмиди, ул зотни толиқгириб куйдим, деб хижолат бўлади ва кетишга рухсат сўрайди. У ҳали маҳалла бошидаги уйига етиб ҳам келмаган эдики, Берунийнинг ҳовлисида йиғи овози эшитилади. Валвалужий орқасига қайтади. Давр илмига ташна, фан фидойиси Берунийдан шу тарзда жудо бўлган эди. Ул табаррук зот ўзидан бир қанча ноёб асарлар қодирдики, мана неча асрлардан буён унинг авлодлари бу бебаҳо манбалардан ўзлари учун бой маънавий озуқа олиб келмоқдалар. Уларнинг адолатли, оқил фикрлари ҳанузгача маънавий дунёмизни машъал каби ёритиб келмоқда.

Алломанинг қуйидаги мисраларига диққат қилинг:

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,

Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган.

Билимим ҳақида нуқур ўйласам,

Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Ул зот улкан кашфиётлар, чуқур билим эгаси бўлишларига қарамасдан ўзининг ҳеч нарса билмаслигини, бундан ҳам кўпроқ билшп мумкинлигини айтиб, ўзига нисбатан норозилик билдирмоқда. Бундан ҳам ортиқ камтарлик ва бундан ҳам ортиқ ўзига талабчанлик бўлмаса керак. Берунийнинг бу фикрлари толиби илм аҳли учун катта ҳаётий сабоқ, вақгнинг ҳар бир дақиқаси қайта такрорланмас эканлигини тушуниш, уни беҳуда сарфламаслик, қадрига етишнинг амалий намунасиндир.

Талабаларда камтарлик, илмга интилиш, ўзига нисбатан талабчанлик, табиат томонидан берилган умр каби бетакрор имтиёздан унумли фойдаланиш каби хислатларни тарбиялашда Берунийнинг юқоридаги каби маънавий меросидан ижодий фойдаланиб бориш катта самара беради.

Инсон қадри умрида қанча йил яшагани билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги, эл ва жамият манфаати йўлида нима ишлар қилганлиги билан ўлчанади. Бир аср умр кўриб, ном-нишонсиз ўтганлар ҳам бор, оз умр кўриб, абадий ном қолдирганлар ҳам бор. Инсонлар

эл назарида уй-жой, молу мулклари билан яшамайдилар, балки халқ учун қилган шарафли ишлари билан барҳаёт яшайди. Тарихга назар солсак, неча-неча асрлар давомида шоҳлар, бойлар, дарвешлар, хуллас қанча-қанча инсонлар бу ҳаётдан ўтишган. Аммо халқи учун, унинг маънавий камолоти йўлида риёзат чеккан Форобий, ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Лутфий, Алишер Навоий, Биноий, Кошифий каби алломаларимиз инсоният камолотининг йўлчи юлдузлари бўлганликлари учун мана неча асрлар ўтибдики, биз билан ёнма-ён яшаётгандек ишимизга, ўйларимизга, орзуларимизга ҳамкор, ҳамнафас, руҳи-поклари хотирамизда абадийдир.

Яхши фазилатлар қалбида макон қурган ва уларни ҳаёти давомида янада сайқаллаб, такомиллаштириб борган инсон камолотга эришиб бораверади. Ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий ва касбий билимлари сарчашмасини тўлатиб, камолотга интилиб борган инсон жамиятда қуёш каби нур сочиб туради. Қуёш ўз нури билан ҳам иситиб, ҳам шифо берганидек, комил инсон ҳам юртига, Ватанига фақат яхшилик келтиради, унга маънавий озуқа ва эзгулик беради. Инсоннинг тарбияланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Унинг мезони нимадан иборат?

Инсон комиллигининг мезони унинг ўқиб-уққанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси ва уларни ҳаётда қўллай билиш кўникмасини ҳосил қилганлиги билан белгиланади. Онги билимлар уммонига айланган, ўқиб-уққан толиби илм ахлларимизнинг тафаккури бой, тил-забони ширин, камтар бўлиб, тўплаган билим заҳираларидан ўзгаларни ҳам баҳраманд эта билмоқлари зарур. Шундай инсонлар борки, ақлий билими чуқур, аммо ахлоқий билими саёз. Аксинча ахлоқий билими етарли, лекин ақлий билими қониқарли эмас. Агар инсон ақлий ва ахлоқий билимларини пухта эгаллаб, уни чуқур тафаккур қилса ва тил дастурхонига солиб, уни харидорларига чиройли қилиб, меҳрли узата олса айни муддао. Жамиятимизнинг равнақи шундан, ёшларимиз камолоти шундандир.

Республика Олий Мажлисининг 12-сессиясида Президентимиз томонидан "Куч-билим ва тафаккурда" деган теран бир фикр илгари сурилди. Тафаккур-инсоннинг бутун ҳаётий ва ижодий фаолиятини идора қилувчи онгининг камолот ўлчовидир. Унга фақат билим олиш, ҳаётни кузатиш, уни ўқиш ва уқиш, яхши ва ёмонни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш орқали эришилади. Тафаккур ақл тарозиси бўлган тил орқали намоён бўлади. Сизнинг сўзлаган сўзингиз, айтган фикрингиз тафаккурингизнинг, ақл-идрокингазнинг, онгингизнинг ойинасидир. Тил ҳақида, фаҳм-фаросат, тафаккур ҳақида алломаларимиз ўз меросий манбаларида шундай ёзадилар:

*Инсон нотиқлиги, саодат тилдан,
Назокат тилдандир, нафосат тилдан,
Ҳаёт сабоқлари кўрсатур шуни,
Дўзах тилдан эрур ва жаннат тилдан,
Икки нарса ажратади инсонларни ҳайвондин,
Инсонлиги билинади ҳунар ила забондин,
Шундай экан, кишиларнинг энг улуғи ҳунарманд*

*Ёки сўзга чечан киши, фикри равон, тили қанд.
(Ибн Сино. Фаросат илми ҳақида.)*

*Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир,
Ва барча халқлар учун ёқимлидир.
У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва,
Бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир.
(А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.)*

*Гўзаллик юзда эмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз бўлсин-у, маъноли бўлсин,
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтин,
Миси чиққай сўзинг кўп бўлса бир кун.
Кўпайган сўзнинг бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлар соз.
(А.Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ)*

Ҳақиқатда ҳам одобли, илмли, маданиятли инсон билан суҳбатлашганимизда уларнинг овози оҳангидаги мунглилик, самимийлик, инсон дилини ёритувчи ёқимли сеҳр ўзига мафтун қилиб қўяди. Уларнинг суҳбатидан маънавий куч-қувват оламиз, чарчоқларимиз чиқади, қалбимиз яйрайди. Демак инсон бундай даражага етипшиш учун кундалик ҳаёт машаққатларини сабр-тоқат билан енгиб, кўп ўқиши, ҳаётни кузатиб ундан сабоқ ола билиши зарур. Меҳнат қилиш, машаққат, риёзат чекиш, ҳаётни ўқиб, ундан оқилона сабоқ чиқара олиш эвазига инсоннинг онги, тафаккури сайқалланиб боради.

Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бундай ёзади: «Уруғни қара. Олдин унинг ҳамма ёғи лойга, чанга беланди. Сўнг у ерга қадалгандан кейин қаттиқ ерни ёриб, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидаб, юзага-ерга чиқади. У забардаст дарахт бўлади, мева тугади, қанча-қанча одамларнинг ҳожатини чиқаради. Ҳар қандай ишнинг, ҳар қандай ютуқнинг қийинчилиги бўлади. Унга сабр-тоқат қилган инсон кейин роҳат-фароғатда яшайди».

Ибн Сино ўзининг "Ҳиндистон" асарида: «Камтарлик -бу худбин ишлар билан шуғулланишдан тўхтатувчи куч», - дейди. Ҳа, халқимиз: "Камтарга камол-манманга завол", деб машаққатли ҳаёт сабоқларининг хулосасини бизга мерос қилиб қолдирган.

Ҳақиқатдан, ҳаётни кузатсангиз, кўп ўқиган, ҳаётни кўп кузатган, теран маънавиятли инсонлар фаҳм-фаросатли, ҳар бир нарсага жиддий қарайдиган, мулоҳазаяи, оқил инсонлар бўладилар. Бундай инсонлар теран, сокин дарёга ўхшайди: улар шовқин-суронсиз оқади. Аммо билими саёз, ҳаёт сабоқларидан етарли хулоса чиқара олмаган, ўқиб-укмаган, ҳамманинг ақли менинг чўнтагимда деб ўйлайдиган, салга ўзининг йўқ ақлини пешлайверадиган кимсалар эса шалдираб оқаётган жилғага ўхшайди -суви кам-у, ваҳимаси бир

жаҳон. Бундай одамларда манманлик касали доимо хуруж қилиб туради. Манманлик — бу ўз камчилигини ва ўзгаларни тан олмас-лик, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмаслик, такаббурлик, худбинлиқдир. Манманлик иллоти у макон қурган кишиларни соғлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан махрум этади. Натижада бундай одамларда жаҳолат иллоти, яъни билимсизлик пайдо бўлади. Камтарлик ва манманлик бир-бирига қарама-қарши икки йўлдир: уларнинг бири сизни кишиларга яқинлаштиради, иккинчиси эса йироқлаштиради. Бир инсоннинг иккинчи бир инсонга интилиш, уни дил қўмсаб, соғиниши замирида муомала маданияти ётади. Жамиятнинг ривожланганлиги, унинг маданиятлилиқ даражаси, равнақи кўп жиҳатдан унда яшайдиган кишиларнинг муомала маданияти билан белгиланади. Ақли теран, фикри уммон, ҳақиқий маънавиятли инсон муомала жараёнида ўз фикрини тафаккур дошқозонида қайнатиб, сўнг тил дастурхонига узатадилар. Инсоннинг тил-забонидан унинг қанчалик фаҳм-фаросатга эга эканлигини билиб оласиз.

Халқимиз "Сўз — ақл тарозиси" деган мақоли билан минг қарра ҳақиқатни айтган. Инсон мартабаси унинг сўзидан билинади, лекин сўзининг мартабаси юшш билан белгиланмайди. Нодир манбалардан бири "Қобуснома"да Кайковус ўғли Гилоншоҳга бундай дейди: "Киши суҳандон, суҳангўй (нотик) бўлиши керак.... Суҳангўй шул киши бўлтайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай... Бундай кипшлар оқиллар қаторига киргай".

Бу манбада бўлар-бўлмасга ваъз қилавермаслик, сўзни улуғ билиш, у осмондан келмаслиги ва уни хор қилмаслик ҳақида насиҳатлар берилади. Хоразм элининг кураги ерга тегмаган полвони, қўли гул пўстиндўз, маърифатпарвар, хассос шоир Паҳлавон Маҳмуд ўзининг қуйидаги шеърда ақл-идрок, фаҳм-фаросат ҳар қандай қалбда ҳам макон куравермаслигини, унинг жуда ноёб хислат эканлигини, ўқиб-уққан қалблардагина қарор топишини чиройли ифода қилади.

*Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидин кўра яхшироқ.*

Мазмуни: Қоф тоғининг камида уч юзтасини янчишга тайёрман ёки кўкрагимга ханжар уриб, дил қони билан фалакни бўяшдек мушкул ишни бажаришим мумкин ёхуд бир умр зиндонга ташлашларига розиман. Аммо нодоннинг бир дақиқа суҳбатига дош беришим мушкул. Сўз сўзлаганда унинг маъноси ва мантиғига эътибор бермай сўзлайдиган инсонларни тинглаб, дилни яралагандан кўра, оғир меҳдат қилган осонроқ, тана чарчоғи дам олинса чиқиб кетади. Бироқ маза-матрасиз, фаҳм-фаросатсиз суҳбатни тинглаб орттирилган қалб чарчога, дил яраси чиқиб кетипш, тузалиши кийиндир.

Ҳа, билдирмоқчи бўлган фикрнинг обдон пухталаниши, сайқалланиши,

лўндаланиши ва кейингина тилга чиқарилиши инсонни юксакликка кўтаради, унга латофат бағишлайди. Шунинг учун ҳам инсон қалбдан чиққан самимий, гўзал сўзларга ва ширин муомалага ўзида эҳтиёж сезади.

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қишиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиши, умумий қилиб айтганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ипшар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

И.А.Каримов ўзининг "Баркамол авлод орзуси" китобида, "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори", "Куч билим ва тафаккурда" деган ғояларни илгари суриб, ёшларни шундай бўлишга ундаётганлиги бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар эртанги юрт эгаларидир. Шунингдек, юртбошимиз комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз", дейдилар.

Демак, Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи "Баркамол авлод" комилининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил фикрлай олиш ва ўрганган билим ва таж-рибаларини амалиётда қўллай билишидир.

Хўш, ёшларда мустақил фикрлай олиш ва ўзигашиг шахсий, тўғри ҳулосасини чиқара оладиган фазилатини қандай тарбиялаш мумкин?

Мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. Комиллик уч босқичдан иборат:

1. жисмоний саломатлик
2. ахлоқий поклик
3. ақлий етуклик.

** *

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш етакчи устувор ўрин эгаллайди. Талаба ёшлар тарбияланишни қалбан хоҳлаб интиласалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик даражасига осонлик билан эришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга эришиш эса, асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатти-ҳаракатлар узлуксиз фаоллик, фидоийлик, билимга чанқоқлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошади. Мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш, яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Англаш - бирор бир ғояни (фикрни) туб мазмунига тушуниб етиш.

Мушоҳада — шу ғоя (фикрни)ни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур—инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётга қўллаш.

Амалиётда (практикада) қўллаш — ҳаётда бир неча бор қўлланилган ўзининг ижобий ҳосиласини берган, ишончли муаммолар ечими билан солиштириб,

хулоса қилиш, сўнг тафаккур савиясига таяниб, ягона ечимни танлаш ва ундан амалиётда фойдаланишдир.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад қабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан ҳамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади. Худди шу боисдан инсон ўзининг мустақил фикрлаши, муомаласи (мулоқоти), нутқи ҳамда онгли хулқ-атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради. Инсон мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар) чиқарилган қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил фикрлаш орқали воқелиюш умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусият ҳамда механизмларни англаб этади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижгимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриб туриш имкониятига эгадирлар.

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсаткичига кўра бир неча турларга ажратилиб тадқиқ қилинади. Мустақил фикрлаш ақлий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириқлар ечиш назарда тутилади. Уларнинг шартлари, моҳияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англаш имкониятлари кузатилади.

Масала, муаммо, топшириқларни ечиш шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, қобилияти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда олиб қаралади, уларнинг талабларини қабул қилиш, муайян қарорга келиш, воситалар қидириш мустақил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади.

Мустақил фикр юритиш фаолиятда муаммо ечимини қидиришни бошқаришда, борлиқни инъикос қилишда инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ғавқулоддаги вазиятлар, объектив ва субъектив шароитлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижгимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъектив) муносабатлар, алоқалар, ҳамкорлиқдаги ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала меъёри, мустақил фикрлаш мажмуаси тариқасида юзага келади. Жамоада танқид, ўзини-ўзи танқид қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи текшириш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи намоён қилиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, гуруҳий мулоҳаза, мушоҳададан иборат мустақил фикр юритиш сифатлари шаклланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши, яъни нотаниш шахснинг руқий ҳолатини аниқлаш, тахмин қилиш энг зарур аломат ва белгиларни

тўплаш ҳам мустақил фикрлаш маҳсулидир. Мазкур мураккаб босқичли билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт-шароитни талаб қилади, муайян хулосага келинади.

Мустақил фикр юритиш жараёни, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Лекин мазкур вазият туғилиши, ечими бу билан тугалланмайди. Инсонда билишга нисбатан мойиллик, ихтиёрсиз хатти-ҳаракат муаммоли вазиятгача ёрқин бўлмаган, ноаниқликларни излаб тоиш каби ҳолатлар юзага келади, сўнг туб маънодаги ечимга муҳтож муаммоли вазият яралади ва ниҳоят унинг ечими топилса-да, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишда ихтиёрсиз давом этаверади.

Ўқув фаолиятида фикр юритишнинг, тафаккур қилишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

Мустақил фикр юритиш жараёни қуйидаги босқичлардан таркиб топган:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаб англаб (тушуниб) олиниши керак. Агарда инсон олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у ҳолда у бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Мушоҳада ҳам қилмайди. Инсон танбалликка мойилдир. Мабодо шахс ҳал қилиниши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўли ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади.
2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, муҳим муносабатлар, урф-одатлар, боғланишларни яхши билиши ва уни тадбиқ қила олиши зарур. Бунинг учун шахсий тажрибада учраган ҳолатдан, усуллардан ҳолатларни хотирада сақлаш ва уни ўхшаш муаммоларни ечишда қўллаш жараёни амалга оширилади.
3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади. Турли вариантлар ҳақида фикр юритилади, улар ўзаро қиёсланади ва энг самарали вариантлар ажратилади.
4. Муаммо олдида қўйилган гипотезани муайян мезонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маъновий, шаклий, тузилмавий жиҳатдан таққосланади. Бу ўринда ижодий ҳаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш, мақсад натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига юпун ҳосил қилиш учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини тадбиқ қилиб кўрилади ва айрим ўзгартиришлар киритиш мўлжали ойдинлаштирилади. Гипотеза мантикий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, муҳим аломатлари ажратилади, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва хулосалар чиқарилади.
5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан

сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия қилинади. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техник масалаларни ҳал қилишда, кашфиётларни яратишда, ихтирочилик таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий қилгичда турли-туман вариантлар, технологик карталар ва бошқа моделлар фикран таҳдил қилинади. Сўнгга улардан энг маъқули, омилқори, энг мақсадга мувофиқ танланади ва унинг устида бош қотарилади.

6. Муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларни тўғрилигига ишонч, қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи шахс уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти-ҳаракатларини якунлайди. Ана шу фикрий операциялар, мулоҳазалаш шаклларида сўнг масала топшириқ батамом ҳал қилинади ва бу муаммо тўғрисида ўйлаш нисбий жиҳатдан вақтинча тўхтатилади. Эришилган муваффақият ҳаётга жорий қилинади. Бошқача аштанда бу муаммо ва унинг ечимини топиш учун қилинган ҳаракатлар ва ечимлар келгуси муаммоли вазиятни ҳал қилиш учун керак бўлади. Бу тажрибалар онгнинг хотирасида сақлаб қўйилади ва навбатдаги ҳаётий муаммоларни ечишда чуқур ўйлаш, мушоҳада қилиш, тафаккур савиясига мос, ҳаётий тажрибага таяниб ечим излаш ва уни орттирган ҳаётий тажрибалар билан қиёслаш, ундан кейингина ягона охириги ҳулосага келиш ва уни ҳаётда қўллаш каби берк айланма тизим (система, механизм) ҳосил бўлади. Бу тизим чексиз давом этаверади. Ҳар бир шахс ўз ақл-идроки, тафаккурнинг теранлиги, интеллектуал шаклланганлигига хос ва мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Инсон ҳаётга жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мавқеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Одоб, ҳуқ, ахлоқ, маданият, маънавият, сифат, фазилят, инсон комиллигининг мезони, манманлик, камтарлик, англаш (фикр), мушоҳада, тафаккур, амалиётда қўллаш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008.
2. Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
4. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992.
6. Юсупов Э. Маънавият асослари. Т., 1998.

7. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., Ўқитувчи. 1992. 160 б.
8. А.Навоий. "Маҳбуб ул-қулуб". Т., 1983. 112 б.
9. Иброҳимов А. (муаллифдош) Ватан туйғуси. Т., 1997.
10. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Т., Фан. 1993., 105 б.
11. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. Т., Ўқитувчи. 1990. 184 б.
12. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. Т., Университет, 1997, 80 б.
13. Кайковус. "Қобуснома". Т., Ўқитувчи, 1994, 173 б.
14. Мунавваров А.К. Педагогика. Т., 1996.
15. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курса. Т., 1997.
16. Ўзбегим. "Ватан" сериясидан. Т."Шарқ". 1992. 254 б.
17. Қайюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. Т., 1987. 240 б.
18. Пахлавон Маҳмуд. Рубоийлар. Т., 1979., 88 б.

5- МАВЗУ . Фикр тарбияси. Касбий фикрлаш. Ақл тарбияси.

1. *Фикр ривожини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва шахс камолотининг ҳаракатлантирувчи кучи.*
2. *Касбий фикрлашнинг афзалликлари.*
3. *Ақл- илм ва маърифат мезони.*
4. *Комиллик сифатларини тарбиялашда фикр, касб, ақл тарбиясининг аҳамияти.*

Фикр инсон фаолияти, унинг ўзлигини кучи, қудратини ўзагини ташкил қилувчи маънавий-инсоний сифатдир. Инсоннинг эркин ва озодлиги унинг фикрининг мустақиллиги, эркинлигидан бошланади. Аслида фикр эркинлиги инсоннинг асосий маънавий-инсоний ҳуқуқидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданок "Виждон эркинлиги" ҳақидаги қонунни қабул қилиниши бўлди. Чунки бу қонун инсоннинг асосий маънавий-инсоний ҳуқуқи фикр эркинлигини қонуний кафолатлаган эди. Шунинг учун маънавий-инсоний кадриятларнинг асоси бўлган инсоннинг ўзлигини англаш фикр эркинлигини англашдан бошланади.

Фикр ривожини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун фикр ривожининг тарихи инсонлар муносабатини, ҳаётини белгиловчи асосий ижтимоий тамойиллар тарихига боғлиқ.

Инсон яратилишининг илк даврларида фикр табиатдаги жараёнларни англаш, улардан яшаш учун фойдаланиш ва ўзини муҳофаза қилиш шаклида бўлган. Шу асосда инсон фикри ривожланиб, инсон меҳнатининг бошқа моддий, маънавий кўринишлари вужудга кела бошлаган. Секин-аста инсонлар орасидаги маҳсулот айирбошлаш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларни келтириб чиқара бошлаган.

Инсоният тараққиётида фанлар ва ўқув фанларнинг пайдо бўлиш илм-фан йўлидаги катта ютуқ бўлиш билан бирга фикрлаш услубларда ҳаётӣ, табиӣ жараёнлардан тушунчалар асосида фикрлаш устунлик қила бошлади. Энди таълимда назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили илгари сурилди.

Дунёқараш ва ижтимоӣ муносабатларнинг коммунистик мафкурага асосланган тузуми эса инсон фикри эркинлигига зид бўлиб, фикрни бир гегемон оқимга йўналтиришга ҳаракат қилди. Буни ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожланиш ва инсон камолотига зид эканлигини ҳаётюшг ўзи, 74 йиллик собиқ Шўролар тузуми исботлади. Ўзбекистонда Президентимиз И.Каримов бошчилигида қурилаётган ҳукуқӣ давлат, эркин фуқаролик жамияти ҳар бир ҳукуқӣ кадриятларини рўёбга чиқариш орқали фаровон ҳаётга эришишини мақсад қилиб қўйган.

Фикрнинг ўзи нима?

Кўп ҳолларда фикр ҳаётӣ, табиӣ жараёнларни инсон миёсида акс этиши дсб қаралади. Бунда фикрни ривожлантириш сифати ҳисобга олинмайди. Фикрга қисқа қилиб, инсон миёсида маъноларнинг ўзаро боғлантирилиши ва ривожлантирилши деб таъриф берсак анча замонавийлашади. Бунда маънолар фақат тушунчанинг маъноси эмас, балки анча кенг ҳаёт маъноси сифатида қаралади. Тушунча жараён билан уйғунлашса тўла маъно касб этади. Фикр босқичлари: англаш, мушоҳада, шуур, тафаккурдан иборат. Шуур уч нарсадан иборат:

- фикр равшанлашуви,
- мушоҳада,
- англамоқ.

- -'

Мушоҳада ҳаётӣ, амалий табиӣ жараёнлар асосида тушунча, воқеа, ҳодисаларнинг таҳлили.

Тафаккур арабча "муфаккир", "муфаккиротун" сўзларидан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунли, чуқур фикрлаш қобилияти деган маънони англатади.

Фикр ҳақида фикрнинг илмийлиги, чуқурлиги, фикрнинг зийнати - эзгу ният, бирор мақсадга йўналтирилганлиги, кенг қамровлилиги, софлиги поклик, аниқликдир. Фикрлашнинг хронологик, гипотетик, эвристик, индуктив, дидуктив, амалий-конструктив ва ҳоказо турлари мавжуд. Умуман фикрлаш турларини тизимга солинса ассоциатив сабаб ва оқибатга бўлинади

Жалолиддин Румий ҳазратларининг таъкидлашича, фикр жузъийдир, яъни моддий олам асосида олиб борилади. Тафаккурда ақли кулл (ботиний ақл) билан уйғунлигани англамоқдир. Инсоннинг барча мавжудотлардан юксак жиҳати бу унинг фикрлаш қобилиятидир. Зотан, инсонлар бир-бирлари билан ўзига хос ўй-хаёллари, мушоҳадалари, фикр юритишлари, мустақил фикрлаш қобилиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам инсон фикрини тарбия қилиш муҳим саналади. Фикр тарбияси ҳақида буюк педагог А.Авлоний "Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир дейди. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия

муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража мухтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур .

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунга келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий-сиёсий жиҳатдан юксалди. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорликдаги корхоналар кучайди. Ўзбекистон дунёнинг катта бозорига шахдам қадам ташлади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишда бугун ва келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди. Бунини Президентимиз "Тафаккур" журнаlining бош муҳаррири билан бўлган суҳбатида яна бир бор таъкидладилар: "Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборатки, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, балки уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларига садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллайди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илнжида техникум ёки институтларга кирар эди."Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир ", -деган эди.

Миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг асосини ташкил қилувчи ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш аслида фикр ва фаолият эркинлигини таъминлаш асосида тараққиётнинг бунёдкорлик тамойилларини ишга туширишдан иборат эканлигини И.А.Каримов "Фидокор" газетасининг муҳбири билан бўлган мулоқотларида (2000Й, июн) аниқ кўрсатиб: "Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш", -деган эдилар.

Фикрлашда қалб, онг ва сезгиларнинг уйғунлиги ҳақида Арасту таълимоти, фикрнинг эзгуликка йўналтирилиши ҳақида Ал-Фаробий, инсонпарварликка йўналтирилиши ҳақида Алишер Навоий, фикрнинг мантиқийлиги ҳақида Умар Ҳайём, фикрлашда сигнал тизимлари ҳақида -И. П. Павлов; фикрнинг босқичлигида П.Гальперин фикрлашда умумлаштириш ҳақида — Р. Давидов таълимотлари мавжуд.

Айниқса, ижодий фикрлашнинг илк куртакларини тўғри суғора билиш келажакда кутилган натижалар беради. Бу жараён кичик боғча ёшлигидан, мактаб, олий ўқув юртларида амалга оширилади. Ижодий фикр, эркин фикрнинг тўғри йўналтирилмоғи билан боғлиқдир. Бу касбий фикрлаш жараёнига йўл очади .Мустақиллик, эркинлик, бунёдкорлик эса ижодий, амалий, назарий ташаббусда намоён бўлади. Ташаббус иқтисодий-ижтимоий ривожланшнинг, инсонларнинг янги талабига мос келадиган моддий, маънавий маҳсулотлар яратишга қаратилган таклиф, ғоя, фикр ёки амалий

жараёндир.

Бирор соҳада ташаббус кўрсатиш учун ҳар киши ўзи фаолият кўрсатаётган соҳани мукаммал билиши, бу соҳани маҳсулий жараёнида нималар тараққиётга, ривожланишга, маҳсулот сифати, тури, нархига тўсик бўлаётганини аниқ билиши бу камчиликларни тугатишга қаратилган аниқ технологик ғоя, амалий ташрифларга эга бўлиши лозим.

Ташаббускорлик сифати инсонларнинг ички фаоллик омиллари: биринчидан, ҳар бир кишининг ўз қизиқиши, ўқув қобилиятига мос ҳаёт йўлини топиши орқали ўз кадрини рўёбга чиқариш ҳисси бўлса, иккинчидан шахсий манфаатдорлик, шахсий мулкнинг фақат моддий эмас, балки маънавий кадриятларни ишга тушириш орқали ўзини ва давлат, жамият ва оламни такомиллаштиришга ҳисса қўшишдан иборат. Ҳақиқатан иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси мустақил, давлатимиз ривожланиши тарихда мамлакатимизда бозор иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамият қурилишида бозор иқтисодиётининг янги, ҳали ишга туширилмаган механизмларини ишлаб чиқиш ва ишга туширишда иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг янги ҳаракатлантирувчи кучларини ишга солишда XXI асрга боровчи янги ғоялар, технологиялар сессияси бўлиб қолади. Гап шундаки, бу сессияда Президентимиз томонидан ташаббускорлик биринчи бор мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, фуқаролар фаровон ҳаётини таъминловчи маънавий кадрият сифатда илгари сурилди. Бу тасдиқ Президентимизнинг сессияда "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз" номли жаҳоншумул маърузаларидаги тараққиёт йўналишларининг мазмунан уйғунлигидан келиб чиқади. Чунки агар инсонларни қизиқиши, ўқуви, қобилиятини ишга солувчунинг ҳаёт маъносини очиб берувчи, инсонийлик моҳиятини ишга туширилмаса моддий ва маиший таъминот ҳам инсон ҳаёти фаровонлигини тўла таъминлай олмайди. Бу маънавий кадриятлар маънавий инсоний фазилатга айланса шундай инсонларнинг ҳаётлари жўшқин, бахтиёр бўлади. Меҳнатлари унумдор бўлиб, ҳақиқий фаровон ҳаёт кечирадилар.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий кадриятларимиз қайта тикланиб, буюк алломаларимиз-Ахмад Яссавий, Нақшбандий, ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек каби ақл-заковатли, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ақл-идроки, миллий урф-одатлари, айниқса маънавиятимизнинг асоси бўлган инсоний фазилатлар қайта тикланмоқда. Янги адолатли жамият қуриш учун таълим-тарбия соҳаси ҳақидаги билимлар чуқурлаштирилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларига "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" мавзусидаги жавобларида: "Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий кадриятларга таянади ва уларни

ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади",- деган эдилар (июн, 2000).

Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса ўсиб кела-ётган ёш авлодни ақл-идрокли, одобли қилиб тарбиялаш, уларни камолотга етказиш соҳасида Республикамизда бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Дунё, инсон, ақл-заковат, маънавият- булар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики, ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти сифатида ақл-заковати билан таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир. Инсон дунёга маълум бир мақсад билан келмайди. У ўзлигини идрок этгандан сўнг ҳаётда яшашдан маъно излайди ва бу нарса унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Инсонлар бор, дунёга келадилару кетадилар, улардан ном-нишон қолмайди, ҳаётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор - мана шу келиши билан кетиши ўртасидаги "умр" деб аталмиш вақтга чакмоқдай чакнаб, ўзларининг ёрқин изини қолдирадилар. Бу из ўчмасдир. Мана шундай ақл-заковати билан ўзидан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Маънавий комил инсонгина шундай юксакликка, авлод-аждодлар қалбида замонлар оша, асрлар оша яшашдай шарафга сазовордир. Демак, инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билшпи, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақли ва унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиш, ақл-идрок туфайлигина инсон донолик, теран фикр, ростгўйлик, тўғрилиқ, узоқни кўра билиш, нафснинг кўйига тушмаслик каби хусусиятларни амалга ошириш мумкин. Халқимизнинг "Ақл инсоннинг кўрки," "Ақл сувдан тиниқ, ойнадай равшан" каби нақллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам ақл инсон учун ғоят олий неъматдир. Ақл билан илм-маърифат эгалланади, касб ҳосил қилинади, дунё сирлари ўрганилади. "Ақл- юрак ичидаги нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади", "Ақл ўз соҳибини дунё маломатларидан қутқаради".

Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди, ягонасидир. Руҳ ишлови, ақл бошловчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодни маҳкам қилади, шариат ҳукмларига бўйсунади. Инсонларнинг дўсти унинг ақлидир. Душмани эса унинг нодонлигидир. «Оллоҳ энг ғазаб қилган киши аҳмоқдир. Чунки у энг азиз нарсадан маҳрумдир». Инсон ақли туфайли яхшилик билан ёмонликни ажратади. Олимларнинг фикрича, ақл икки турли бўлади. Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган туғма ақли табиий ва касбий бу табиийдир. Инсон табиатдаги ақлини ўткирлаши ва ўстириш фаолияти бу касбийдир. Бу эса ақлни ишлатиш, тажриба ва илм олиш билан ҳосил бўлади. У ақлни ривожлантириш учун ҳам ҳар бир киши ҳаётдан тажриба орттириш ва илм-маърифат ўрганиш зарур, ҳар кимки, ақлга ошно бўлса, у жамики айблардан покланади, ҳақиқатни, англаб, камолотга етади.

Абу Наср Форобий ёзади: "Ақлли деб шундай кишига айтамызки, унда

ўтқир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бугун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва бугун фикр юритувчи деб аташ мумкин".

Болаларнинг ақлли бўлишида оила, мактаб, кенг жамоатчиликнинг таъсири каттадир. Ақлли болалар қаерда бўлмасинлар доимо эҳтиёткорлик билан билим ва тарбияли эканлигини намоён этадилар. Уларни кўрган, суҳбатида бўлган кишилар ақлига таҳсин қилиб раҳмат айтадилар. Шу ўринда 1447 йили Тафт шаҳрида 5-6 ёшли Алишернинг машҳур олим, тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган учрашувини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир. Бола мўйсафиднинг саволларига бурро жавоб берар эди. Унинг ўзини тутиши, одоби мўйсафидга ёқиб тушди.

-Мен чақирганимда ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг, сўроқларимга яхши жавоб бердинг. Шунинг учун сенга раҳмат, умринг узок бўлсин, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил, бўлиб, яхши обрўга эришгайсан, — мўйсафид уни дуо қилди. Бундан кўриниб турибдики, ақшш болалар ҳамма жойда камолу-таъзим билан салом берадилар. Одоб билан муносабатда бўладилар. Ҳақиқатдан ҳам, ақлни ишлатган кипш ҳаётида фақат эзгуликлар қилади ва эзгулик кўради. Лекин шуни айтиш жоизки, ақл, заковат жиҳатдан етук бўлмаган инсон ҳеч қачон ўз Ватанини, ўз халқини, ўз динини, энг асосийси ўзлигини англай олмайди, ўзлигини англамаган инсон эса манқуртга айланиб қолади. Бу эса эртанги порлоқ келажагимизнинг ҳалокатидир. Бизнинг бу борадаги энг асосий вазифамиз ёшларни маънавий баркамол, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, юрт истикболи учун қайғурадиган комил инсонларни тарбиялашимиз, уларни камол топтиришимиз зарур.

Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Илм, маърифат биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқолмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз». Юртбошимиз И.А.Каримов айтганларидек, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Шунинг учун ҳам комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз.

Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозусига солиб кўради, ўз фикри, ўйи, ҳулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Дарҳақиқат, илм-маърифатлилик куч-қувват манбаи, қалбга нур, ўзига зиё бағишлайдиган буюк неъматдир. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда кунт билан илмни ўрганиши туфайли ақл-заковати юксалади, бахтли ҳаёт учун курашади. Бизга маълумки, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган илм ҳикматларини ўрганишда ота-боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари бекиёсдир. Халқимиз орасидаги қуйидаги ўғитлар инсонларни илм-маърифатга даъват этувчи буюк кучдир. Инсон учун

ақл, эшик очувчи, ахлокий йўл кўрсатувчидир. Етук ахлоқ ва одоб инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилатидир. Ақлли киши ахлоқли бўлсагина, халқига, мамлакатига, ёру дўстларига наф келтиради. Алишер Навоий ўзининг ақли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ, ақли ва ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп фойда келтирди, дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога давлатни адолат мезонлари асосида бошқаришга ёрдамлашишга интилдди. Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли у кўп фалокатларни олдини олди, ҳалокатлардан қутулиб қолди.

Ақл-инсоннинг эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуасидан иборатдир.

Абдулла Авлониининг ёзишича, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим. Чунки, "Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур, Рух ишловчи, ақл бошқарувчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шарият ҳукмларига буйсунур"...

Расули Акрам набиий мухтарам саллолоҳу алайҳи вассалам шундай деганлар: "Эй инсонлар! Ақлингизга таъвозе қилингиз, Сиз жаноби ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз".

Алломалардан бири: "Агар ақлингизни қули нафсингизни жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар, ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон булур, ақл эса илм ва тажриба соясида "қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо булур", демиш.

Инсонда нима асосий роль ўйнайди, ақлми ёки одоб деган савол ҳам қўйилиши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам муҳим. Иккаласини ўзида жамулжам қилган кишини баркамол инсон, деб айта оламиз. Ҳаётда билимли, ақли ҳам жойида азиз, ақл ва одоб кишиларни қалбан бир-бири билан боғлайдиган руҳий замин десак ҳам хато бўлмайди. Донолар айтганидек: "Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши мумкин. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб қўшилса, нур устига нур бўлади. Улуғлик-ақлу одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади". Ақл ва одобнинг узвий бирликда эканлигини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ақл, идрокка нисбатан даставвал кишининг хулқ-атвори кўзга ташланади. Психологларнинг фикрича, биринчи таассурот шунчалик кучлики, у бундан кейинги тасаввурларга замин бўлади. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Олдин кўз маъқуллайди. Меҳр кўзда, деган гап бор халқимизда. Кишининг ақл-идроки бўлмаса унинг одоби юзаки, сунъий бўлади. Унинг одамлигини билиб турасиз, у одамийлиги ва одамлигининг йўқлигидан нафратланасиз. Халқимизнинг ўзи чиройлигу сўхтаси совуқ, ўзи хунугу истараси иссиқ деган нақллари ҳам шу маънони беради. Зукко одамнинг қалби одатда пок бўлади. Қобилиятсиз, хулқ-атвори беқарор одамларнинг ёмон йўлларга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Одобсиз талабаларни кўз олдингизга келтиринг, ўзи талаба, аммо қилаётган хатти-ҳаракатлари ғайри инсоний тарзда кўпчилик ичида ўз ҳурматини йўқотади, ўқибди-ю, уқмабди, деган ибора худди шундайларга нисбатан айтилган. Инсонларнинг билими қанчалик кенг ва

чукур бўлса, у шунчалик камтар бўлади. Камтарлик-доноликнинг белгисидир. Доно кишилар билганларидан кўра билмаганлари кўп эканини тасаввур эта оладилар. Буюк файласуф Сукротнинг: "Мен бир нарсани биламан, у ҳам бўлса- ҳеч нарсани билмаслигимдир",-деган фикрларида ҳам шу маъно бор. Фақат нодон кишиларгагина ўзлари билган билим ҳақиқатнинг сўнгги чегарасидек бўлиб кўринади. Кишиларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тарақққётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм, фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб ҳунар - касбни эгаллаши, малака оширишга эҳтиёжлари ҳам бўлмайди. Шу сабабли жамият тарақққётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасида таълим-тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ ва ақл тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Маърифатпарвар аллома А. Авлоний инсон ақл-заковати ва маънавий камолотининг йўллари устида тўхталиб, шундай деб ёзадики: "Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун муқаддас бир фазилатдур, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз мевасиз дарахт кабидур". У илмнинг аҳамиятини назарий томонини кўрсатибгина қолмай, балки амалий фаолият учун ҳаётий зарурат экаиличини ҳам таъкидлаб ўтади: "Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарар, маданият, инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур. Яхши хулқ одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сароватимиз, майишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур".

Ақл-заковат, эҳтиёж ҳам объектга заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англаган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижгимоий, иқтисодий тарақққёти ҳам илмий тафаккури салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: Фикр, тушунча, мушоҳада, англамоқ, шуур, тафаккур, ташаббус, хронологик, муаммоли, эвристик, гипотетик. Дунё, ақл-идрок, маънавият, қалб, фикр, илм, комил инсон, илм-маърифат, ақл, ахлоқ, эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А "Буюк келажак сари". Т. 1999.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. "Шарқ". 1998.
3. А.Авлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". Т. 1991.
4. Каримова В. Мустақил фикрлаш иима. Т. 2000.

Дунё, ақл-идрок, маънавият, қалб, фикр, илм, комил инсон, илм-маърифат, ақл, ахлоқ, эпчиллик, бунёдкорлик

6-МАВЗУ . Оила тарбияси ва оила педагогикаси.

- 1. Оила, унинг мақсади ва вазифалари.***
- 2. Оила тарбиясини такомиллаштириш омиллари.***
- 3. Oilанинг ўзига хос хусусиятлари..***
- 4. Oilанинг мактаб ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги.***

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай экан, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила тор маиший тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсири кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсири кўрсатади. Буни биз 1998 йил мамлакатимизда "Оила йили" деб эълон қилиниши мисолида кўришимиз мумкин. Шу муносабат билан ҳукуматимиз ишлаб чиққан тадбирлар оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, оилада ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, oilанинг ҳуқуқий тамойилларини кенгайтириш ва бошқа оилани муетаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: "Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осоишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаро-вонлиги - миллий фаровонлик асосидир".

Шуни унутмаслик лозимки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина, оила тарбияси муваффақиятли бўлиши мумкин. Ёш авлод ҳаётининг кўп қисми оилада ўгади. Шу боисдан турмушнинг мураккаб муаммолари билан оилада танишадилар. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит-қизлар аста-секин камол топиб борадилар. Анъана ва маросимлар тарбиянинг қудратли қуролига айланади. Келажагамизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган

ёшларга боғлиқ. Бу қонуният оиланинг тарбия борасидаги фаолиятига ҳам боғлиқ. Оилавий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам. У тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги югуқлар ота-оналарга педагогик билимлар бериш, оилавий тарбия бўйича тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини чуқур англашларига боғлиқдир. Бундан ташқари нормал оилавий муҳит, ота-онанинг обрўси, гўғри кундалик режим, болани китобга ва ўқишга, меҳнат қилишга ўз вақтида жалб қилишлари ҳам муваффақият гаровидир. Кўриниб турибдики, қадимдан ҳам, бугун ва эртага ҳам, бундан кейин ҳам ақлли, фаросатли, тафаккури чуқур - бир сўз билан айтганда камолотли фарзанд тарбиялаш муаммоси долзарбдир. Халқ бундай фазилатли инсонларни севадилар, эъзоз-лайдилар ва ҳурмат қиладилар. Бундай тафаккурга бой камолотли фарзанд тарбиясининг сарчашмаси оиладан бошланади. Оила ана шундай табаррук қалъадир. У қандай қурилиши лозим? Оила ўзи нима ва унинг мақсад, вазифалари нималардан иборат?

Оила — вояга етган икки жинснинг севиш, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишда, қалб хоҳиши билан тузилган қонуний иттифоқидир. Мўъжазгина бир қалъа қурилди. Энди бу қалъада бекинмачоқ ўйналмайди. Ёшликдаги ўйинқароқлик, бебошлик, эркалик, бепарволик ўрнини сезгирлик, масъулият, андиша, жавобгарлик каби фазилатлари эгаллай бошлайди. Бунга ҳар бир ёш тайёрланиб, масъулият кўникмасини ҳис қилиб, оила мақсад ва вазифаларини тушуниб, уқиб бормоғи лозим.

Оила мақсади — икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оила вазифаси — эр-хотиннинг биргаликда хўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақлли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш.

Оила аъзоларининг ҳуқуқлари. Оилада ва жамиятда эр ва хотин тенг ҳуқуқларга эга. Бу сўзда қонунда белгиланган ҳуқуқлар

ҳақида гап кетмоқда. Буттдай гепглик сайлаш, сайланиш, касб танлаш, ишлаш, билим олиш, ўзига ёр танлаш ва ҳоказо ҳуқуқларда ўз ифодасини топади. Лекин икки жинснинг биологик, руҳий тузилиши иуктаи-назаридан бундай тенглик йўқ. Шунинг учун аёл ва эркакнинг оилада рўзгор тебратиш, фарзандларни тарбиялаш, фарзанд-ларнинг оила юмушлари ва вазифаларидаги меҳнат тақсимооти масалаларидаги ҳуқуқ ва бурчларида бирмунча тафовутлар мавжуд.

Оила тарбиясида ҳикмат (фалсафий-педагогик йўналишлар) кўп. Янги ўтказилган ниҳолнинг тўғри ёхуд эгри ўсиши боғбон меҳнати ва маҳоратига боғлиқдир. Эгри ўсаётган ниҳолнинг қаддини ростлаб қўйилмаса, у нотўғри ривожланади. Янги туғилган гўдак тарбияси билан шу ёш ниҳол ҳолати ўртасида қандайдир табиий ўхшашлик мавжуд.

Бундан кўриниб турибдики, меҳнат тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбия, ахлоқ-одоб нормалари, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тарбияси, маънавий-эстетик тарбия, жисмоний тарбия, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, миллий ғурур ва ифтихор тарбияси, ижтимоий тарбия ва шу қабила оиладан бошланади.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос «табиий-биологик» (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкӣ муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси ва бошқалар) муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир.

Оила мазмун ва моҳиятига кўра ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун ўзига хос характерли хусусиятларга эгадир. Шарқда оила тушунчаси оила қуриш ва унинг мустаҳкамлигини, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, авлод-аждодлари, жамияти олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади. Айниқса, ўзбек халқи учун оила эиғ муқаддас даргоҳдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Бунда ўзаро ҳурмат ва

қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1998 йил «Оила йили», 1999 йил эса «Аёллар йили» деб эълон қилинди ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурлари қабул қилинди. Олий мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Оила Кодекси» эса оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этишда ҳуқуқий кафолат бўлиб ҳисобланади.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири - тарбия ҳисобланади. Оила - тарбия маскани. Айнан шу масканда дунёга келган фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни олади, балки улардаги хатти-ҳаракат, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам эгаллаб боради. Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, хатти-ҳаракати мазмунига сингиб боради.

Боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик, жисмоний, маънавий, гигиеник, жинсий тарбиясида оила асосий омил ва восита ҳисобланади. Бу ўринда ота-она - санъаткор, бола - санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Санъат асарининг муваффақияти, жозибадорлиги, умрбоқийлиги санъаткорнинг маҳорати, савиясига боғлиқдир.

Демак, оила жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигидан жамият манфаатдордир. Дарҳақиқат, доноларимиз таъбири билан айтганда, «Оила - жамиятнинг дуру гавҳаридир». Ушбу дуру гавҳарнинг мусаффолиги, атроф-муҳитга эстетик таъсирчанлиги, одамлар муҳаббатига доимий сазоворлигини таъминлаш оиланинг ҳар

бир аъзосидан жуда катта масъулият талаб этади. Оила деб аталмиш муқаддас салтанатнинг топталиши, бузилишига йўл қўйишга, унинг шаънини булғашга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Чунки оила - давлат таянчи, бахт ва саодат бешигидир.

Маъруза бўйича таянч сўзлар:

Оила, оила мақсади, оила вазифалари, фарзанднинг ота-она олдидаги ва аксинча ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992.
2. 1998 йил-Оила йили деб эълон қилинишига доир ҳужжатлар.
3. Мунавваров А. Оила педагогикаси. Қўлланма. Т. 1994.
4. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
5. Узоқов Х., Ғозиев Э.Ғ., Тожиев А. Оила этакаси ва психологияси. Қўлланма. Т. 1992.
6. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги-жамият тараққиётининг мезони. Халқ таълими журнали. 1998 йил 6-сон.
7. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. Москва, 1981г.

7-МАВЗУ. Ҳуқуқий тарбия ва юридик педагогика.

1. *Ҳуқуқий тарбия - жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи омил.*
2. *Ҳуқуқий тарбияда дидактик принциплар ва уларга риоя қилиш.*
3. *Ҳуқуқий тарбия ва юридик педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари.*
4. *Ҳуқуқий маданият тушунчаси. Юридик тил талаблари.*

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш сари қадам қўйилиб, бу йўлда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онгни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу масъулиятли вазифада меҳнат жамоаларида, билим масканларида ва ҳар бир шахс билан олиб бориш борасида кўп

қиррали ишлар қилинмоқда.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган ва қарори билан тасдиқданган: «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»и фикримизнинг далилидир.

Ҳуқуқий тарбияли бўлиш учун ҳар бир шахс умумҳуқуқ билимга, уни онгли равишда қабул қилишга ва ҳуқуқий маданият сабоқларини олиши керак.

Ҳуқуқий тарбияни кенг ва тор маънода кўриш мумкин. Кенг маънода бутун жамоанинг, кўпчиликнинг онгига таъсир кўрсатишга қаратилган тарбия, тор маънода эса алоҳида шахсга, унинг онгига таъсир этиш йўллари тушунилади.

Демак, ҳуқуқий тарбия бу - ташкилий равишда мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадни кўзлаган ва шахсга (гуруҳ шахсларига) таъсир қила оладиган, уларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, қонунларига риоя этиш хислатларини вужудга келтирадиган ҳаракатдир.

Ҳуқуқий тарбия-умумтарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, барча фуқароларда, хусусан ёшларда ҳуқуқий билимлар асосида, ҳуқуқий онг тушунчасини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасида давлат органлари, ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик томонидан олиб бориладиган ишдир. Бунинг натижасида қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилиш, уларни билишга эришилади.

Ҳуқуқий тарбия ҳамма турдаги тарбиянинг умумий йўналишлари каби қадим замонда вужудга келган ва давлат мавжуд бўлгандан бери унга боғлиқ ҳолда ривожланган.

Ҳуқуқий тарбия давлат томонидан белгиланган махсус тарбия тизимларидан ташкил топади ва аниқ мақсадни кўзда тутди. Масалан, давлат бошқарувини амалга ошириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларни тартибга солиш ва бошқалар.

Ҳуқуқий тарбия тизими уч таркибий қисмдан ташкил топади: давлат белгиланган қонун — қоидаларини ўқитиш; уларни жамият аъзолари ўртасида ташвиқот қилиш; ўқувчи ёшларни қонун қоидалар ижросида бевосита иштирок этишга ўргатиш.

Ҳуқуқ нормаларини ўқитиш дейилганда давлат органлари

томонидан тасдиқланган дастур асосида шахсга билим бериш тушунилади.

Ҳуқуқий нормаларни ташвиқот қилишда жамият аъзолари билиши лозим бўлган қонун қоидаларни, қарорлар, фармонлар, фармоишлар, буйруқ ва йўлланмаларни турли воситалар ёрдамида аҳоли орасида ташвиқот қилишдир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси адвокатураси тўғрисидаги қонун 1996 йил 27 декабрда матбуотда эълон қилинди. Олий Мажлис қарорида бу қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилиши айtilган. Фуқароларни ҳуқуқий нормалар билан таништириш асосан уларни қабул қилган ёки бажарилиши юклатилган органлар томонидан амалга оширилади.

Фуқароларни қонун қоидалар ижросида иштирок этишга ўргатиш уларни ташкилий усуллар ёрдамида давлат белгилаган тартиб интизомга одатлантиришдир.

Демак, ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади шахсда ҳуқуқий онгни шакллантириш, яъни ҳуқуқий нормаларга ҳурматни, уларга ихтиёрий, онгли равишда риоя қилишни тарбиялашдир.

Ҳуқуқий тарбия босқичма-босқич берилади. Босқичли ҳуқуқий тарбия беришдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий онгини бевосита таъсир этувчи назарий ҳуқуқий билимлар, кўникма ва малакаларини таркиб топтиришни узлуксиз таъминлашдир.

1. Ҳуқуқий тарбиянинг вазифаси.

Ҳуқуқий тарбия олдида қўйилган умумий вазифа шахсга қонунларни ва унга амал қилиш йўллариини ўргатиш. Ҳуқуқий тарбиянинг юридик вазифаси - шахсда муайян ҳолатларда зарур ҳуқуқий нормаларни қўллай олиш қобилиятини тарбиялашдир.

Ҳуқуқий тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири шахсда ҳуқуқ нормаларини ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, яъни ўзини мустақил равишда ҳуқуқий тарбиялашга одатлантиришдир. Ҳуқуқий нормаларга ҳурмат руҳида тарбияланган шахс қонун-қоидаларга мунтазам равишда ўрганиб боради ва бошқаларни ҳам шундай қилишга даъват этади.

2. Ҳуқуқий тарбиянинг шакллари.

Амалиётда ҳуқуқий тарбиянинг ҳар хил турлари мавжуд. Бу тарбия оилада, боғчада, мактабда, билим юртларида, институтларда олиб борилади.

Ҳуқуқий тарбия - тарбияланувчиларнинг хулқ-атворида таъсир

қўрсатувчи, уларни тартиб доирасида тутиш учун асос бўла оладиган билим беришдир. Лекин тарбиячи фақат билим берибгина қолмасдан, тарбияланувчиларга ҳар хил шаклда таъсир ҳам ўтказиши керак.

Ҳуқуқий тарбия шакллари ҳар бир шу иш билан шуғулланувчи услубида ўз ифодасини топади.

Масалан, ўқув юртларидаги ҳуқуқий тарбия шакли, меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларникидан фарқ қилади. Ўқувчиларга дарс жараёнида, дарсдан ташқари вақтда-суҳбат, суҳбатни ҳуқуқий қоидаларини ўргатиш, ўйин дарслари ўтказиш тариқасида олиб борилади.

Жамоат-меҳнат билан боғлиқ шахсларга иш жойларига махсус ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари ёки профессор-ўқитувчилар савол-жавоб кечаси, маъруза шаклида ва бу учрашувда умумий ҳуқуқий тарбияга боғлиқ тушунчалар берилади. Билим масканларида бу тарбия босқичма-босқич кенг режа асосида, узоқ давом этадиган турларда, тарбия дарс жараёнида берилади.

Ҳуқуқий тарбия шакллари куйидагиларга бўлиш мумкин: а) ҳуқуқий билим; б) ҳуқуқий ташвиқот; в) жамоатчилик томонидан олиб бориладиган ишлар; г) ҳуқуқни ҳимоя қиладиган давлат органларининг ишлари билан танишиш (тергов, суд жараёнларида қатнашиш); д) халқ депутатларини номзодликка тавсия қилиш мажлисларида, маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар комиссиялари ишларида иштирок этиш. Ҳуқуқий тарбияни жамоа ўртасида ёки индивидуал шаклда амалга ошириш мумкин.

Ёшларни ҳуқуқий билимга ва ҳуқуқий тарбияга жалб этишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлат органлари ходимлари билан учрашув ўтказилиши, савол-жавоб кечалари ташкил этилиши ёки ҳуқуқшунос уюшмаларни тузиш ижобий натижа беради. Индивидуал якка тарзда ҳуқуқий билим беришда, ҳуқуқий тарбиялашда шахсга махсус адабиётлар тавсия этилиши, унда қизиқиш уйғотиш, тарбияланувчининг руҳий ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

3. Ҳуқуқий тарбиянинг методлари.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий тарбия методларини одатда икки турга бўладилар-ишонтириш ва мажбурлаш. Ҳуқуқий тарбия методи-бу бир неча муайян йўл ва усуллар йиғиндиси бўлиб, улар асосида кишилар онгига, дунёқарашига таъсир қилинади. Бунинг натижасида тарбияланувчиларда қонунга ҳурмат ҳисси уйғотилади

ва қонуннинг бузилмаслиги таъминланади.

Энг асосий метод бу-ишонтириш методи. Ишонтириш орқали ижобий натижага эришилмаса, мажбурлаш методи қўлланилади. Ҳуқуқий тарбияда бу икки методни бирга қўллаш ҳам мумкин.

Кишилар ўртасидаги муносабатлар маълум қисмни давлат томонидан тартибга солиб турилиши ҳануз сақланар экан, қонунлар бажарилишининг мажбурийлик ҳаракатлари ҳам сақланади. Бундан ташқари, жамият ҳаётида ҳали ҳуқуқбузарликка барҳам берилмаган экан, фуқаролар мамлакат тинчлиги ва дахлсизлиги таъминланиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқбузарликка нисбатан фаолияти кучайиб боради. Бу борада суд, прокуратура, ички ишлар миллий хавфсизлик органлари, Адлия вазирлиги ва бошқалар ўз функцияларини тарбиявий-ишонтириш методи билан биргаликда олиб борадилар.

Ишонтириш методи орқали кишилар онгига ҳуқуқ, қонун, қонуний онглارнинг жамият ҳаётида қанчалик аҳамияти зарур эканлигини тушунтириб, бу қонуний ҳужжатларни қабул қилиш жараёнига айтилади.

Республикамиз Конституциясининг 9-моддасида «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига такдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади», дейилган. Қонун лойиҳаларини, энг муҳим масалаларни халқ муҳокамасига, овозига қўйиш-халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигининг далилидир. Демак, республикамиз халқи давлат фаолиятининг барча соҳаларида кенг иштирок этиши лозим. Бу имкониятнинг рўёбга чиқиши, халқнинг ҳуқуқий эътиқодига боғлиқ. Инсонни сиёсий фаоллик руҳида тарбиялаш ҳуқуқий тарбиянинг вазифасидир. Давлатимиз эса қонунчилик фаолиятини, қонунларни амалга оширишда олиб борадиган юксак ишларида асосан шу сиёсий фаолликка таянади. Ана шундагина қонунларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролар уларнинг моҳиятига, заруратига, мақсадига тўлароқ тушуниб етадилар. Қонунлар билан танишиш кишилар онгида уларга нисбатан масъулиятни тарбиялайди, натижада қонунларнинг бажарилиши учун реал муҳит вужудга келади. Ўзбекистон фуқаролари фақат қонун лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашибгина қолмасдан, қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фаол иштирок этсалар, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида анча олға сурилиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбиянинг илмий принципларидан яна бири ўрганилаётган қонун ёки қарорнинг келиб чиқиш сабабларини, унга объектив зарурат борлигини тушунтириб беришдир. Агар тарбияланувчи қонун, қарор ва қоидаларнинг вужудга келиши, қабул қилиниши умумий асосларини тушуниб олса, айниқса, ҳозир ўрганилаётган ҳуқуқий норманинг қабул қилиниши сабабини билса, уни бажаришга онгли равишда ёндашади, ўзида ҳам ҳуқуқий нормага нисбатан эҳтиёж сезади.

Ҳуқуқий тарбияга илмий ёндашиш қуйидаги фаолиятлардан ташкил топади:

- ўргатилиши лозим бўлган қонун ёки қонунний актнинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта ўзлаштириб олиш;

- тарбия объектларини ўрганиш, улар билан ҳуқуқий норма ўртасидаги боғланишни аниқлаш;

- мазкур минтақадаги ҳуқуқий нормага алоқадор ҳуқуқий ҳолатни (ҳуқуқ-тартиботни, қонунчиликка муносабат) ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий нормани тушунтириш шакл ва методларини танлаб олиш;

- ҳуқуқий тарбия воситаларини тайёрлаш;

- тарбияланувчиларнинг фикрини ўрганиш ва савол-жавобга тайёрланиш.

Ҳуқуқий тарбияни шаҳар, туман, вилоят, республика миқёсида ягона шакл ва методлар асосида олиб бориш ҳам илмий принципдир. Ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш бутун мамлакатда ҳуқуқий тарбияга чуқур илмий ёндашишни тақозо қилади. Ҳозир бу муҳим иш давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий педагогика.

Ҳуқуқий педагогика умумий педагогиканинг узвий қисми бўлиб, юридик билимларни ўқитиш ва ўрганишдан иборатдир, бошқача қилиб айтганда, инсонни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашдир. Давр талабига жамият олдида турган вазифаларга мувофиқ шахслари индивидуал ёки гуруҳ орқали ҳуқуқий тарбия берилади.

Таълим жараёнида эндиликда мустақил Ўзбекистондаги ўзгаришлар, юқорида берилган баҳолар ҳуқуқий муносабатга киришишни ўргатишнинг мазмунини ҳам, тарбиялаш методини ҳам ўзгартириб боради.

Ҳуқуқий тарбия механизмини, ҳуқуқни ўқитиш жараёнини педагогик принциплар асосида ишлаб чиқиш ҳуқуқий педагогиканинг асосий мақсадидир. Шу сабабдан биз шахс тарбияси, хусусан унинг ҳуқуқий тарбияси оилада, мактабда ва иш жойида таркиб топиши керак.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда мактаб зиммасига болалар ва ёшларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва жисмоний тарбиялашга кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Бу ишларни мактаб оила билан биргаликда олиб боради. Демак, ҳуқуқий педагогикани амалга оширишда мактаб, оила, жамият ташкилотлари билан биргаликда умумий ва махсус йўналишда иш олиб боради. Оилада ҳуқуқий педагогика асосан болаларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, ўз бурчларини билиш, қонун доирасида иш тутиш, онгли равишда оилада ўрнатилган тартиб-тарбияни мустаҳкамлашга қарайди.

Жамоа жойлардаги ҳуқуқий педагогика шу ерда жойлашган ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Масалан, кинотеатр, ошхона, дўкон, ферма ва бошқа жойларда ҳуқуқий тарбия шу соҳада ишлайдиган кишининг ҳуқуқ ва бурчидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ижтимоий муҳит сифатида жамоанинг энг муҳим белгиси унинг ўрнатилган ҳуқуқий принципларига асосланган бўлишидир. Ҳар бир жамоа ўз функциясини ўзига хос турли шакл ва методларга асосланиб амалга оширади. Жамоа аъзоларининг барчаси ўз меҳнат бурчига ва жамоа вазифасига, ҳуқуқий ҳолатига алоқадор қонун-қоидалар билан таништирилиши зарур.

Таълим тизимида ўқувчи ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш элементлари таълим тўғрисидаги қонунда кўрсатиб ўтилган. Қонунда ҳар бир таълим бўғинига ҳуқуқий тарбиянинг аниқ вазифаси юклатилган. Масалан, тарбия муассасалари оила билан ҳамкорликда болаларни уюшқоқликка ва интизомга ўргатадилар. Умумий ўрта таълим махсус касб-ҳунар таълими ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини ахлоқий тарбия билан қўшиб олиб борадилар. Тарбия жараёнида уларни масъулиятли, уюшқоқ ва интизомли бўлишга, давлат белгилаган қонун-қоидаларга бўйсунишга, ахлоқ-одоб ва турмуш қоидаларини ҳурмат қилишга ўргатадилар.

Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар жамоалари эса юқоридаги вазифалар билан бирга талабаларнинг ижтимоий

фаоллигини ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчларига онгли (ҳуқуқий онг) муносабатларини шакллантирадилар.

Шубҳасиз, таълим тизимида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси педагогик асосларда олиб борилади. Мактаб, ўрта махсус касб-хунар таълими олий ўқув юртларида педагогик принциплар ягона. Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида янги йўналишлар стандарт, концепциялар ишлаб чиқилган. Таълимнинг узлуксизлиги, давлат ва жамиятнинг фаолияти, фан, ишлаб чиқаришнинг фаолиятлари юқори ҳужжатларда ўз ўрнини эгаллаган.

Шахснинг интизомли, ҳуқуқий онгли бўлиши жамоанинг ҳуқуқий онгига, унда қарор топган интизом даражасига боғлиқ. Ёшларни тарбиялашдан олдин ўқитувчилар жамоасини ҳуқуқий тарбиялаш лозим.

Ҳуқуқий педагогиканинг асосий элементлари таълим муассасаларида умумий педагогика билан баробар равишда ўзгартирилиши керак. Ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабат фуқаролик бурчига содиқ ва фаол ҳаётий позицияда туриш руҳида тарбиялаш ҳуқуқий педагогиканинг ўзагини ташкил қилади. Шу руҳда тарбияланган шахс қонун-қоидалардан келиб чиқадиган фуқаролик, инсоний бурчларни ихтиёрий равишда адо этади ва ўзига берилган ҳуқуқлардан жамоат, давлат манфаатини кўзлаб фаол фойдаланади, ҳар қандай қонун-қоидани, тартиб-интизомни бузувчиларга нисбатан муросасиз бўлади, уларга қарши қаттиқ курашади.

Ҳуқуқий тарбияда дидактик принциплар ва уларга риоя қилиш.

Маълумки, ҳуқуқий нормалар уч асосий гуруҳга бўлинади: давлат-ҳуқуқий нормалари, фуқаролик-ҳуқуқий нормалари, жиноят-ҳуқуқий нормалари.

Давлат-ҳуқуқий нормаларни тушунтиришда қонунчилик, қонунийлик, давлат органлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқий давлат қурилиши, маъмурий, интизомий, жиноий, моддий жавобгарлик мавзуларида амалий машғулот ўтказиш мумкин. Тарбияланувчилар ҳуқуқий амалиёт тарзида маҳаллий давлат органлари, депутатлар фаолияти билан таништирилса, уларда назарий билимлар биргаликда амалиётда бажариш, риоя қилиш таассуроти ҳам вужудга келади. Махсус ташкилотлар ишларини

Ўрганиш кузатиш натижасида ҳуқуқий тарбиянинг асосий элементлари ҳаёт билан боғланган ҳодда тарбияланувчилар онгида шаклланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни амалий машғулотсиз тушунтириш яхши самара бермайди, чунки меҳнат муносабатлари ҳар соҳада ўзига хосдир. Муаллимларнинг меҳнат шариоити ишчиларникига, шифокор ходимларникига, савдо ходимларининг иш шариоитига ўхшамайди. Қонунларни қўлланиш тажрибасидаги тармоққа хос хусусиятлар айрим корхоналар фаолияти мисолида кўрсатилса, назарий тушунчалар мустаҳкамланади.

Жиноят-ҳуқуқий нормаларига кирувчи мавзулар расмий юридик фактлар асосида тушунтирилиши керак. Бунда тарбияланувчилар суд, прокуратура, ички ишлар органларининг фаолияти билан таништирилса, ҳуқуқий-тартиботни муҳофаза қилиш ишларида ўзлари ҳам қатнашсалар, назария билан амалиёт бирлигига эришилган бўлади.

Тарбия жараёни икки элементдан - ўрганиш ва ўргатишдан иборат. Тарбиячининг асосий вазифаси - бу ягона жараён элементлари нималардан ташкил топишини, яъни тарбиячи нимани ўргатиши, тарбияланувчилар эса нимани ўрганишлари кераклигини аниқлашдир. Тарбиячи ўргатиш жараёнида раҳбарлик қилиш, аудиторияга ҳуқуқий билимларни сингдириш учун тарбияланувчилар қобилиятидан хабардор бўлиши лозим.

Ўрганиш жараёни, яъни тарбияланувчилар фаолияти, ўқувдан, билимга эътибордан, саводхонликдан ташкил топади.

Ўқув тарбияда ўрганиш жараёнини тўла шакллантириш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга замин яратади.

Ўқув-ижрочилик маҳорати аниқ ҳаракатни қайта-қайта такрорлаш, ўзлаштириш орқали вужудга келади. Ўқувни тарбиялаш ижрочи ташкилотида ишловчи ёзув-чизув функцияларини бажарувчилар, оператив ходимлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Қонунда давлатнинг сиёсати, муайян ижтимоий турдош муносабатларни тартибга солишдаги ёндашуви ифодаланади. Давлат қонунлар воситасида халққа маълум бир талабни, қонидани етказди. Қонун матнида, унинг ҳар бир моддаси ва бандида ижтимоий онгга йўналтирилган ҳуқуқий-сиёсий ахборот жамланган бўлади. Шу туфайли қонунлар аҳолининг, ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиради ва ривожлантиради.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойилларидан бири, шу мамлакат ҳудудида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ҳуқуқий атамаларни тартибга солиш, уларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Бу ўринда ўзбек тилидаги бугунги халқаро ҳуқуқий атамаларнинг дунё миқёсида ишлатилаётган халқаро ҳуқуқий атамалардан фарқли жиҳатларини, улар бошқа ҳуқуқий атамалардан айнан таржима қилинганми ёки ижодий ўзлаштирилганми каби масалалар устида ишлаб, шундай долзарб муаммоларни ҳал қилиш лозим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси ўлароқ шу нарса маълумки юқоридаги масалаларни ҳал қилишда аҳолининг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онглилиги, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши талаб этилади. "Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хосхусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим их ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг мукамал ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингиган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади".¹

Ҳуқуқий маданият – амалдаги ҳуқуққа тил воситасида эришилган ҳурмат ва эҳтиромга асосланган муносабатдир. Ҳуқуқ ижтимоий қадрият сифатида эъзозланмоғи лозим.

Ҳуқуқий маданият қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Шу боис қонунларни халқ тилида, Халққа тушунарли содда, аниқ ва лўнда ифода қилиш қонуннинг самарасини ошириш билан бирга халқнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ҳам бевосита юксалтиради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиёлол, итисод, сиёсат, мвфкура. 1-том. Т., "Ўзбекистон", 1996, 322-бет.

Қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш учун қонун лойиҳасини бошиданоқ ўзбек тилида ёзилишига эришиш, бу лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳлар таркибига ҳуқуқшунослар билан биргаликда тилшунос ва адабиётшуносларни ҳам жалб қилиш лозим. Бизнинг фикримизча кўпгина олимлар қонун ижодкорлигига норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлашнинг қоида ва усуллари сифатида тўғридан-тўғри таржима усуллари қўллаб, ушбу ҳужжатларнинг тили, услуби ва лексикасига унча эътибор қаратмайдилар. Шунини таъкидлаш жоизки қонун ижодкорлигига бир томонлама қараш жуда катта хато ҳисобланади.

Шундай қилиб ҳуқуқий давлатни мукамал қонунларсиз тасаввур этиш қийин бўлганидек, сифатсиз, савияси паст, тили услуби ва лексикаси жиҳатидан шаклланмаган қонунларнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда адолат тантанаси муқаррар.

Демак, ҳуқуқий фаолиятдаги саводхонлик шахс содир этаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қандай қонунга ёки ҳуқуқий нормага мувофиқ эканлигини билишдир. Шундагина шахс мазкур фаолиятини қонунга мувофиқ ёки номувофиқ тарзда танлайди. Саводхонлик эса ҳар бир шароитда юридик билимни қўллай олиш қобилиятидир. Шундай шахс махсус вазиятда тўғри йўл танлай олиш имкониятига эга бўлади.

Жамият тараққиёти тарихи шунини кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-фан тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли бўлади. Бундай жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади. Қайта қуриш, ошқоралик ва миллий мафкура сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган Республикамиз халқи чуқур билим ва юксак тафаккурга асосланган ана шундай адолатли, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имкониятини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша виждонан ҳисса қўшмоғи

лозим. Педагоглар, ота-оналар, тарбиячилар ҳам талаба ёшларда адолатпарварлик, ватанпарварлик, теран ақл-идроклик каби маънавий сифатларни тарбиялашда ўз меҳнатларини аямасликлари, бутун куч-қувватларини ана шу ишга бағишлашлари керак. Бунинг учун энг аввало инсон фазилатларининг ўзаро муносабатларини ва ўрнини аниқлаб олмоқ лозим.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига **олиб** келади.

Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан **ибора**т.

Сифат алоҳида **бир** шахснинг муайян **бир** хислатини ифода**ловчи** ахлоқий категориядир.

Фазилат - алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Ўқиб-уққан, чуқур маънавиятли, адолатли ва адолатсизликнинг фарқига тушунган инсон қайси йўлдан бораётганлигини тушуниб етади. Юртига нисбатан меҳр, ғурур пайдо бўлади. Натижада у ҳам Ватанининг равнақига муносиб фарзанд сифатида ўз ҳиссасини қўшади. Аجدодларимиз яшаб ўтган, мени ўз бағрига олиб улғайтираётган Ватан учун мен нима қила олдим, мени гўдаклигимдан едириб-ичирган ота-онам, она замин, қонлари томиримда жўш ураётган аجدодларимиз шаънига муносиб ишлар қиляпманми?- деган саволларни ўз виждони олдига кўндаланг қўяди.

Шу боис педагоглар ва ота-оналарнинг бурчи ёшларни Ватанга муҳаббатли, имонли, эътиқодли, адолатпарвар қилиб тарбиялаш, шакллантиришдан иборатдир. Бундай фазилатларни ўзида касб этган ёшлар, қандай вазиятда бўлмасин, ҳамма вақт ўзига тўғри йўл танлай олади.

Инсон - табиатнинг энг буюк неъмат. Унга ақл-идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб, оламини, инсониятни камолотга етаклаб боради.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан

белгиланади.

Одоб — ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Хулқ — одобнинг кўникмага айланган кўриниши.

Ахлоқ — жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият — жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият — инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, рухий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Мушоҳада қилиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Жамиятда яшаб, ўзаро ҳамкорликда ҳамжихатлик билан бунёдкорлик, яратувчилик билан шуғулланаётган инсон, эзгулик уруғини сочади ва бу уруғларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиб яшайди. Бундай инсонлар ҳам ақлий, ҳам ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ҳар нарсага қодир, хушхулқ, хушфеъл инсонлардир. Улар жамиятнинг, халқнинг севимли фарзандлари бўлиб, шу боис, уларга ҳавас қилса, тақлид қилса, улардан намуна олса арзийди.

Абдулла Авлоний ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида инсонлар ҳақида бундай дейди: "Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур". Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камгап, сахий, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни кўзда тутса, "ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади", дейди. Муаллиф ёмон инсонлар деганда хасис, бахил, бировларнинг ютуғини кўра олмайдиган хасадгўй, фақат ўзим дейдиган худбин кишиларни назарда тутди. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсонлар бўлишга ундайди.

Тарихдан бизга ота - боболаримиздан уларга хос мардлик, жасурлик, ғурур каби хислатлар мерос бўлиб келаётган бўлса, момоларимиздан ор-номус, ифбатлилик, назокатлилик, шарм-ҳаё, ширинзабонлик каби хислатлар асрлардан-асрларга мерос бўлиб

Ўтиб келмоқда. Бу хусусиятлар элимиз, юртимиз, миллатимизнинг қондош ва жондош ажралмас бир маънавий қиёфасидир. Эндиликда замондош йигит-қизларимиз юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари, кийинишлари билан ўзларини қанчалик ўта тараққийлашган шаҳар фуқаролари каби кўрсатмасинлар, барибир улар қалбан шу маънавий мероснинг эгасидирлар.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" асарларидаги Отабек ва Анваржонлар бугунги қизларимиз бахтининг идеали бўлса, Кумуш ва Раънолардаги шарқ аёлларига хос ифбат ва латофат, бокиралик, вафодорлик, севган кишисини эъзозлаш каби хислатлар эгаси бўлиш йигитларимизнинг орзуси ва ниятидир.

Меросий манбаларимизнинг яна бири Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон" асаридир. Аллома бу асарида қизларга шундай мурожаат қилади: "Қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга келин бўлиб тушмоқдасан...Эринг осмон бўлса, сен ер бўл, Осмон ўзининг шифоли ёмғири билан ерни кўкартирганидек эринг ҳам ўз меҳри билан сени асраб-авайлайди, эрингнинг кўзига пала-партиш кўринма, ўзингга оро бер, сув ва сурма ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Эринг кучи етмаган нарсаларни олиб бер деб хархаша қилаверишни ман қиламан..."

Берунийнинг ижодига разм солсак, ул зоти шарифнинг ниҳоятда кўп мутолаа қилганини, изланганини, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Беруний фақат ҳайитлардагина дам олганлар. Улар ҳайитнинг биринчи куни хасталарни, кўнгил яқинларини, ёши улуғларни зиёрат қилганлар. Иккинчи куни марҳумлар хонадонига ташриф буюриб, уларни ёд айлаганлар. Учинчи куни эса кейинги ҳайитга етгулик озуқа ва кийим-бош, керакли уй-рўзғор буюмлари, асбобларини харид қилиш учун вақт ажратганлар.Беруний 76 ёшида хасталаниб ётиб қолади. Анчадан бери тўшакка михланиб қолган Берунийнинг холидан шогирдлари кириб-чиқиб, дам-бадам хабар олиб турадилар. Шундай кунларнинг бирида Берунийдан ҳол сўраш учун қози Валвалужий ташриф буюради. Беруний қозининг мерос тақсимотига янги шарҳлар киритганини эшитган, лекин қози билан бу ҳақда бамайлихотир суҳбатлаша олмаган эди, ўша шарҳни қозидан айтиб беришини илтимос қилади. Қози: "Маъқул, аммо сал куч йиғиб олганингиздан сўнг бафуржа гаплашармиз",-дейди. Беруний: "Эй қози, мен шу мерос тақсимоти ҳақидаги шарҳингизни

билмай бу дунёдан кўз юмиб кетганимдан кўра билиб, хотиржам кетганим афзал эмасми?"-дейди. Ноилож қолган қози мерос тақсимооти шарҳини баён қилади. Беруний бор вужуди билан кўзи юмилган ҳолда тинглар, айрим жойларини маъқуллар, айрим жойларига ўз фикрини ва таклифларини билдирар эди. Сўзини тугатган Валвалужий Берунийнинг оғир нафас олишига қараб, бугун шу суҳбат шарт эмас эди, ул зотни толиқтириб қуйдим, деб хижолат бўлади ва кетишга рухсат сўрайди. У ҳали маҳалла бошидаги уйига етиб ҳам келмаган эдики, Берунийнинг ҳовлисида йиғи овози эшитилади. Валвалужий орқасига қайтади. Давр илмга ташна, фан фидойиси Берунийдан шу тарзда жудо бўлган эди. Ул табаррук зот ўзидан бир қанча ноёб асарлар қодирдики, мана неча асрлардан буён унинг авлодлари бу бебаҳо манбалардан ўзлари учун бой маънавий озуқа олиб келмоқдалар. Уларнинг адолатли, оқил фикрлари ҳанузгача маънавий дунёмизни машъал каби ёритиб келмоқда.

Алломанинг қуйидаги мисраларига диққат қилинг:

Ҳеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,

Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган.

Билимим ҳақида чуқур ўйласам,

Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган.

Ул зот улкан кашфиётлар, чуқур билим эгаси бўлишларига қарамасдан, ўзининг ҳеч нарса билмаслигини, бундан ҳам кўпроқ билиш мумкинлигини айтиб, ўзига нисбатан норозилик билдирмоқда. Бундан ҳам ортиқ камтарлик ва бундан ҳам ортиқ ўзига талабчанлик бўлмаса керак. Берунийнинг бу фикрлари толиби илм аҳли учун катта ҳаётий сабоқ, вақтнинг ҳар бир дақиқаси қайта такрорланмас эканлигини тушуниш, уни беҳуда сарфламаслик, қадрига етишнинг амалий намунасидир.

Инсон қадри умрида қанча йил яшагани билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги, эл ва жамият манфаати йўлида нима ишлар қилганлиги билан ўлчанади. Бир аср умр кўриб, номнишонсиз ўтганлар ҳам бор, оз умр кўриб, абадий ном қолдирганлар ҳам бор.

Тарихга назар солсак, неча-неча асрлар давомида шоҳлар, бойлар, дарвешлар, хуллас қанча-қанча инсонлар бу ҳаётдан ўтишган. Аммо халқи учун, унинг маънавий камолоти йўлида риёзат чеккан Форобий, ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Лутфий,

Алишер Навоий, Биноий, Кошифий каби алломаларимиз инсоният камолотининг йўлчи юлдузлари бўлганликлари учун неча асрлар ўтибдики, ишимизга, ўйларимизга, орзуларимизга ҳамкор, ҳамнафас, руҳи-поклари хотирамизда абадийдир.

Яхши фазилатлар қалбида макон қурган ва уларни ҳаёти давомида янада сайқаллаб, такомиллаштириб борган инсон камолотга эришиб бораверади.

Инсон комиллигининг мезони унинг ўқиб-уққанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси ва уларни ҳаётда қўллай билиш кўникмасини ҳосил қилганлиги билан белгиланади. Лекин шундай инсонлар борки, ақлий билими чуқур, аммо ахлоқий билими саёз ва аксинча ахлоқий билими етарли, лекин ақлий билими қониқарли эмас. Агар инсон ақлий ва ахлоқий билимларини пухта эгаллаб, уни чуқур тафаккур қилса ва уни меҳрли узата олса айни муддао. Жамиятимизнинг равнақи, ёшларимиз камолоти шундандир.

Республика Олий Мажлисининг 12-сессиясида Президентимиз томонидан "Куч-билим ва тафаккурда" деган теран бир фикр илгари сурилди. Тафаккур-инсоннинг бутун ҳаётий ва ижодий фаолиятини идора қилувчи онгининг камолот ўлчовидир. Унга фақат билим олиш, ҳаётни кузатиш, уни ўқиш ва уқиш, яхши ва ёмонни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш орқали эришилади. Тафаккур ақл тарозиси бўлган тил орқали намоён бўлади.

Ҳақиқатда ҳам одобли, илмли, маданиятли инсон билан суҳбатлашганимизда уларнинг овози оҳангидаги мунглилик, самимийлик, инсон дилини ёритувчи ёқимли сеҳр ўзига мафтун қилиб қўяди. Уларнинг суҳбатидан маънавий куч-қувват оламиз, чарчоқларимиз чиқади, қалбимиз яйрайди. Демак инсон бундай даражага етишиш учун кундалик ҳаёт машаққатларини сабр-тоқат билан енгиб, кўп ўқиши, ҳаётни кузатиб ундан тўғри сабоқ ола билиши зарур. Меҳнат қилиш, машаққат, риёзат чекиш, ҳаётни ўқиб, ундан оқилона сабоқ чиқара олиш эвазига инсоннинг онги, тафаккури сайқалланиб боради.

Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бундай ёзади: «Уруғни қара. Олдин унинг ҳамма ёғи лойга, чангга беланди. Сўнг у ерга қадалгандан кейин қаттиқ ерни ёриб, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидаб, юзага-ерга чиқади. У забардаст дарахт бўлади, мева тугади, қанча-қанча одамларнинг ҳожатини чиқаради. Ҳар қандай ишнинг, ҳар қандай ютуқнинг қийинчилиги бўлади. Унга сабр-тоқат қилган

инсон кейин роҳат-фароғатда яшайди».

Ибн Сино ўзининг "Ҳиндистон" асарида: «Камтарлик -бу худбин ишлар билан шуғулланишдан тўхтатувчи куч», - дейди. Ҳалқимиз: "Камтарга камол-манманга заво", деб машаққатли ҳаёт сабоқларининг хулосасини бизга мерос қилиб қолдирган.

Инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиши, умумий қилиб айтганда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демақдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

И.А.Каримов ўзининг "Баркамол авлод орзуси" китобида, "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори", "Куч билим ва тафаккурда" деган ғояларни илгари суриб, ёшларни шундай бўлишга ундаётганлиги бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар эртанги юрт эгаларидир.

Президентимиз орзу қилган жамиятимизнинг тамал тошини қўювчи "Баркамол авлод" комилининг асосий мезони, ёшларнинг мустақил фикрлай олиш ва ўрганган билим ва тажрибаларини амалиётда қўллай билишидир.

Демак, Мустақил фикрлаш комилликнинг асосий белгисидир. Комиллик уч босқичдан иборат:

- 1) жисмоний саломатлик;
- 2) ахлоқий поклик;
- 3) ақлий етуклик..

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш устувор ўрин эгаллайди. Талаба ёшлар тарбияланишни қалбан хоҳлаб интилсалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик даражасига осонлик билан эришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга эришиш эса, асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатти-ҳаракатлар узлуксиз фаоллик, фидоийлик, билимга

чанқоқлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошади. Мустақил фикрлаш сарчашмаси фаҳмлаш , яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Англаш - бирор бир ғояни (фикрни) туб мазмунига тушуниб етиш.

Мушоҳада — шу ғоя (фикрни)ни мантиқан талқин қилиш.

Тафаккур—инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётга қўллаш.

Амалиётда (практикада) қўллаш — ҳаётда бир неча бор қўлланилган ўзининг ижобий ҳосиласини берган, ишончли муаммолар ечими билан солиштириб, хулоса қилиш, сўнг тафаккур савиясига таяниб, ягона ечимни танлаш ва ундан амалиётда фойдаланишдир.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади. Худди шу боисдан инсон ўзининг мустақил фикрлаши, муомаласи (мулоқоти), нутқи ҳамда онгли хулқ-атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради. Инсон мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар) чиқарилган қарорлар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади.

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсаткичига кўра бир неча турларга ажратилиб тадқиқ қилинади.

Мустақил фикр юритиш фаолиятда муаммо ечимини қидиришни бошқаришда, борлиқни инъикос қилишда инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ғавқулоддаги вазиятлар, объектив ва субъектив шароитлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъектив) муносабатлар, алоқалар, ҳамкорлиқдаги ақлий ва жисмоний меҳнат маҳсули, муомала меъёри, мустақил фикрлаш мажмуаси тариқасида юзага келади.

Жамоада танқид, ўзини-ўзи танқид қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи текшириш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзини-ўзи намоён қилиш, ўзига-ўзи буйруқ бериш, гуруҳий мулоҳаза, мушоҳададан иборат мустақил фикр юритиш сифатлари шаклланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши, яъни нотаниш шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш, тахмин қилиш энг зарур аломат ва белгиларни тўплаш ҳам мустақил фикрлаш маҳсулидир. Мазкур мураккаб босқичли билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт-шароитни талаб қилади.

Маъруза бўйича таянч сўзлар:

Ҳуқуқ, ҳуқуқий тарбия, дидактик методлар, юридик педагогика, ҳуқуқий саводхонлик.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А "Буюк келажак сари". Т. 1999.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. "Шарқ". 1998.
3. ААвлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ".Т. 1991.
4. Каримова В. Мустақил фикрлаш иима. Т. 2000.

8-МАВЗУ. Дидактиканинг умумий тамойиллари. Замонавий таълим жараёни. Унинг функцияси, методлари ва воситалари.

1. Таълим шакллари ва тарихи пайдо бўлиши.

2. Таълим – тарбия назарияси.

3. Дидактик тамойиллар.

4. Таълим самарадорлигини таъминловчи воситалар.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари яқка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо

бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг махсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф-дарс тизими пайдо бўла бошлайди. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлиги "Авесто" ва бошқа тарихий манбалардан маълум. Аммо қадим даврларда таълимни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларита аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Фаробийнинг "Фан ва ақл заковат" асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил этишнинг асоий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский "Буюк дидактика" асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диққатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани оддида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш, айниқса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий услубий ва амалий муаммоларни ҳал этувчи тадқиқотлар олиб боришда кўп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқца.

Синф деганда, ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

Дарс - аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулоти.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда куйидагиларга амал қилиниши лозим:

1. Ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

2. Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4. Дарс, ўқув фанининг характери, ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштирмоқ учуи замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим ишлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулоти, тажриба ишлари шаклида ҳам олиб борилади. Бу машғулоти синфдан ва мактабдан ташқарида факультатив машғулоти, тўғарақлар, экскурсиялар шаклида олиб борилади.

Дарс - таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши дарс олдида қатор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши лозим. Ўқитувчи эса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг, ижтимоий муҳитнинг

имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс характериға мос усул, услуб ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, ўқувчи талаба пасив тингловчига айланмаслиги лозим.

7. Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда олиб борилиши керак.

8. Дарснинг мазмуни ва характериға қараб халқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий қадриятларидан самарали фойдаланиш.

9. Ўтилаётган мавзунинг мазмуниға боғлиқ ҳолда мустақил юртимиздаги ўзгаришлардан ўқувчи талабаларни хабардор қилиш.

10. Дарсда Президентимиз И.Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизга, фарзандларимизга қарата айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиш.

Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишиға ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ва ўрганилади.

Дарс билим, кўникма ва малакалар билан ўқувчиларни қуроллантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш.

3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари.

4. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши назорат қилиши ва баҳолаш дарслари.

5. Дарс турлари, уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиши дарсидир.

Бу дарснинг тузилиши куйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уй машғулоти бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунлашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй тошпириқларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзунини баён қилиш.
4. Янги мавзунини мустаҳкамлаш.
5. Уй тошпириқлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисми, йирик мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюштирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўқувчилар мустақил эркин фикрлай оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазият изланишлар орқали ўз йўлини топа оладилар.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шакли дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд, бўлиб, булар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультативлар, экскурсия кабиладир.

Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш учун уюштирилган қўшимча машғулотлардир.

Булардан ташқари, ўқув юртлари тажрибасида фан тўғараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига

хос ташкилий шакллари мавжуд.

Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд, буларга маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очик маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари кабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллари.

Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қилади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради ҳамда уларни эркин фикрлашга, фан усулида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли, маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, ғоя ва миллий мафкура асослари шакллансин. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун маъруза жараёнида ҳам таълимий, ҳам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йўллардан бири – устоз-шогирд муносабати, яъни ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Бундан ташқари, дарс ва маърузанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёндаги руҳий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, унинг дарс, маъруза ва бошқа шаклларида ўқитиш жараёнида ўринли фойдаланишлари учун шубҳасиз, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билишлиги ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олишлиги ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Фикр инсон фаолияти, унинг ўзлигини кучи, қудратини ўзагини ташкил қилувчи маънавий-инсоний сифатдир. Инсоннинг эркин ва озодлиги унинг фикрининг мустақиллиги, эркинлигидан бошланади. Аслида фикр эркинлиги инсоннинг асосий маънавий-инсоний ҳуқуқидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ "Виждон эркинлиги" ҳақидаги қонунни қабул қилиниши бўлди. Чунки бу қонун

инсоннинг асосий маънавий-инсоний ҳуқуқи фикр эркинлигини қонуний кафолатлаган эди. Шунинг учун маънавий-инсоний кадриятларнинг асоси бўлган инсоннинг ўзлигини англаш фикр эркинлигини англашдан бошланади.

Фикр ривожини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун фикр ривожининг тарихи инсонлар муносабатини, ҳаётини белгиловчи асосий ижтимоий тамойиллар тарихига боғлиқ.

Инсон яратилишининг илк даврларида фикр табиатдаги жараёнларни англаш, улардан яшаш учун фойдаланиш ва ўзини муҳофаза қилиш шаклида бўлган. Шу асосда инсон фикри ривожланиб, инсон меҳнатининг бошқа моддий, маънавий кўринишлари вужудга кела бошлаган. Секин-аста инсонлар орасидаги маҳсулот айирбошлаш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларни келтириб чиқара бошлаган.

Инсоният тараққиётида фанлар ва ўқув фанларнинг пайдо бўлиши илм-фан йўлидаги катта ютуқ бўлиш билан бирга фикрлаш услубларида ҳаётий, табиий жараёнлардан тушунчалар асосида фикрлаш устунлик қила бошлади.

Таълимда назарияни амалиёт билан боғлаш тамойили илгари сурилди.

Дунёқараш ва ижтимоий муносабатларнинг коммунистик мафкурага асосланган тузumi эса инсон фикри эркинлигига зид бўлиб, фикрни бир гегемон оқимга йўналтиришга ҳаракат қилди. Бунини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инсон камолотига зид эканлигини ҳаётнинг ўзи, собиқ Шўролар тузumi исботлади.

Ўзбекистонда Президентимиз И.Каримов бошчилигида қурилаётган ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти ҳар бир ҳуқуқий кадриятларни рўёбга чиқариш орқали фаровон ҳаётга эришишни мақсад қилиб қўйган.

Фикрнинг ўзи нима? Кўп ҳолларда фикр ҳаётий, табиий жараёнларни инсон миёсида акс этиши деб қаралади. Бунда фикрни ривожлантириш сифати ҳисобга олинмайди. Фикрга қисқа қилиб, инсон миёсида маъноларнинг ўзаро боғлантирилиши ва ривожлантирилиши деб таъриф берилса, анча замонавийлашади. Бунда маънолар фақат тушунчанинг маъноси эмас, балки анча кенг ҳаёт маъноси сифатида қаралади. Тушунча жараён билан уйғунлашса тўла маъно касб этади. Фикр босқичлари:

англаш, мушоҳада, шуур, тафаккурдан иборат. Шуур уч нарсадан иборат:

- фикр равшанлашуви,
- мушоҳада,
- англамоқ.

Мушоҳада ҳаётий, амалий табиий жараёнлар асосида тушунча, воқеа, ҳодисаларнинг таҳлили.

Тафаккур арабча "муфаккир", "муфаккиротун" сўзларидан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунли, чуқур фикрлаш қобилияти деган маънони англатади.

Жалолиддин Румий ҳазратларининг таъкидлашича, фикр жузъийдир, яъни моддий олам асосида олиб борилади. Инсоннинг барча мавжудотлардан юксак жиҳати бу унинг фикрлаш қобилиятидир. Зотан, инсонлар бир-бирлари билан ўзига хос ўй-ҳаёллари, мушоҳадалари, фикр юритишлари, мустақил фикрлаш қобилиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам инсон фикрини тарбия қилиш муҳим саналади. Фикр тарбияси ҳақида буюк педагог Абдулла Авлоний "Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир" дейди. Фикр инсоннинг шарофатли, ғайратли бўлишига сабаб бўлади. Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунга келиб жаҳонга ўз номини танитди. Иқтисодий-сиёсий жиҳатдан юксалди. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорликдаги корхоналар кучайди. Ўзбекистон дунёнинг катта бозорига шахдам қадам ташлади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида бугун ва келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди. Буни Президентимиз "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири билан бўлган суҳбатида яна бир бор таъкидлаб: "Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборатки, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, балки уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларига садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллайди. Кўп жойларда сифат ўрнига

сон кетидан кувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир",-деган эди.

Миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг асосини ташкил қилувчи ижтимоий-иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш аслида фикр ва фаолият эркинлигини таъминлаш асосида тараққиётнинг бунёдкорлик тамойилларини ишга туширишдан иборат эканлигини Ўртбошимиз аниқ кўрсатиб: "Сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамиятда демократия, фикр ва виждон эркинлиги тамойилларини, гуманизм ғоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтиришдир",-деган эдилар.

Фикрлашда қалб, онг ва сезгиларнинг уйғунлиги ҳақида Арасту таълимоти, фикрнинг эзгуликка йўналтирилиши ҳақида Ал-Фаробий, инсонпарварликка йўналтирилиши ҳақида Алишер Навоий, фикрнинг мантиқийлиги ҳақида Умар Ҳайём, фикрлашда сигнал тизимлари ҳақида -И. П. Павлов; фикрнинг босқичлигида П.Гальперин, фикрлашда умумлаштириш ҳақида — Р. Давидов таълимотлари ҳанузгача ўз қадр – қимматига эга.

Айниқса, ижодий фикрлашнинг илк куртакларини тўғри суғора билиш келажақда кутилган натижалар беради. Бу жараён кичик боғча ёшлигидан, мактаб, олий ўқув юртларида амалга оширилади. Ижодий фикр, эркин фикрнинг тўғри йўналтирилмоғи билан боғлиқдир. Бу касбий фикрлаш жараёнига йўл очади. Мустақиллик, эркинлик, бунёдкорлик эса ижодий, амалий, назарий ташаббусда намоён бўлади. Ташаббус иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг, инсонларнинг янги талабига мос келадиган моддий, маънавий маҳсулотлар яратишга қаратилган таклиф, ғоя, фикр ёки амалий жараёндир.

Ташаббускорлик сифати инсонларнинг ички фаоллик омиллари: биринчидан, ҳар бир кишининг ўз қизиқиши, ўқув қобилиятига мос ҳаёт йўлини топиши орқали ўз қадрини рўёбга чиқариш ҳисси бўлса, иккинчидан, шахсий манфаатдорлик, шахсий мулкнинг фақат моддий эмас, балки маънавий қадриятларини ишга тушириш орқали ўзини ва давлат, жамият ва оламни

такомиллаштиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Президентимиз томонидан ташаббускорлик биринчи бор мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, фуқаролар фаровон ҳаётини таъминловчи маънавий қадрият сифатида илгари сурилди. Бу тасдиқ Президентимизнинг "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз" номли жаҳоншумул маърузаларидаги тараққиёт йўналишларининг мазмунан уйғунлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк алломаларимиз-Ахмад Яссавий, Нақшбандий, ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек каби ақл-заковатли, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ақл-идроқи, миллий урф-одатлари, айниқса маънавиятимизнинг асоси бўлган инсоний фазилатлар қайта тикланмоқда. Янги адолатли жамият қуриш учун таълим-тарбия соҳаси ҳақидаги билимлар чуқурлаштирилмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов: "Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади",- деган эдилар.

Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики, ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти сифатида ақл-заковати билан таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир. Инсон дунёга маълум бир мақсад билан келмайди. У ўзлигини идрок этгандан сўнг ҳаётда яшашдан маъно излайди ва бу нарсани унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади. Инсонлар бор, дунёга келадилару кетадилар, улардан ном-нишон қолмайди, ҳаётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор - мана шу келиши билан кетиши ўртасидаги "умр" деб аталмиш вақтга чақмоқдай чақнаб, ўзларининг ёрқин изини қолдирадилар. Мана шундай ақл-заковати билан ўзидан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Инсон ўз ҳаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақли ва унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиш, ақл-идрок туфайлигина инсон донолик,

теран фикр, ростгўйлик, тўғрилиқ, узоқни кўра билиш, нафсининг кўйига тушмаслик каби хусусиятларни амалга ошириш мумкин.

Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи назардан амал қилишдир.

Абу Наср Форобий ёзади: "Ақлли деб шундай кишига айтамизки, унда ўткир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва бутун фикр юритувчи деб аташ мумкин".

Ҳақиқатдан ҳам, ақлни ишлатган киши ҳаётида фақат эзгуликлар қилади ва эзгулик кўради. Лекин ақл, заковат жихатдан етук бўлмаган инсон ҳеч қачон ўз Ватанини, ўз халқини, ўз динини, энг асосийси, ўзлигини англай олмайди, ўзлигини англамаган инсон эса манқуртга айланиб қолади. Бу эса эртанги порлоқ келажагимизнинг ҳалокатидир. Бизнинг бу борадаги энг асосий вазифамиз ёшларни маънавий баркамол, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, юрт истиқболи учун қайғурадиган комил инсонларни тарбиялашимиз, уларни камол топтиришимиз зарур.

Зеро, Юртбошимиз Ислои Каримов айтганларидек: «Илм, маърифат биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқолмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз».

Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз.

Дарҳақиқат, илм-маърифатлилик куч-қувват манбаи, қалбга нур, ўзига зиё бағишлайдиган буюк неъматдир. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда кунт билан илмни ўрганиши туфайли ақл-заковати юксалади, бахтли ҳаёт учун курашади.

Бизга маълумки, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган илм ҳикматларини ўрганишда ота-боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари беқиёсдир.

Халқимиз орасидаги ўғитлар инсонларни илм-маърифатга даъват этувчи буюк кучдир. Алишер Навоий ўзининг ақли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ, ақли ва

ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп фойда келтирди, дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога давлатни адолат мезонлари асосида бошқаришга ёрдамлашишга интилни. Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли у кўп фалокатларни олдини олди, ҳалокатлардан қутулиб қолди.

Ақл - инсоннинг эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуасидан иборатдир.

Абдулла Авлониёнинг ёзишича, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим. Чунки, "Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди яғонасидур, Рух ишловчи, ақл бошқарувчидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига буйсунур"...

Расули Акрам Набий мухтарам Саллолоху Алайхи Вассалам шундай деганлар: "Эй инсонлар! Ақлингизга таъвозе қилингиз, Сиз жаноби ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз".

Инсон учун нима асосий ақлми ёки одоб деган савол ҳам қўйилиши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам муҳим. Иккаласини ўзида жамулжам қилган кишини баркамол инсон, деб айта оламиз.

Донолар айтганидек: "Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши мумкин. Одоб ақлга боғлиқ нарсаси. Ақл устига одоб қўшилса, нур устига нур бўлади. Улуғлик-ақлу одоб билан, бойлик қадрли саховат билан, қувват қадрли баҳодирлик билан ошади".

Инсонларнинг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, у шунчалик камтар бўлади. Камтарлик-доноликнинг белгисидир. Доно кишилар билганларидан кўра билмаганлари кўп эканини тасаввур эта оладилар. Буюк файласуф Сукротнинг: "Мен бир нарсани биламан, у ҳам бўлса- ҳеч нарсани билмаслигимдир", - деган фикрларида ҳам шу маъно бор. Фақат нодон кишиларгагина ўзлари билган билим ҳақиқатнинг сўнгги чегарасидек бўлиб кўринади. Кишиларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тарақққётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм, фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб ҳунар - касбни эгаллаши, малака оширишга эҳтиёжлари ҳам бўлмайди. Шу сабабли, жамият тарақққётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасида таълим-тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ ва ақл тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Ақл-заковат, эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англаган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти ҳам илмий тафаккури салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Мавзу бўйича таянч сўзлар:

Дидактика, назария, маъруза, машғулоти, лаборатория, икки босқичли таълим, олий таълим, дарс ва маъруза.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А "Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман". Т. 2000.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. 'Шарқ'. 1998.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т., 1997.
4. Педагогика. Қўлланма (Мунавваров А. таҳрири остида). Т., 1997.

9-МАВЗУ. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Таълим тўғрисидаги Қонун. Таълимнинг янги модели

1. Таълим - тарбия соҳасида ислоҳот.
2. Миллий дастурнинг амалга ошириш босқичлари.
3. Таълим тўғрисидаги Қонун – Миллий таълимнинг пойдевори

Ўзбекистон Республикасида содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жамиятнинг турли соҳаларига, шу жумладан, таълим соҳасига бўлган янги ёндашувларни кўзда тутди. Демократик ривожланиш йўлида турган бизнинг давлатимизга юқори малакали, ҳар томонлама ривожланган, инсоний фазилатларни ўзида мужассам қилган шахслар лозим. Шахс тарбияси – Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида Ўзбекистон Республикаси “Таълим ҳақидаги” Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» томонидан белгилаб берилган дидактик вазифадир.

Айнан шунинг учун, педагогик фаолиятда замонавий технологияларнинг қўлланиши мамлакатимиз таълим тизимидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида фаол иштирок этадиган, халқ хўжалиги, ҳуқуқий, таълим ва бошқа вазифаларни ҳал қила оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш заруратидан келиб чиққан.

Ҳар иккала ҳужжатда ҳам ўқув режасига “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” фанининг киритилиши педагогик кадрларга бўлган замон талабига жавоб беради. Бунда анъанавий педагогиканинг йиллаб йиғилган тажрибаси ҳам, педагогика, психология, ўқитиш методикасидаги инновацион технологияларнинг янги ютуқлари ҳам бирдек қоплаб олинган.

Ҳужжатларнинг мақсадларидан бири – инновацион технологияларнинг психологик-педагогик стратегиясини илмий асослаб бериш, шунингдек педагогик инновациялар асосида ётувчи шахснинг билиш фаолиятини таҳлил қилиб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормокда.

Республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади ва кучга келтирувчи кучи инсон, унинг ҳар томонлама

ривожланиши ва фаровонлигидир.

Мамлакат ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб, замонавий иқтисод, илм-фан, маданият, техника, технологиялар тараққиёти асосида кадрлар тайёрлаш такомиллашган тизимининг фаолият юритиши ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узлуксиз таълим тузилиши ва мазмунини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутди. Миллий дастур амал қилишида мавжуд таълим тизимлари кадрлар тайёрлашни ўзгартириш барча босқичдаги таълим жараёнини илмий-услубий таъминотдан ўтиб кетган ижтимоий тажриба ва илм-фандаги янги ютуқларга таянади.

Замонавий босқичда педагогик фаннинг долзарб масалалари сонига мақсад, мазмун, услуб, тарбиянинг воситалари ва ташкилий шакллариининг илмий таъминланганлиги, фан, техника, илғор технологиялар ютуқлари асосида шахсни ўқитиш ва ривожлантиришни киритиш мумкин.

Замонавий босқичда Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати фуқаро шахсининг ҳар томонлама ривожланишини, узлуксиз таълим тизими орқали шаклланишини кўзда тутди. Хусусан, шахс таълим хизматини ишлаб чиқарувчиси ҳам истеъмолчиси сифатида билим ва тажриба бериш жараёнида иштирок этади. Республикада шахсга ўз ижодий салоҳиятини амалга ошириши учун касб таълим дастурини танлаш ҳуқуқи берилган.

Узлуксиз таълим соҳасида алоҳида ўринни олий таълим эгал-лайди. Умумий ўрта-маҳсус таълим асосидаги олий таълим узлуксиз таълимнинг мустақил тури бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ, олий таълим-нинг мақсад ва вазифалари белгиланган. Улардан бири замонавий таълим-касб дастурлари асосида юқори натижали таълимни ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлаш.

Шундай қилиб, Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мафкуравий қобикдан бартараф бўлиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавият ва ахлоқ талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини тузишдир².

Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги муҳим биринчи

² Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 1997 й.

галдаги вазифаларни ечишни кўзда тутилади:

- таълим тизимини Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари асосида ўқув-илмий-ишлаб чиқариш ягона комплекси сифатида унинг илғор тараққиётини таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатбардош муҳитнинг шаклланиши;

- таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш тизимининг жамиятда ўтказиладиган ўзгаришлар, ривожланган демократик ҳуқуқий қурилиши давлат билан боғлаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг истиқболдаги ижтимоий ва иқтисодий тараққиётидан, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, техника, технологиянинг ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан ишлаб чиқиш;

- таълим олаётганларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва маърифий ишларнинг янги самарали услубларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим муассасалари-нинг аттестация ва аккредитация қилинишини объектив баҳолаш тизимини татбиқ қилиш;

- талаб қилинаётган таълим даража ва сифатини таъминловчи норматив, моддий-техник ва ахборот базасининг тузилиши, фаолият юритилиши ва барқарор тараққиёт кафолатлари, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда кадрлар тайёрлаш тизимининг устуворлиги;

- таълим, илм-фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш, давлат эҳтиёжларини шакллантириш, шунингдек нодавлат тузилмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг тайёрланаётган кадрларга буюртма механизмларини ишлаб чиқиш;

- янги педагогик технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва татбиқ қилиниши таълим тизимининг босқичма босқич шаклланиши билан талаб қилинади. Хусусан, педагогик технологияларнинг қўлланиши Миллий дастурнинг иккинчи босқичидан, уларни татбиқ қилиш базаси тузилиб, кенг қўллаш имконияти туғилгандан кейин қўлланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич (2001-2005 йй.) – Миллий дастурнинг кенг миқёсда қўлланилишини, унинг таҳририни назарда тутади.

Бу даврда мажбурий умумий ўрта ва махсус, касб, шунингдек ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дифференциялашган таълимига ўтиш амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг махсус тайёрланган педагогик кадр-лар билан таъминланади, улар ўртасидаги рақобат муҳити шаклланади.

Моддий-техника ва ахборот базасининг мустаҳкамланиши давом этади, ўқув-тарбиявий жараён юқори малакали ўқув адабиёти ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимининг ахборотлаштирилиши.

Таълим хизмати бозорининг шаклланиш механизмлари тўлали-гича хизмат қилиши мумкин.

Учинчи босқич (2005 йил ва кейинги йиллар) – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий истиқболларига мувофиқ йиғилган тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Таълим тизимида таълим муассасаларининг захира, кадрлар ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбиявий жараённинг янги ўқув-услубий комплекслар ва илғор педагогик технологиялар билан тўла қондирилиши назарда тутилган.

Миллий олий ўқув таълим муассасаларининг ўрнатилиши ва ривожланишининг амалга оширилиши ва касб таълим муассасалари-нинг мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқарувининг мустаҳкамланиши.

Таълим жараёнининг ахборотлаштирилиши, дунё узлуксиз таълим тизимининг компьютер ахборот тармоқлари билан тўла қамраб олиниши.

Илғор педагогик технологияларнинг олий ўқув юртларида амалиётга татбиқ этиш қуйидаги вазифаларнинг замонавий педагогик технологияларни босқичма босқич ҳал қилинишини кўзда тутганлиги акс этади:

- бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандарт-ларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- олий ўқув юртлари учун юқори малакали касб ўқитувчиларини тайёрлаш, шу жумладан етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда;

- бошқарувни такомиллаштириш, олий ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш, таъсисчилар, ҳомийлар, жамоат кузатув органлари кенгашлари шаклида жамоатчилик бошқарувини олиб бориш;

- Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграция қилиниши механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

- Таълимнинг яқкалашуви, ўз устида ишлаш, масофавий таълим технологиялари ва воситаларини ўзлаштириш;

- талабаларнинг янги педагогик технологияларни қўллаб таълим

олишини, тайёрловнинг модул тизимини тезлаштириш;

- таълимнинг халқнинг бой ва маънавий ва интеллектуал мероси асосида гуманитар йўналишини ва умуминсоний қадриятларни таъминлаш;

- амалиётда янги педагогик технологияларни ва тренинг мосламаларини, шунингдек мураккаб технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

- илғор инновацион лойиҳалар тузиш бўйича фаннинг таълим амалиёти билан боғлиқлигини таъминлаш бўйича чораларини экспериментал майдон тузиш орқали ишлаб чиқиш;

Санаб ўтилган услублар ва вазифалар замонавий педагогик инновацион технологиялар олий мактаби тизимида замонавий шароитда таълимнинг истиқболли ва самарали воситасини ўзлаштириш, тузиш ва кенг қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Педагогик технологиялар: замонавий педагогика тушунчаси ва аҳамияти

Педагогик адабиётларда педагогик техноло-гияларга бир неча таъриф келтирилган. ЮНЕСКОнинг таърифи, фикримизча, мазкур тушунчанинг моҳиятини тўла очиқ беради: “Педагогик технология – ўқитиш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқ-лашга бўлган тизимли ёндашув ва мақсад ўқиш-ўқитиш шакллари оптималлаштиришдан иборат бўлган билимларни техник ва инсоний воситалар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги орқали ўзлаштириш”.

Шубҳасиз, бу таърифдаги асосий сўзлар “tizimli ёндашув” сўзлари бўлиб, қолган бошқа сўзлар педагогик технология қисмларини ташкил қилади. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологиянинг қатъий ва таълимга нотехнологик ёндашувдан фарқли ўлароқ устувор белгиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ЮНЕСКО таърифида келтирилган муайян ўқув жараёнининг педагогик технология таърифига мувофиқлиги унда тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ва қўлланилмаслигидан иборат. Масалани бундай қўйиш педагогик технологияларни фақат мактаб доирасида қўллаш билан асоссиз чеклаш яққол намоён бўлмоқда. Тизимли ёндашувнинг олий таълим ўқув жараёнига татбиқ қилиш унинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Муайян ўқув фанлари бўйича тизимларни лойиҳалаштириш қоидалари асосида педагогик технологияни лойиҳалаштиришнинг

изчиллигини кўриб чиқамиз.

“Технология” тушунчаси замонавий фанда энг оммавий тушунча бўлиб ҳисобланади. Бунга қарамай, “технология” терминини ўқув жараёнида қўллашга нисбатан турли мунозаралар мавжуд, чунки “технология сўзи ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлаш, тайёрлаш, маҳсулотни материалнинг ҳолати, шаклини ўзгартириш, материал шакли” деган маънони англатади, бу эса ўқув жараёнини яқкалаштириш принципига қарама қарши ҳолатдир. “Педагогик технология”, “Таълим технологияси” тушунчалари моҳиятига ягона стандартлашган ёндашув бошқа муаммолар сирасига киради.

Хусусан, “педагогик технология” тушунчаси қуйидагича таърифланади:

Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмун техникаси (В.П. Беспалько).

Таълим технологияси – дидактик тизимнинг таркибий процес-суал қисми (Юдин В.В).

Педагогик технология ўқитувчининг касб фаолиятини янгиловчи ва режалаштирилаётган якуний натижани кафолатловчи жараёнларнинг йиғиндиси. (Бордовский Г.А.).

Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун шахс, услубий барча воситаларнинг тизими сифатида эътироф этилади. (М.В. Кларин).

ЮНЕСКО хужжатларида таълим технологияси ўқитиш жараёнининг тузилиши, қўлланиши ва таърифланиши ва билимларнинг инсон ва техника ресурсларига таянган ҳолда ўзлаштирилиши ва ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таъриф замон талабига мувофиқ: “Педагогик технология – ўқитиш жараёнини тузиш, қўллаш, аниқлашнинг тизимли услуби, таълим шакллари мувофиқлаштириш вазифасини ўз олдига қўйувчи билимларнинг техник ва инсон ресурслари, уларнинг ўзаро таъсири воситасида билимларни ўзлаштиришдир”.

Асосий сўз “тизимли ёндашув” сўзи бўлиб, бунда педагогик технологияларнинг таълимнинг бошқа ёндашувларидан фарқли белгиси мавжуд. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш услублари, натижаларининг назорати ва баҳоланишининг лойиҳалаштирилиши,

уларнинг ўзаро таъсири – педагогик технологиялар курсининг асосий мазмунидир.

“Педагогик технология” сўз бирикмаси инглиз тилидаги an educational technology – “таълим технологияси” бирикмасидан олинган. Сўнгги пайтларда “педагогик технология” номи остида тарбия муаммоларига бағишланган барча ишлар кириб кетади. Шунинг учун, кўпгина тадқиқотчилар “методика” ва “таълим технология”си терминларини ажратиш зарурияти йўқ, деган фикрни илгари сурадилар. Хусусан, кўпгина тадқиқотчилар “методика” тушунчаси “технология” тушунчасидан кенгроқ, чунки методика ўз ичига таълим сиёсати масалаларини, шу жумладан, технология танлашни олади, деган фикрни ёқлайдилар. Маълумки, методиканинг вазифаларидан бири у ёки бу технологиянинг қўлланиш имконияти мезонларини аниқлаш ҳисобланади. Технологиянинг методикадан фарқловчи иккита асосий омил бор – бу натижанинг кафолатланганлиги ва келажакдаги ўқув жараёнини лойиҳалаштирилиши.

Анъанавий жараён учун ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилишда фойдаланадиган таълимнинг ҳамма услублари ва воситалари учун хос бўлган анъанавий технология мавжуд. Бир томондан, таълим технологияси ўқув ахборотининг ишланиши, тақдим этилиши, ўлчаниши методлари ва воситалари сифатида қабул қилинади.

Дастлаб “таълим технологияси” дастурлаштирилган таълим ва методнинг техник воситалар билан қўлланиши билан боғлиқ бўлса, дастурлаштирилган жараённинг методларини ривожлантирилиши билан урғу таълим технологияларнинг ўзига берила бошлади. Компьютерлар ва информатиканинг етказиш тўғрисидаги фан сифатида ривожланиши, шунингдек коммуникация воситаларининг тараққиёти “таълим технологияси” термини тушунчасини таълим жараёнини таҳлил қилиш ва лойиҳалаштириш томонга кенгайтирди ва ўзгартирди.

Технология тузилишга қуйидагилар киради:

- концептуал асос;
- мазмун қисми (таълим мақсади, мазмуни);
- процессуал қисми (ўқув жараёнининг ташкил қилиниши, ўқувчилар фаолиятининг методлари ва шакллари, ўқитувчилар фаолияти – таълим жараёнининг бошқаруви, ўқув жараёнининг диагностикаси);

Шундай қилиб, “таълим технологияси” тушунчасида икки қатламни ажратиш мумкин: ўқитувчига у ёки бу ўқув жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган фан ёки маълумотлар йиғиндиси, унинг ташкил қилиниши, тузилиши ва таъминоти;

Демак, таълим технологияси – илмий билимларнинг дидактик қўлланишига мўлжалланган тизимли тоифа, ўқув жараёнини ўқитувчиларнинг эмпирик инновацияларини ва талабанинг тараққиётида юқори натижаларга йўналганлигини ҳисобга олиб таҳлил қилиш ва ташкил қилиш.

Ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилишининг технологик даражага чиқиши ўқитувчини юқори малакали мутахассис қилади, фор-мал таълим муқобили, таълим олаётганнинг ролини кучайтиради ва ижод ривожланишининг янги усуллари очади.

Педагогик технология – бу таълимга бўлган ихтисослаштирилган инновацион ёндашув. Бу педагогикадаги таълимга бўлган ижти-мой-инженерлик ёндашувнинг ифодаси, таълим соҳасида илмий онгнинг техник лойиҳаси, таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш ҳисобланади, компьютеризация, кибернетика билан боғлиқлик амалга оширилади ва ҳ.

Дунё педагогика фани, илмий-техник тараққиётнинг таъсирини синаган ҳолда, психология, кибернетика назарияси, тизимлар назарияси, бошқарув назарияси, социопсихология ютуқларини татбиқ қилиб, ҳозирги кунда фаол инновацион жараёнларни қидириш босқичида бўлиб, инсон ресурсларини самарали ривожлантириш амалиётига чиқишига имкон беради.

Ҳозирги вақтда амалдаги технологиялар ўқитувчи шахсига асосланган бўлиб, фаннинг ихтисослигини ҳар доим ҳам ҳисобга олмайдилар. Ундан ташқари, бошқа томондан, ўқув фанининг олдида қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ҳар доим ҳам аниқ белгиланмаган, у ёки бу ўқув фанини ўқиш натижасида олиниши лозим бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни аниқ белгиламайди, яъни босқичма босқич ва якуний назоратнинг аниқ тизими, таълим стандартлари мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида жараённи самарасиз қилади. Шунинг учун, педагогик ёндашувнинг айрим фанларни ўқитишда ўқув материални ўзлаштириш даражасини босқичма босқич ва тизимли назорат қилиш, билимларнинг қайта тиклашни назорат қилиш тизимини яратиш зарурати туғилди.

Саноатда кафолатли натижага эга кўпгина технологик жараён-лар ишлаб чиқилган. Ҳар қандай саноат технологиясининг асоси бўлиб деталнинг иш чизмаси ва йиғувчи бирликларнинг чизмаси ҳисобланади. Бу талабларга аниқ риоя қилиш қисмларнинг ўзаро алмашилишини таъминлайди, технологик жараённинг такрорланаётган операциялари эса қайта тикланадиган технологик циклни ташкил қилади. Айнан шунинг учун, муайян технология бўйича ишлаб чиқиладиган фан хориждаги муқобилидек сифатга эга бўлади.

Ўқув педагогик жараённинг таҳлили унда асосий тоифаларни: таълим мазмуни даражасида билимлар, малака, кўникма ажратиш, шунингдек ушбу кўникмаларнинг касб даражасида қўллаш имкониятини беради. Демак, ҳар қандай таълим жараёнида бўлгандай, ҳар қандай ўқув фани ўзининг асосий мақсади ва вазифаларини белгилаб олиши, шунга мувофиқ шаклланаётган асосий билимларни, кўникма ва малакаларни фарқлаши зарур. Бу эса ўқитишнинг ҳар бир босқичида ҳар қандай аниқ фаннинг натижаси бўлиши лозим.

Замонавий педагогик технологиялар таълимнинг манфаатли ташкил қилиниши, амалийлигига йўналтирилган. У педагогларнинг таълим олаётганларга нисбатан таъсирни ташкил қилишдаги кўникмаларини аниқлайди, англаган технологик педагогик фаолият усуллариини таклиф қилади, замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитдаги меҳнат бозорида олинган билимларни қўллай билишга йўналтирилган.

ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

Узлуксиз таълим кадрларни тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмларидан бири деб, таъкидланади “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да. Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини қамраб олади, ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу сабабли, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланди. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилар. Жамият талаб

қилаётган узлуксиз таълимга тегишли бу қонун-қоидалар ўқитиш, билим бериш, яъни таълим жараёнига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Педагогикада таълимнинг илмий-назарий, услубий асослари алоҳида, яъни дидактика қисмида ўрганилади. Бу жараёнда таълим принципларига ҳам алоҳида тўхталади.

Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-қоидалари, таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилинишига боғлиқ.

Ўқитиш билиш фаолиятининг ажралмас қисми сифатида дунёни билишнинг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шу сабабли, шахсни ўқитиш, тарбиялаш, баркамол авлод қилиб етиштириш жараёнини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Ўқитувчи қачонки таълим тамойилларидан хабардор бўлгандагина уни самарали бошқариш, ўқитишнинг самарали усуллари тўғри танлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш тамойиллари таълим жараёнининг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир системани ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустаҳкам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муҳим муаммолардан биридир.

Ўқув юртларида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши, фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода этиши лозим. Шундай экан, ўқитувчи илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши лозим, ўқув фанлари ҳам илм-фан асосида яратилади. Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса, талаба ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир. Шундай экан, билим, илм-фан билан ўқув предмети ўртасида ҳамкорлик ўзаро боғлиқлик бўлишига эришиш лозим. Таълимнинг ҳамма босқичларида илмий изоҳлардан фойдаланмоқ лозим.

Назарий билимларнинг амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади.

Таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлар, энг аввало, назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Шундагина ўқувчи-талаба ўрганаётган ўқув материалларининг туб моҳиятини тушуниб етади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ лозим. Фаол иштирок эса билимларни онгли тушуниб ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчидаги кўтаринки кайфият, кўпроқ билишга интилиш, мустақил фикрлаш ва хулосалар чиқаришга ундайди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш ўқитиш жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитишда назарий билимлар қанчалик қатъий баён этилса, ўқувчи талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади, ўқув материалларини онгли ўзлаштириш даражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда ёшларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил суратда билим олишга интилиши талаб қилинади. Бунинг натижасида билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчининг машғулотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишга эътибор бермоғи лозим. Ёшлардаги ўқиш истаги таълим жараёнининг зарурий ва мантиқий қисмидир. Шундай экан, таълимнинг самарадорли ўқитувчининг ўқувчиларни ўқишга изчил ва мунтазам қизиқтириб боришига боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчи, уларни ўқишга ижодий муносабатда бўлишга, мустақилликка, ишчанликка одатлантириши лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни, унда кўтарилган ҳаётий масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, таълим, шахс шаклланишининг асосий манбаидир.

Ўқитиб, тарбия бериш деганда, биз таълим ва тарбиянинг бир-биридан ажралмаслигини тушунамиз. Шундай экан, мактаб обрўси, ўқитувчи обрўси, аввало дарсда шаклланади. Тил ва адабиёт дарсими, математика дарсими ҳар доим уларнинг тарбиявий имкониятларини кўра билиш, тарбия усулларида фойдаланиш лозим.

Ўқувчи-талаба илмий билимларни ўзлаштирар экан, унинг дунёқараши ҳам, иродаси ва ахлоқий сифатлари, иймон-эътиқоди ва қобилияти ҳам ўсиб ривожланиб боради.

Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ўқитувчи аввало таълимни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишга, ўқув материалларининг мазмуни билан боғлиқ тарбиявий мақсадларни аниқ белгилашга ва билим олишга қизиқтира олишга боғлиқдир. Шу билан бирга, ўқитувчининг ўқувчилар оддидаги обрў-эътибори ҳам муҳим

тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этиш зарур. Чунки ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдага заруриятини англаб етишларига асос солади, диққатни барқарорлаштиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўқувчи-талабанинг ёши ва билим даражасига мувофиқлашган бўлиши, ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўл ва воситаларини қўллаш ва ишлаб чиқиш лозим. Кўрсатмали материаллар ўқув предметларининг характери ва мазмунига қараб турли-туман бўлиши мумкин. Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асли табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимликлар, ҳайвонлар, гербарий ва коллекциялар, лаборатория машғулотларига намоишлар, экскурсиялар чоғида кўрсатиладиган буюм, нарсалар);

б) тасвирий кўрсатмали материалларни намоиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, диафильмлар ва диапозитивлар, кинофильмлар ва бошқалар);

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар орқали кўрсатиш (ўқув хариталари, схема, жадвал ва макетлар);

г) овозли кўрсатмали материаллар (кодоскоп, магнитофондаги ёзувлар, овозли кинофильмлар) ва б.

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у мустаҳкам эса қолади, бу эса ўқув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилиш ва билимларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни системали ва пухта ўзлаштиришдир.

Таълим жараёнидаги муваффақиятларга фақат билим беришда ўқувчи, талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олганда эришиш мумкин.

Шунинг учун ўқитувчида болалар психологоясидан тегишли билимлар етарли бўлиши лозим. Дарс жараёнида шу синф ўқувчиларига тегишли умумий хусусиятларни ва ҳар қайси ўқувчига тегишли хусусиятлар таълимнинг ҳар бир босқичида эътиборга олиниши даркор. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўқувчиларни кузатиши ва уларнинг руҳий оламини ўрганиши лозим. Фақат шундагина ўқувчидаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун изланишлар олиб борилади.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган.

Шу даврга келиб ўқитишнинг махсус ташкилий шакллари пайдо бўлди, бунинг натижасида синф-дарс тизими жорий қилинди. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлиги қатор тарихий манбалардан маълум. Аммо қадим даврларда таълимни бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларита аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг "Фан ва ақл-заковат" асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълим ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А.Коменский "Буюк дидактика" асарида, ўқув машғулотларини гуруҳ шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вақтда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. У дарс давомида ўқувчилар диққатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига

саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда педагогика фани оддида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш, аynиқса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий услубий ва амалий муаммоларни ҳал этувчи тадқиқотлар олиб боришда кўп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқца.

Синф деганда, ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гуруҳи тушунилади.

Дарс - аниқ мақсадни қўзлаб белгиланган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир.

Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажми таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қуйидагиларга амал қилиниши лозим:

4.Ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

5.Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

6.Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4.Дарс, ўқув фанининг характери, ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштирмоқ учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим ишлари фақат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам ўтказилади. Бу машғулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида факультатив машғулотлар, тўгараклар, экскурсиялар шаклида амалга оширилади.

Дарс - таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам

ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши лозим. Бу дарс олдида қатор дидактик талабларни қўяди. Жумладан:

6. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади.

7. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши лозим. Ўқитувчи эса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим.

8. Ҳар бир дарс мактабнинг, ижтимоий муҳитнинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланмоғи, кўрсатмали воситалар билан жиҳозланмоғи лозим.

9. Ҳар бир дарс характерида мос усул, услуб ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

10. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

8. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, ўқувчи талаба пассив тингловчига айланмаслиги лозим.

9. Машғулотлар бутун синф билан ва ҳар бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда олиб борилиши керак.

8. Дарснинг мазмуни ва характерида қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий қадриятларидан самарали фойдаланиш жуда муҳим.

9. Ўтилаётган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда мустақил юртимиздаги ўзгаришлардан ўқувчи талабаларни хабардор қилиш лозим.

10. Дарсда Президентимиз И.Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизга, фарзандларимизга қарата айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиш даркор.

Демак, таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишига ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ва ўрганилади.

Дарс билим, кўникма ва малакалар билан ўқувчиларни

куроллантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари қуйидагилардан иборат:

6. Янги билимларни баён қилиш дарси.

7. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш.

8. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари.

9. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши назорат қилиши ва баҳолаш дарслари.

10. Дарс турлари, уйғунлашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билимларни баён қилиши дарсидир.

Бу дарснинг тузилиши қуйидагича:

7. Дарсни ташкил қилиш.

8. Янги билимларни баён қилиш.

9. Янги билимларни мустаҳкамлаш.

10. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.

11. Янги билимларга боғлиқ уй машғулотлари бериш.

12. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарснинг тузилишида ҳам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари уйғунлашган дарсларида дарснинг ҳамма элементлари мавжуддир:

4. Дарсни ташкил қилиш.

5. Уй тошпирикларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.

6. Янги мавзуни баён қилиш.

7. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.

8. Уй топшириқлари бериш.

9. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида, такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп қўлланилади.

Ўқитувчи дастурнинг маълум бир қисми, катта мавзулар ўтиб бўлингандан сўнг бундай дарслар уюштирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда ҳам хизмат қилади. Режада мўлжалланган ўқув материали ўтиб бўлингач, у албатта якунланади ва хулосалар чиқарилади.

Дарс ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўқувчи мустақил эркин фикрлай

олади, иродаси тарбияланади, нутқи ривожланади, муаммоли вазият изланишлар орқали ўз йўлини топа олади.

Ўқув машғулотларининг синфдаги шакли дарсдан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд бўлиб, булар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультативлар, экскурсия кабилардир.

Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш учун уюштирилган қўшимча машғулотлар ҳисобланади. Булардан ташқари, ўқув юртлари тажрибасида фан тўғараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд. Жумладан: икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд. Маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиларининг очик маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, ўқув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш кабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллари.

Олий таълим тизимида маъруза ўқув жараёнининг ҳам усули, ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат қилади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради. Маъруза эркин фикрлашга, фан усулида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли, маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, ғоя ва миллий мафкура асослари шакллансин. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир маърузанинг мазмунини фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради.

Бундан ташқари, дарс ва маърузанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёндаги руҳий ҳолатларини қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, дарснинг, маъруза ва бошқа шаклларида ўринли фойдаланиш, ўқитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, ўз предметини пухта билиши ва ўқувчи талабалар билан умумий тил топа олиши таълим-тарбия жараёнида ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчи амалий ва семинар машғулоти ўтказишда таянч фигура ҳисобланади. Олий ўқув юртлирида ва махсус ўқув юртлирида ўқитувчиға ўзининг ихтисослиги бўйича ўқув ва услубий ишлар, ўқув ва ишлаб чиқариш ишлариға, талабаларнинг мустақил машғулоти ва илмий-тадқиқот ишлариға раҳбарлик қилиш юклатилади.

Ўқитувчи фаолиятининг асосий мазмуни ўз ичига бир неча вази-фалар – таълим, тарбия, ташкил қилувчи ва тадқиқот вазифаларини олади. Улар барчаси бир бутунни ҳосил қилиб, айримларда уларнинг бири бошқасидан устувор бўлади. Олий ўқув юртининг ўқитувчилари учун педагогик ва илмий фаолиятнинг уйғунликда олиб борилиши хос: илмий тадқиқот ички дунёни бойитади, унинг ижодий салоҳия-тини ривожлантиради, билимлар даражасини оширади.

Педагогик мақсад чуқур умумлашмаларға ва материални тизим-лаштиришға, асосий ғоя ва хулосаларни шакллантиришға, аниқлаш-тирувчи саволлар беришға, ҳаттоки янги фаразларнинг туғилишиға ундайди.

Олий ўқув юртлирининг ўқитувчиларини шартли равишда уч гуруҳға ажратиш мумкин:

1. Педагогик йўналиш устувор бўлган ўқитувчилар (умумий сондан 2/5).
2. Илмий тадқиқотлар олиб бориш устуворлик қилган ўқитувчилар (тахминан 1/5).
3. Педагогик ва илмий фаолиятни бир хил олиб борадиган ўқитувчилар (1/3дан сал кўпроқ).

Амалиёт кўрсатишича, педагогик фаолият илмий фаолият билан мустаҳкамланган бўлмаса, касб педагогик маҳорати тез сўнади. Ма-ҳорат педагогик вазифаларни педагогик вазиятларни таҳлил қилиш асосида кўра билиш ва шакллантириш ва уларни ечишда оптимал услубларни топа билишдан ташкил топади.

Ижоднинг ҳар бир турида бўлганидек, педагогик фаолиятда амалдаги ва мустақил топилган нормативлар ўзига хос равишда уйғунлашади. Педагогнинг ижодий ўзига хослиги – унинг фаолиятиға берилган юқори баҳо бўлиб, ҳар қандай ижодий фаолиятдагидай ўқитувчи шахси билан ўзаро боғлиқ. Ўқитувчи фаолияти уч таркибий қисмдан иборат бўлади: педагогик фаолият, педагогик муомала, шахс. Шахс – педагогик фаолият ва педагогик муомалада унинг касб маҳоратини белгиловчи меҳнатнинг бош

омилидир. Педагогик фао-лият – меҳнат технологияси бўлиб, педагогик муомала – унинг иқли-ми ва муҳитидир, шахс – ўқитувчи ишининг идеали, ички мазму-нидир.

Педагогик тизим томонидан қўйиладиган мақсад ва вазифалар, мазмун, норма педагог ва олим фаолиятининг объектив таркибий қисмлари бўлса, унда илмий-педагогик фаолият услублари индиви-дуал-субъектив характерга эга. Уларни қўллаш ҳар бир ўқитувчининг қобилиятига боғлиқ.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: ислоҳот, узлуксиз таълим, педагогика тамойиллари, кадрлар тайёрлаш талаблари, янги педтехнология, хужжат мақсади

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, **1997.**
2. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
3. И. Каримов. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Т. 1997.

10. Психологиянинг предмети, мақсад ва вазифалари.

10-Мавзу. Психологиянинг предмети, мақсад ва вазифалари.

1. Психология фанининг вужудга келиши
2. Психологиянинг предмети
3. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни

1. Психология фанининг вужудга келиши

Психология соҳасида мукаммал дарсликлар ёзила бошлаган даврга салкам 160 йил бўлди. Шу давр ичида жуда кўплаб илмий тадқиқот натижаларини ўз ичига олган монографиялар, дарсликлар, қўлланмалар ёзилди.

XX аср ва унинг эришилган ютуқларидан энг муҳими шу бўлдики, техника, электроника ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб технологияларни яратган инсон ва унинг бевосита кундалик ҳаёт билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бориши билан характерланади. Вақти келганда, шундай фактга тўғри келамизки, мураккаб электрон техникани яратган ўта ақлли инсон ўзи ва ўз атрофдагиларнинг руҳий кечинмаларини тўғри баҳолай олмаслиги сабабли, ўзини ночор ва кучсиз сезиши мумкинлигини ҳаёт исботлади.

Инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриши муаммоси ҳар доимгидан кўра долзарброқ масалага айланган.

Инсониятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти давомида қадимги одамлар табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ибтидоий жамоа аъзоларининг психологик хусусиятларини аниқлаш, улардан шахслараро муносабатларда оқилона фойдаланиш, ўзининг хатти-ҳаракати, шахсий фаолияти ва муомалага киришишида уларни ҳисобга олишга интилиб яшаб келганлар. Кўп минг йиллик ижтимоий

ҳаёт тажрибаларига асосланган равишда одамлар шахснинг индивидуал (лотинча *individuum* алоҳида, яккаҳол одам) хусусияларини жон билан боғлашга ва унинг таъсири билан изоҳлашга ҳаракат қилишган. Қадимги одамларнинг тасаввурларига қараганда, инсон танасида жон жойлашган бўлиб, у шахсга оид хусусиятлар, хислатларни вужудга келтириш имкониятига эга эмиш. Қадимги аجدодларимизнинг «жон» тўғрисидаги тасаввурлари шунга боғлиқ, мутаносиб тушунчасини келтириб чиқарди ва бунинг натижасида анимизм (лотинча *anima* «жон» деган) таълимоти инсоният томонидан кашф қилинади. Ижтимоий халқларнинг тасаввурларида рух инсоннинг танаси билан узвий боғлиқ ҳолда ҳукм суради, гўёки яшайди. Шунинг учун ижтимоий ҳодисалар, ҳатто онг, шунингдек, реал воқеликлар (ўлим, уйқу, беҳуш бўлиш, бетоблик) кабиларни содда тарздаги моддийлик (мавжудлик) нуқтаи назаридан талқин қилишга уринганлар. Содда тафаккур шакллари билан қуролланган қадимги одамлар атроф-муҳит тўғрисидаги ранг-баранг ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини илмий жиҳатдан далиллаш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли идрок қилинган нарсани унинг ҳақиқий моҳияти тарзида акс эттиришган.

Инсониятнинг ижтимоий тарихий тараққиёти давомида меҳнатни режалаштириш, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг табақалашуви, одамлар тафаккурининг ривожланиши туфайли жоннинг (рухнинг) моддийликдан ташқари хусусияти, кўриниши юзасидан ғоялар вужудга келади. Бунинг натижасида анимистик тасаввурлар ўрнини рухни борлиқнинг натуралистик (лотинча *natura* –табиат маъносини англатувчи) фалсафий манзараси тарзида изоҳлаш намоён бўла бошлади:

1. 1. Рух оламининг ибтидосини ташкил қилувчи нарсалар (сув, ҳаво, олов)нинг инсонлар ва ҳайвонларга жон бағишловчи шакли

(Фалес эрамиздан олдинги VII – VI асрлар, Анексимон V аср, Гераклит VI-V асрлар);

2. 2. Эрамиздан олдин ижод қилган юнон файласуфларининг илмий изланишлари натижасида материянинг жонлилиги, яъни гилозоизм (юнонча *hule*- «модда» *zoi* «ҳаёт» маъноси) тўғрисидаги ғоя юзага келади;

3. 3. Материянинг жонлилиги ҳақидаги ғояни ривожлантирган атомизм (юнонча *atomos*-«бўлинмас» дегани) намояндалари (Демокрит эрамиздан аввалги V-IV асрлар, Эпикур IV-III асрлар, Лукриций I аср) бир қанча фикрларни илгари сурдилар, жумладан:

А) Рух танага жон бағишловчи моддий жисмлар;

Б) Моддий асос сифатидаги ақл;

В) Ҳаётни бошқарувчи идрок вазифасини бажарувчи аъзо;

Г) Рух билан ақл тана аъзолари, бинобарин, уларнинг ўзи ҳам танадир;

Д) Улар шарсимон, кичик ҳаракатчан атомлардан иборатдир.

Атомистларнинг фикрлари таҳлили шуни кўрсатдики, унда тананинг (жонли нарсанинг) акс эттиришидан тортиб то психикага (юксак ақл идрокгача) жонлилиги хусусиятининг материяга хос хусусият эканлигининг эътироф этилиши ўша давр учун буюк илмий воқелик эди.

Юқоридаги психолог олимларнинг мулоҳазалари организмнинг анатомик- физиологик тузилиши, миянинг таркиби сингари моддий асосларга суянган ҳолда реал воқеликни тушунтириш имкониятига эга эмас эди. Худди шу омилдан келиб чиққан ҳолда инсоннинг тафаккури, шахсий фазилатлари, унинг мақсад кўзлаши, гавдани идора этишга қобиллигини далиллаш тўғрисида фикр юритиш мураккаб руҳий жараён ҳисобланади.

Жумладан Афлотун (эрамиздан аввалги 428/27 –347 йиллар) жоннинг таркибий қисмлари тўғрисидаги тушунчани психологияга олиб киради: а) ақл-идрок, б) жасорат, в) орзу истак кабилардан иборат бўлиб, улар бош, кўкрак, корин бўшлиғига жойлашгандир. Афлотун психологияда дуализм (лотинча dualis икки мустақил маъно билдиради) таълимотини руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил нарсга деб изоҳлайди.

Афлотуннинг шогирди Арасту (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар) ўзининг таълимотида психологияни табиий- илмий асосга қуриб, уни биология ва тиббиёт билан боғлаб тушунтиришга эришган. Арастунинг «Жон» тўғрисидаги китоби маълум бир давр учун тараққийпарвар манба вазифасини бажаради. Унда одамларнинг ва ҳайвонларнинг кундалик ҳаётини лаҳзаларини кузатиш орқали яққол воқеликни тасвирлаш, таҳлил қилиш жараёнлари мужассамлашгандир. Арастунинг таъкидлашича, жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл, идрок каби турларга оид қобилиятларда рўёбга чиқади. Унинг мулоҳазасича, сезги билишнинг дастлабки қобилияти, у тасаввур шаклида из қолдириши мумкин.

Қадимги дунёнинг кейинги ривожланиши паллаларида психологик ғоялар мукамаллашиб, унга оид таянч тушунчалар вужудга кела бошлади, ҳатто руҳ ҳозирги замон психикаси каби қўлланиш кўлами кенгайди.

Психика категориясининг негизида идрок ва тафаккурдан ташқари онг тушунчаси юзага келди, бунинг натижасида ихтиёрий ҳаракатлар ва уларни назорат қилиш имконияти туғилди. Масалан, румолик шифокор Гален (эрамиздан олдинги II аср) физиология ва тиббиёт ютуқларини умумийлаштириб, психиканинг физиологик асослари тўғрисидаги

тасаввурларни янада бойитди. Унинг илгари сурган ғоялари «онг» тушунчаси талқинига муайян даражада яқинлашади.

XVII аср биология ва психология фанлари тараққиёти учун муҳим давр бўлиб ҳисобланади. Жумладан, француз олими Декарт (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлигини кашф этилиши, юракдаги мушакларнинг ишлаши (фаолияти) қон айланишнинг ички механизми билан бошқарилаётганлиги тушунтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, рефлекс (латинча *reflexus* акс эттириш) организмнинг ташқи таъсирга қонуний равишдаги жавоб реакцияси сифатида талқин қилиниш, асаб-мушак фаолиятини объектив тарзда билиш воситасига айланди, сезги, ассоциация, эҳтирос юзага келишини изоҳлашга имкон яратилди.

Психология фанининг илмий асосга қурилишида инглиз олими Гоббс (1588-1679) руҳни мутлақо рад этиб, механи ҳаракатни ягона воқелик деб тан олиб, унинг қонуниятлари психологиянинг ҳам қонуниятлари эканлигини таъкидлади. Унинг негизида эпифеноменализм (юнонча ері ўта, *phainomenon* ғайритабиий ҳодиса) вужудга келди, яъни психология танадаги жараёнларнинг сояси сингари рўй бералиган руҳий ҳодисалар тўғрисидаги таълимотга айланди.

Нидерландиялик олим Спиноза (1632-1677) онгни катта кўламга эга материядан сира қолишмайдиган воқелик, яъни яққол нарса деб тушунтирди. У детерминизм (лотинча *determinata* белгилайман) принципининг, яъни табиат, жамият ҳодисаларининг, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг абъектив сабаблари билан белгиланиши ҳақидаги таълимот тарғиботчиси эди.

Немис мутафаккири Лейбниц (1646-1716), инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704), инглиз тадқиқотчиси Гартли (1705-1757), француз

Дидро (1713-1784) кабилар ғоялар ассоциацияси (боғланиши) қонуни, идрок ва тафаккурнинг пайдо бўлиши, қобилиятлар психологияси ҳақида муҳим таълимотларини яратиш билан фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

XVIII асрга келиб нерв системасини тадқиқ қилишда улкан ютуқларга эришилди (Галлер, Прохазка), бунинг натижасида психика миянинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот вужудга келди. Инглиз тадқиқотчиси Чарльз Белл ва француз Франсуа Мажанди томонидан ёзувчи ва ҳаракат нервлари ўртасидаги тафовут очиқ берилди, унинг негизида рефлектор ёйи деган янги тушунча психология фанида пайдо бўлди. Буларнинг натижасида ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз) рефлектор турлари кашф қилинди. Юқоридаги илмий кашфиётлар таъсирида рус олими И.М. Сеченовнинг (1829-1905) рефлектор назарияси рўёбга чиқди ва ушбу назария психология фанининг физиологик асослари, механизмлари, бош мия рефлексларининг ўзига хос хусусиятлари табиатини очиқ бериш имкониятига эга бўлди.

Психология фанининг экспериментал, психоаналитик, бихевиористик, эмпирик, эпифеноменалистик, гештальт, ассоциатив, вюрцбург, психогенетик, редукционизм, солипцизм, гуманистик, биогенетик, социогенетик каби йўналишлари томонидан тўпланган маълумотлар ҳозирги замон психологиясини вужудга келтирди. Худди шу йўналишларнинг ранг-баранг методикалари, методлари умумий психология фанининг предметини ва унинг тадқиқоти принципларини аниқлаб берди.

Психология фани кўҳна тарихга эга бўлишга қарамай, у жуда навқирон фандир, чунки илмий психология немис психологи В. Вундт томонидан 1879 йилда Лейпциг (Германия) университетида асос солинган биринчи экспериментал лаборатория очилишидан бошланади.

Шунинг учун эндиgina рефлексияни (лотинча reflexus ўзининг рухий ҳолатини таҳлил қилиш дегани) илмий жиҳатдан ўрганишни психология фани предмети таркибига киритиш даври (мавриди) келди.

Психология фани табиатшунослик фанлари ва фалсафа негизида пайдо бўлган бўлиб, то ҳанузгача унинг на гуманитар, на табиий фанлар каторига киритилиши аниқлангани йўқ, лекин шунга қарамасдан, уни ҳар иккала йўналишдаги соҳалар бўйича тўпланган маълумотлар, қонуниятлар бирлашувининг маҳсули деб аташ мумкин. Аммо психологиянинг таркибида ҳам гуманитар, ҳам ижтимоий билимлар мавжуд бўлишидан қатъи назар, у алоҳида хусусиятга эга бўлган мустақил фандир. Бизнингча, унинг моҳиятини ёритиш учун бошқа манбага мурожаат қилиш ҳақиқатга яқинроқ маълумот бериши эҳтимол. Чунки психология фани яққол инсон фазилати, муайян тараққиёт хусусиятлари, механизмлари, қонуниятлари, ўзига хослик, алоҳидалик, яккаҳоллик табиати юзасидан баҳс юритилади. Психология фанини таҳлил қилишда унинг қай фан соҳаси билан алоқасини аниқлашдан кўра илмий ва кундалик турмуш психологияси ўртасидаги муносабат тўғрисида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, ҳар қандай фан негизида одамларнинг турмуш ва амалий тажрибаси муайян даражада ўз аксини топган бўлади. Масалан, кимё предмети моддаларнинг хусусиятлари, уларнинг зичлиги, оғирлиги, ўзаро бирикуви тўғрисидаги кундалик турмуш билимларига суянади, математика фани сонлар, миқдорий муносабатлар, геометрик шаклларнинг хоссалари, тригонометрик функциялар ҳақидаги инсон тасаввурлари асосига қурилади. Лекин психология юзасидан ана шундай мулоҳазалар юритиш ёки билдириш мумкин эмас, чунки унинг замирида тубдан бошқача ўзига хослик ётади. Ҳар қайси шахс кундалик турмушнинг ўзига хос психологик билимларини эгаллаган бўлиб, ўз

савияси, салоҳияти билан турлича камолот кўрсатгичига эгадир, ҳатто турмуш тажрибасида тўпланган билимлар илмий психологик билимлардан устунроқ туриши ҳам мумкин (қари билганни-пари билмас). Чунки, йирик ёзувчилар (шахслараро муносабат ва муомала, мулоқот хусусиятлари юзасидан кузатувчанликка эгадирлар), врачлар, ўқитувчилар, руҳонийлар, савдогарлар узлуксиз равишда кишилар билан муомалага киришишлари натижасида уларнинг ички дунёси ва хулқ-атворида оид билимлар билан юксак даражада куроллангандирлар. Лекин ҳар қандай инсонда ҳам озми ёки кўпми психологик билимлар мавжуддир, бунинг далили сифатида одамларнинг бир-бирларини тушунишлари, таъсир ўтказишлари, хулқ-атвор оқибатини олдиндан башорат қилиш, кишининг яккаҳол хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга ёрдам кўрсатишни таъкидлаб ўтишнинг ўзи kiffoя.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, кундалик турмуш психологик билимлари аксарият ҳолларда фаросатлилиқ, сезгирлик, топқирлик хусусияти асосида интуитив тарзда намоён бўлиши кузатилади. Бунинг асосий сабаби шуки, кўпинча эгалланаётган билимлар ҳаётий тажрибада учраган воқеликка нисбатан муносабат, амалий синовлар негизида вужудга келади, кейинчалик ундаги айрим дағаллик ва нуқсонлар силлиқланади. Шунинг учун ундай психологик билимлар маҳсус услублар ёрдамида қабул қилинади, аммо мантиқий таҳлил қилинмасдан туриб тўғридан-тўғри муомала тизимига узатилади.

Ҳаётий психологик билимларнинг илмий психологик билимлардан фарқи шундан иборатки, илмий жиҳатдан асосланган билимлар англашилган, мантиқий пухта, оқилоналик хусусиятига эга бўлади. Илмий психологик билимлар фараз ва ғояларни илгари суриш дақиқасидан бошлабоқ шакллана боради, улардан келиб чиқадиган

оқибатларни мантиқан текшириш билан якунланади. Бунда ҳам олға сурилган ғоялар текшириш жараёнида бирон-бир тасдиқ ёки инкор маъносига эришсагина илмий психологик билимлар тизимига киритилади.

2. Психологиянинг предмети

Инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриши муаммоси бугунги кунда ҳар доимгидан кўра долзарброқ масалага айланган.

Шунинг учун психология фани инсон психологиясини билиш, ўз тараққиётини ва иқтидорини ташкил этишни билиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлилиқни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлиқни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари сурди.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар заҳираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Буюк Сукрот ўз даврида “Ўз-ўзинни бил!” деган шиорни ўртага ташлаган эди. Янги давр бу билимлар ёнига “ўз ёнингдагиларни ва уларнинг қилаётган ишларини ҳам бил”, деган шиорни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Айни шу муаммони ечишда ҳозирги замон психология илми ва амалиётида роли бениҳоят каттадир.

Анъанага айланиб қолган ходисалардан бири шуки, психология ва у ўрганадиган ходисаларни фақатгина ушбу фан билан бевосита шуғулланадиган кимсалар ўрганиб келишган, зеро , психологик ходисалар билан ҳар қандай инсон ҳам таниш бўлиши ва у инсон ҳаётининг асосини ташкил этиши керак. Янги давр ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди ҳар бир кишининг психик ходисалар

конуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда.

Психология фаниниг бошқа фан соҳаларидан фарқли томони шундан иборатки, унинг амалий, татбиқий жиҳатлари мавжуд бўлиб, ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида бевосита қатнашади, муайян даражада таъсир ўтказади. Психология бошқа фанлардан фарқли ўлароқ ўз татбиқий маълумотлари, натижаларининг кўпқирра, кўпёқлама эканлиги билан тубдан ажралиб туради ва мутлақо бошқа сифат кўрсаткичига эга. Айниқса, бу борада ўзини ўзи бошқариш алоҳида аҳамият касб этади, шунинг учун у табиатни ўрганиш илмидан тафовутланиб, ўзининг психик жараёнлари, функциялари, ҳолатлари, ҳиссиёти, иродаси, характери, темпераменти кабиларни бошқаришда ўз аксини топади. Инсон ўзини англай бориб, ўз инсоний хислати, хусусияти, сифати, хулқини ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон психологияси фани ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштириш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи тарбиялаш бўйича бой материаллар тўплаган, бу эса ўз навбатида инсон муносабати, мақсади, ҳолати, кечинмалари ўзгариши ва янгидан яралиши ҳақида илмий-татбиқий маълумотлар беради, куналик турмуш психологияси ранг-баранглигини таъминлаб туради. Психология инсон психикасини аниқлаш, шакллантириш, янги шароитга кўчириш, такомиллаштириш, ривожланиш динамикасини таъминлаш, янги сифат босқичига ўтишини қайд қилиш имконияти борлиги билан ўта амалий, татбиқий фанга айлангандир.

«Психология» (юнонча *psychelogos*) сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, у «жон», «руҳ» ҳақидаги «фан, таълимот» деган маъно англатади. Бироқ ҳозирги даврда «жон» тушунчаси ўрнига «психика»-ни қўллашда давом этмоқдамиз. Лингвистик нуқтаи назардан «жон»,

«психика» тушунчалари айнан бир хил маънони билдиради. Лекин «психика» тушунчаси бугунги кунда «жон»дан кенгроқ кўламга эга бўлиб, ҳам кўзга кўринувчи, ҳам кўзга кўринмовчи томонларини ўзида акс эттиради. Психиканинг таркибий қисмлари фаолият, хулқ, муомала яққол намоён бўлиш хусусиятига эга бўлса, билиш жараёнлари, психик ҳолатлар, ички кечималар, ижодий режалар, илмий фаразлар мияда мужассамлашгани учун улар кўзга кўринмайди. Психология фанининг кейинги даврдаги тараққиёти улар ўртасида бир талай тафовутларни келтириб чиқарди.

Психика тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал психик ҳодисалар моҳияти билан танишамиз. Одатда психик ҳодисалар деганда ички, субъектив тажриба фактларнинг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади, бошқача сўз билан айтганда психика ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларида иборатдир. Ички, субъектив тажрибанинг ўзи нимани англатади? Инсондаги қувонч ёки зерикаш туйғулари, унинг нималарнидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш, ҳадиксираш ҳисларининг барчаси шахснинг ички дунёсини таркибий қисмларидир, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар саналади.

Субъектив ҳодисаларнинг асосий хусусияти-уларнинг бевосита субъектга тааллуқлилигидир. Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, албатта ана шу ҳодисаларни бир даврнинг ўзида тушуниб (кузатиб) ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамыз ҳам. Шунинг учун психик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда намоён бўлиб туради. Образли қилиб айтганда, одамнинг ички дунёсида турли

ходисалар вужудга келади, кечади, одатда шахс бундай ходисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг томошабини ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган субъектив ҳодисалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда айрим психологлар психология фани субъектив кечинмаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кечиши билан шуғулланиши зарур, унинг асосий методи ўзини ўзи кузатиш (шахснинг ўз фикрлари, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини ўзи кузатиши) бўлмоғи керак деган хулосага келадилар. Лекин психология фанининг кейинги даврдаги тараққиёти бундай чекланганлик фанни мутлақо таъминлай олмаслигини тасдиқлади

Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, хулқ-атвор, психосоматик (юнонча *psyche* «жон» *soma* «тана» маъносини англатади) ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий маданият маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хусусиятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин.

Психологик воқелик-факт деганда субъектнинг ички кечинмаларининг таркибий қисмлари билан бир қаторда уларнинг объектив шакллари (хулқ-атвор, тана ҳаракати, жараёни, фаолият маҳсули, ижтимоий-маданий ҳодисалар) орқали психиканинг хусусиятлари, ҳолатлари, қонуниятларини ўрганиш тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, инсон онгидан ташқари, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳукм сурувчи объектив борлиқ, яъни атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар, муҳит, шароит ва бошқаларнинг психикада акс этиши психологик воқелик деб аталади.

Психология предмети қуйидагиларни қамраб олади:

- 1) 1) психологик билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира ва ҳоказо)
- 2) 2) психиканинг шакллари (фаолият, ҳулқ, муомала),
- 3) 3) психиканинг ҳолатлари (кайфият, ҳаёлпаршонлик кабилар),
- 4) 4) психиканинг ҳодисалари,
- 5) 5) психиканинг хислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари,
- 6) 6) психиканинг қонуниятлари,
- 7) 7) психиканинг механизмлари,
- 8) 8) психик шароит, муҳит, вазият,
- 9) 9) ўзаро сабабий боғланишлар,
- 10) 10) тадқиқот методлари, воситалари, материаллари, принциплари ва ҳоказо.

3. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни

Психология яхлит ва мустақил фан сифатида одамларда гуманистик миталитетнинг шаклланишига хизмат қилиб, инсон омилига алоқадорлиги унинг шу йўналишдаги муаммоларини маълум маънода ўрганадиган барча фанлар билан бевосита алоқасини тақазо этади. Булар биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар соҳалари бўлиб, психологиянинг улар орасидаги мавқеи ўзига хос ва етакчидир.

1. Фалсафа ва унинг охириги пайтларда шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий фалсафа қисми билан бўлган алоқа бу иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш ва унинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишига оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология

фалсафанинг асосидан олади ва шу соҳасидаги ютуқлари билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради.

2. Социология фани ҳам янгича ижтимоий муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига ўтган экан, психология ушбу фан эришган ютуқлардан ҳам фойдаланади, ҳам уларнинг кўлами кенгайишига хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ажралиб чиққан, бугунги тараққиёт давримизда алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва прогрессни таъминлаш ишига хизмат қилади. Қолаверса, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ишини амалга ошираётган Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ва демократик ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини амалда таъминлаш, бу соҳада мунтазам тарзда ижтимоий фикр ва инсонлар дунёқарашларидаги ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, башорат қилиш ва тараққиёт мезонларини ишлаб чиқишда иккала фанлар муҳим аҳамиятга эга.

3. Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузи ўзига хосдир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да эътироф этилган янгича моделдаги шахни камол топтириш, унинг чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш давларидаги ривожланиш тенденцияларидан тортиб , токи янгича ўқитиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганини

Ўрганиш асосида таълим-тарбия ишини ташкил этиш психологиядаги методалрни дидактик методлар билан уйғунлаштирилишини тақазо этади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран билган ҳолда ўқитишнинг энг илғор ва замонавий шакллари амалиётга тадбиқ этишни

4. Табиий фанлар: биология, физиология, химия, физика ва б.қ. психик ходисалар ва жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш ва шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун маълумот беради. Айниқса, бош миянинг ҳамда марказий асаб системасининг психик фаолиятларини бошқаришда ва уларни мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган ҳолда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар ва улардаги тадқиқот услубларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақазо этганлиги сабабли , ўша табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усулларида ўз ўнида фойдаланади ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психологиянинг предметини мукаммалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган.

5. Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги айниқса, аср охирига келиб яққол сезилмоқда. Бир томондан мураккаб техникани бошқарувчи инсон онги муаммосини ечишда, иккинчи томондан, психик ҳаётнинг мураккаб қирраларини очишда махсус техник воситаларидан фойдаланиш зурурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутаяди.

6. Иқтисодиёт билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги ҳам янгилик бўлиб, айниқса бозор муносабатларига босқичма босқич ўтиш шароитида иқтисодий онг ҳамда иқтисодий ҳулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фан тенг хизмат қилади.

Янги давр шахсини тарбиялаш ва унинг жамиятга мослашуви масаласида психология иқтисодиёт фанида қўлга киритилган ютуқлар, янгиликлар ва иқтисодий самарага эришиш омилларини ҳисобга олса, иқтисодиёт ўз навбатида иқтисодиё ислоҳатларнинг объекти ҳамда субъекти бўлмиш инсон омилидаги барча психологик ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу аснода башорат қилиш вазифасини ечиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фан тармоқлари психология бевосита узвий алоқада ривожланадиган фанларнинг асосий қисми холос. Бугунги кунда ҳар бир фан ривожини учун инсон омилини ҳисобга олиш зарур экан, психология ўша фанлар билан алоқада ва ҳамкорликда ривожланади. Бу тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати, ҳуқуқ ва маданиятшунослик каби кўплаб фан соҳаларидир.

11-Мавзу. Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш.

1. Психологиянинг асосий методлари
2. Психологиянинг татбиқий ва амалий соҳалари.
3. Психологиянинг тармоқлари.

1. 1. Психологиянинг асосий методлари

Яқин ва узоқ чет эл психологияси фанида инсон психикасини тадқиқот қилиш методларининг турлича классификацияси (таснифи) берилган. Умумий психология соҳаси бўйича хилма-хил илмий асосга қурилган назариялар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси тўқислик ва нуқсонли томонларига эга. Қуйида биз рус психологи Б.Г.Ананьев тавсия қилган классификацияга асосланган ҳолда методлар хусусиятини ёритиб берамиз.

Б.Г. Ананьев психикани ўрганиш методларининг ташкилий, эмпирик (амалий), олинган натижаларни қайта ишлаш ёки статистик ҳамда натижаларни шарҳлаш деб номлаб, уларни тўртта катта туркумга, гуруҳга ажратган. Мазкур методлар гуруҳи ўз навбатида унинг мақсади ва вазифасига биноан яна бир нечта тоифа ҳамда турларга бўлинади. Навбатдаги фикрда ана шу методларнинг умумий, хусусий ва ўзига хос хусусиятларига ҳамда қиёсий тавсифига тўхталамиз.

Тадқиқот методларининг биринчи гуруҳи ташкилий деб номланиб, у ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталадиган турларни қамраб олади. Қиёслаш методи умумий психология (турли гуруҳларни ўзаро солиштириш), социал психология (катта ёки кичик гуруҳлар

ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш), медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш, спорт психологияси (спортсменлар ҳолати, уларнинг уқувчанлиги ва ишчанлигини ўзаро чоғиштириш) каби фанларда унумли фойдаланилади.

Умумий психологияси фанида қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларини ўзлаштириш хоссалари, ақлий қобилияти, салоҳияти, тараққиёти динамикаси, шахс жинсий тафовутлари ва ўзига хослиги, индивидуал-типологик ҳолатларини ўрганишда татбиқ этилади. Рус психологлари Л.С.Виготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананьев, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин сингари олимлар ва уларнинг шогирдлари тадқиқотларида қиёслаш методидан фойдаланилган. Кейинги йилларда халқ таълими ва олий таълим тизимида ҳамда ишлаб чиқаришда XX асрнинг 70- йилларидан эътиборан то ҳозирги давргача «инсон омили» муаммосининг муҳокамага қўйилиши, вақт тақчиллиги, ишчанлик имконияти, қобилияти, психологик мослик масалаларининг алоҳида аҳамият касб этиши мазкур методни кенг қўламда қўллашни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, тажрибада олинган миқдорий маълумотлар ишончлилиқ даражасини ошириш учун ҳам қиёслаш методи ишлатилади. Айниқса, синалувчилардаги ўзгаришларни кўндаланг кесим ҳолатда олиб қараш, тадқиқот босқичини кесиб, яъни вақтинча тўхтатиб, алоҳида таҳлил қилиш ушбу методга борган сари диққат-эътибор тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, тажрибанинг биринчи босқичининг турли ёшдаги ва

жинсдаги одамларга таъсирини аниқлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Умумий психологияда қиёслаш методи билан бир қаторда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам кенг қўламда қўлланилади. Ушбу методнинг бошқа методлардан фарқли томони шундан иборатки, унинг ёрдамида бир ёки бир неча синалувчилар узок муддат, хатто ўн йиллар давомида (А.Терменнинг 50 йиллик узлуксиз тажрибаси ҳозирча рекорд ҳисобланади) текширилади. Лонгитюд методидан АҚШлик А.Термен, немис психологи В.Штерн, француз Р.Заззо ва Ш.Бюлер, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтис, В.С.Мухина ва бошқалар кўп даврлардан бери унумли фойдаланиб келадилар.

Мазкур метод орқали ҳар хил жинсли эгизаклар (Ҳасан-Хусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Ҳасан-Зухра, Фотима-Хусан) қўшалоклар кузатилган. Шунинг учун бир талай тадқиқотларнинг «она кундалиги» (Н.А.Менчинская, В.С.Мухина) деб номланиши бежиз эмас. Узок муддат давомида муайян бир шахсни (кичик гуруҳни) кузатиш синалувчида янгитдан пайдо бўлаётган фазилатларининг тараққиёт динамикаси, унинг хулқ-атворидаги иллатлар (меъёрдаги хатти-ҳаракатдан четга оғиш) ва уларнинг олдини олиш муаммолари юзасидан материал йиғиш, шунингдек, мураккаб психологик муносабатлар, ички боғланишлар, қонуниятлар, механизмлар тўғрисида мукамал, ишончли, барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигидан ташқари, синалувчига объектив (табiiй) шарт-

шароитларнинг, ижтимоий психологик муҳитнинг таъсири ҳам ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўзаро ўхшашлиги ва уларнинг тафовутланиши, таъсирланиши, ҳис-туйғуларининг ўзгариши, шахслар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти системаси ва ҳоказолар) юзасидан олинган маълумотлар лонгитюд методининг шарофати билан рўёбга чиқади.

XX асрнинг иккинчи ярмида XXI асрнинг бошларида фан ва техниканинг тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлик даражасини янада ошириш учун (субъектив омиллар таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс программа асосида бошқа фанлар (медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, философия, логика) билан биргаликда тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Бу воқелик фан оламида интеграция (қўшилиш, уюшиш) жараёни юз бераётганлиги кўрсаткичи ифодасидир. Амалий хусусиятга молик илмий-текшириш ана шу кўпқиррали (комплекс) ёндашишни талаб этмоқда. Психология соҳалари (психофизиология, космос, тиббиёт психологияси, муҳандислик ёки авиацион психология) ўртасида эса тадқиқот объектига тизимли ёндашиш принципи амалга оширилмоқда. Ушбу ижтимоий психологик воқелик соҳалар дифференциясидан (ажралишидан) далолат бермоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли соҳавий нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, шахснинг муайян билимларни эгаллаш хусусияти психологик жихатдан текширилаётган бўлинса, комплекс (кўпёқлама) ёндашиш таъсирида ана шу ўзгартиришнинг

фалсафий, мантикий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари очиб берилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш қари кишидаги психологик, физиологик, мантикий жихатларининг очилишига хизмат қилади.

Комплекс (кўпқиррали) программа (дастур) ёрдамида амалга оширилган тадқиқотнинг натижаси илмшунослик учун муҳим аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда ҳам алоҳида ижобий роль ўйнашига шак -шубҳа йўқ.

Илмий-тадқиқот методларининг иккинчи гуруҳи амалий (эмпирик) методлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг таркибига кузатиш (ўзини ўзи кузатиш), эксперимент (табiiй, лаборатория), тест (синаш), анкета (варақа), сўров, социометрия, суҳбат, интервью, фаолият жараёни ва маҳсулини таҳлил қилиш, таржимаи ҳол (биография), -шахсий гувоҳнома, ҳужжат, турмуш фаолияти воқеаларини таҳлиллаш кабилар киради. Амалий методлар синаш, текшириш, диагнос (ташхис) ва прогноз (башорат) қилиш вазифаларини бажаради. Инсоннинг туғилишидан тортиб то умрининг охиригача давр оралиғида содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ, объектив равишда тадқиқ этиш учун навбати билан амалий (эмпирик) методлар гуруҳидан фойдаланиш самарали натижа беради. Чунки бир метод иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади.

Илмий-тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи олинган натижаларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, статистик (миқдор) ва психологик сифат таҳлили турларга ажратилади.

Психологик-педагогик тадқиқотларда кўпинча қуйидаги статистик методлардан фойдаланилади.

Статистик методлар тажрибалардан олинган қийматларнинг ишончлилик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Лекин бунга ўхшаш методларнинг миқдори ҳаддан ташқари кўпдир. Биз уларнинг энг соддаларигагина тўхталдик, холос.

Тўпланган материалларнинг психологик жиҳатдан сифат таҳлили методи умумий психология учун алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий-тадқиқот методларининг тўртинчи гуруҳи шарҳлаш деб аталиб, генетик ва доналаш методларидан иборатдир. Генетик методи ёрдами билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар яхлит ҳолда мақсадга мувофиқ йўналишда шарҳланади. Мазкур методдан фойдаланишдан асосий мақсад-аввало синалувчида янгитдан вужудга келган шахсга оид фазилатларнинг шаклланиши ва билиш жараёнлари ўзгаришига тажриба натижаларига асосланган ҳолда таъриф ҳамда тасниф беришдир. Шунинг билан бирга инсон руҳиятида янгитдан вужудга келаётган шахс фазилати ва хусусиятининг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи бир машшақатли дақиқага, лаҳзага, санага қўшимча шарҳ бериш имконияти туғилади.

Генетик методига асосланганда шахс руҳиятига ўзгаришлар билан тараққиёт босқичи ўртасида “вертикал” йўналишдаги алоқа манбаи аниқланади. Доналаш методи ёрдами билан тадқиқот объектига кирган шахс психикасига алоқадор барча ўзгаришлар, ўзига хослик, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир,

изчиллик, уйғунлик ўртасида «горизонтал» йўналишдаги муносабат ўрганилади. Жумладан, бошқа одамлар нутқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир даврда бирга қатнашиши бунга ёрқин мисолдир. Мазкур жараёнда ҳар қайси билиш жараёнининг улуши доналанади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилди.

2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.

Ҳозирги замон илм-фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, тадбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охириги йилларида тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерлади.

Амалий ҳамда тадбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари аввало шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга тадбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш тенденциялари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим – тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўтказишлари зурурки, бу тадбирлар охир-оқибат реал самара бериши лозим.

Таъкидлаш зарурки, тадбикий психологиядаги «самара»ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қилади. Яъни бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти ва улардаги резервлардан омилкорона фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар; б) касбий психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў-эътиборнинг малаий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ экнлигини тушуниб етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга уқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқда.

Маориф соҳасидаги амалий ишлар бошқа соҳаларга нисбатан анчагина яхши тажрибага эга. Айниқса, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури қабул қилингандан сўнг ташкил қилинган янги типдаги таълим муассасалари – академик лицейлар ва касб-хунар колледжларига бир нечтадан психологлар штати киритилган ва улар айнан тадбикий муаммолар – боланинг ўқув жараёнига психологик жихатдан тайёрлигини диагностика қилишдан тортиб, касбий ва касб

махоратини ривожлантиришгача бўлган барча муаммоларни ҳал қилишга “аралашади”.

Ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва қонунга зид ҳаракат қилганларни психологик реабилитация қилиш муаммоси ҳам ҳар доим ҳам психолог аралашувини талаб қилиб келган. Чунки жиноятчи ёки ҳуқуқбузар шахси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, уни шакллантирувчи омиллар, мотивлар ва болани қайта тарбиялаш ва реабилитация масалалари ижтимоий психологик жараёнлар моҳиятини билиш ва уларга фаол таъсир кўрсатиш талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамалакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилган ва бу ишда амалиётчи ходим-психологнинг ўрни катта бўлади.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг тадбиқий соҳалари учун умумий нарсаси шуки, бу соҳаларда ишлаганлар аввало яхши психодиагност, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билишлари ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор- яъни, аниқланган муаммо ёки “оғишни” тузатувчи моҳир профессионал бўлишлари кераклигини тақазо этади.

3. Психологиянинг тармоқлари

Психология фанини муайян соҳаларга бўлишда аниқ, яққол фаолиятининг психологик томони, инсоннинг жамиятга нисбатан психологик муносабати, тараққиётининг психологик жабҳаси асос қилиб олинган. Қуйида психология соҳаларининг тавсифига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Умумий психология-умумий психологик қонуниятлар,

механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, назарий ва методологик принциплар, илмий тадқиқот методлар, психиканинг фило ва онтогенетик ўзгаришларини, илмий тушунчалар ва категориялар, билиш жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқот қиладиган соҳа.

Экспериментал психология- экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш асосий роль ўйнаган. XIX асрнинг ўрталарида психологик ҳодисалар устидан илк бор амалий экспериментал психологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу физиологик лабораторияларда элементар функцияларни ўрганиш орқали, яъни илк бор сезги ва идрокни ўрганиш билан бошланган. Бу тадқиқотлар экспериментал психологиянинг фалсафа ва физиологиядан мустақил, алоҳида фан сифатида вужудга келишига муҳим асос ва объектив шарт-шароит яратиб берган.

Меҳнат психологияси-инсоннинг меҳнатга муносабати, меҳнат фаолиятининг қонуниятлари ва ривожланишини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Меҳнат психологиясининг объекти ишлаб чиқаришда ва меҳнатда шахснинг фаолияти, уни ишдан бўш вақтининг, дам олишининг ишлаб чиқаришга таъсирини ҳам текширган. Меҳнат унумдорлигига ишчини боқиш учун кетган сарфлар миқдори кўп бўлса, унга қанча қулай шарт-шароит яратилса, шучалик ижобий таъсир юзага келади. Шу асосда юқоридаги фанлар меҳнаткашга психологик илиқ муҳит яратиш учун меҳнат психологиясига ёрдам беради.

Авиация психологияси-авиасаноат ва авиахизматчиларнинг меҳнат фаолиятида кечувчи психологик қонуниятларни ўрганади. Авиация психологиясининг предмети мураккаб авиация тизимини бошқаришдаги инсон психикасининг ролини текширишдан иборат. Авиация психологияси объекти шахс фаолияти, жамоа тузилишини

ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳисобланади. Авиация психологияси субъекти учувчилар, муҳандис, техник хизмат кўрсатиш таркибини ташкил этувчи стюардессалар ва бошқалар.

Муҳандислик психологияси-инсон ва машина ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини ва инсоннинг машина билан муносабати жараёнининг психологик қонуниятларини тадқиқот методлари ёрдами билан ўрганувчи психология соҳаси.

Космик психология-вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмда жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психологик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси

Экстремал психология-инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятининг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси. Экстремал шароитда инсонга бир қанча факторлар таъсир қилади: монотония, макон ўзгариши, хавф омили, вақт, шахсий аҳамиятга молик ахборотнинг ўзгариши, ёлғизлик, гуруҳий изоляция ва ҳаётий хавф. Экстремал шароитга инсон мослашининг биологик вазифаси экстремал шароитда ишловчиларни танлаб олиш (космос, арктика, ёнғин ва ҳоказо), машқлантириш, тренинг ўтказишдан иборат.

Педагогик психология-тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланиши, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади. Педагогик психологиянинг мақсади-

Ўқитишнинг оқилона ривожлантирувчи таъсирини, шарт-шароит ва бошқа психологик факторлардан келиб чиққан ҳолда кучайтиришдир.

Тиббиёт психологияси-касалларнинг даволаниши, гигиена, профилактика, диагностика жабҳаларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Тиббиёт психологиясида тадқиқотлар тизимига касалликларнинг кечиши, уларнинг шахс психологиясига таъсири қонуниятлари, инсоннинг касалликдан соғайишига микросоциал гуруҳ таъсири ўрганилади. Тиббиёт психологияси ўз ичига клиник психология, патопсихология, нейропсихология, соматопсихология каби бўлимларни қамраб олади. Тиббиёт психологияси таркибига психотерапия соҳасини шам киритадилар. Тиббиёт психологиясининг асосий муаммоси касалликни даволашнинг инсон психологиясига таъсирини тадқиқ қилишдир. Унинг асосий муаммоси инсоннинг психологиясига ижобий таъсир қилувчи ва шу билан даволанишни тезлаштирувчи, ижобий даволаш муҳитини ташкил қилишдир. Психик ҳодисалар билан мияга физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган соҳа-нейропсихология. Доривор моддаларнинг киши психик фаолиятига таъсирини текширадиган соҳа- психофармокология. Беморларни даволаш учун психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа- психопрофилактика.

Юридик психология-ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи психология соҳаси. Экспериментал психология таъсири остида XX асрнинг бошларида юридик психология соҳасида илк лаборатория

тадқиқотлари ўтказилган. Бу тадқиқотчилар гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва сўроқ олиб бориш асосларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Юридик психолог сифатида ёзувчи А.К.Дойлнинг қахрамони Шерлик Холмсни аташ мумкин. Юридик психология бўйича тадқиқот ишлари ўша вақтларда Г.Гросс, К.Марбе, В.Штерн, К.Юнг ва бошқа психологлар томонидан олиб борилган. Кейинчалик юридик психологиянинг ўзига хос тадқиқот йўналишлари вужудга келди: жиноятчилар шахсини тадқиқ қилиш, гувоҳлик кўрсатувчилар кўрсатмаларини текшириш, суд психологияси экспертизасининг назарий ва амалий томонлари ишлаб чиқилган. Юридик психология умумий психологиянинг методлари ва ўзига хос уларнинг шакллари кўллайди. Ҳозирги замонда унинг бир қанча билимлари мавжуддир: криминал психология, суд психологияси, жиноятчиларни қайта тарбиялаш психологияси, яъни пенитенциар психологияси ёки ахлоқ тузатиш меҳнат психологияси кабилар.

Ҳарбий психология-ҳарбий фаолиятининг инсон психикасига таъсири, ҳарбий фаолиятнинг хусусиятларини психологик қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Жангчи шахсининг психологик факторларини текшириш- ҳарбий психологияснинг асосий муаммоларидан биридир.

Спорт психологияси-спорт мусобақалари ва машқланиш фаолиятида инсон психикасининг ривожланиши, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси.

Савдо психологияси-жаҳон мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, тижорат таъсирининг психологик негизлари, объектив ва

субъектив шарт-шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайдиган соҳа.

Ижодиёт психологияси-бадий қадриятларни ўзлаштиришда, уларнинг янги кўринишларини ижод қилишда ва шу қадриятлар инсон томонидан идрок қилишда кечадиган психологик ҳолатларни ҳамда бу ҳолатларнинг шахс ҳаёти, фаолиятига таъсирини ўрганувчи психология соҳаси.

Ёш психологияси- шахснинг психик ривожланиш қонуниятларини инсон туғилишидан то умрининг охиригача бўлган даврни, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси.

Махсус психология- нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган нуқсонлар, дефектлар таъсири остидаги инсонларнинг психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси.

Қиёсий психология- психологиянинг мураккаб бўлимларидан бири бўлиб, психиканинг филогенетик ҳолатлари ва уларнинг шакллари тадқиқ қиладиган соҳаси. Қиёсий психологияда ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутлар сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи кучлар, таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади.

Зоопсихология қиёсий психологиянинг бўлимидан иборат бўлиб, у турли гуруҳларга, турларга мансуб ҳайвонлар, жониворлар психикасини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганади. Этология- биологик ва психологик жабҳалар қоришмасидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатидаги туғма аломатлар, механизмлар инсонники билан умумий негизга эга эканлигини ўрганувчи соҳа

Дифференциал психология-шахслар ўртасидаги тафовут ва

фарқларни ҳамда гуруҳ аъзолари орасидаги номутаносибликларнинг психологик томонларини, яъни психологик фарқларини ўрганувчи психология соҳаси.

Психофизиология-одамларнинг индивидуал психологик ва психофизиологик фарқларини тадқиқ қилувчи, психиканинг генетикасини ўрганувчи психология соҳаси.

Ижтимоий (социал) психология-одамларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини, бу гуруҳий тавсифни, шахснинг гуруҳий фаолияти ва хулқ-атворини, ижтимоий психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижтимоий установка кабиларни тадқиқот қилувчи психология соҳаси.

Социал психология бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади: дин психологияси, оила психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳ психологияси, катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, этнопсихология ва бошқалар.

Дин психологияси-психологик ва ижтимоий психологик омилларнинг диний онг билан шартланганлигини, диннинг инсонга таъсирини ўрганувчи психология соҳаси.

Сиёсий психология-жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир ўтказиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

Оила психологияси-оиланинг психологиясини ўрганувчи фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳа.

Бошқарув психологияси-жамиятда фаолият кўрсатаётган шахслар, гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги ишлаб чиқариш

билан боғлиқ бўлган назорат, баҳолаш, муносабат қонуниятларини, раҳбар фаолияти ва характери, қобилияти хусусиятларини тадқиқ қиладиган ижтимоий психологиянинг соҳаси.

Фан психологияси- илмий тадқиқот ўтказишнинг самарадорлигини ошириш учун психологик таъсир омилларини ўрганувчи психология соҳаси.

Компьютерлаштириш психологияси- компьютернинг ишлаб чиқаришдаги роли, психик акс эттиришга таъсири, шахс тузилишининг ўзгаришини ўрганувчи психология соҳаси.

Парапсихология-ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади. Экстросенсорика-ўта сезувчанлик, телепатия-фикрни масофага узатиш, келажакка башорат қилиш ва ҳоказо.

12.- Мавзу. Шахс фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш. Ижтимоий ҳуққ мотивацияси.

1. 1. Шахс ва унинг фаоллиги, фаолият турлари.
2. 2. Ижтимоий ҳуққ мотивлари ва шахс мотивацияси.
3. 3. Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида
4. Шахснинг установаки ёки англанилмаган майллари

1. Шахс ва унинг фаоллиги, фаолият турлари.

Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатни мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият бу унинг фаоллигидир. Фаоллик (лотинча *actus* – ҳаракат, *activus*- фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётидаги барча ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

1. Ташқи фаоллик – бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.
2. Ички фаоллик – бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (миддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳз ичига олади.

Шахс ўзининг фаоллиги билан ҳайвонот олаmidан фарқли ўлароқ ажралиб туради, мазкур ҳаракатлантирувчи куч (фаоллик) илк болалик ёшидан эътиборан ижтимоий тарихий тараққиёт давомида

тўпланган инсониятнинг тажрибасига ва жамиятнинг қонун-қоидаларини эгаллашга йўналтирилган бўлади. Узоқ даврлар давом этган махсус жараённинг таъсирида содда тарздаги хатти-ҳаракатда фаоллик устуворлик қилганлиги туфайли ўзининг юқори босқичига ўсиб ўтиб, янгича мазмун, моҳият, шакл ва сифат кашф этган. Фаоллик негизида пайдо бўлувчи ўзгача сифатни, ўзига хосликни эгаллаган хатти-ҳаракатнинг юксак кўриниши, фақат инсонгагина тааллуқлилиги орқали у психология фанида фаолият деб номлана бошланди. Фаолият фаолликнинг шахсга хос тури сифатида вужудга келиб, у ўзининг психологик аломатлари билан хатти-ҳаракатдан тафовутланади. Унинг фарқли аломатлари тавсифи юзасидан мақсадга мувофиқ мулоҳазалар юритиш айтиш мумкин.

Биринчидан, фаолиятнинг мазмуни тўла-тўқис уни юзага келтирган табиий, биологик ва маънавий эҳтиёж билан шартланмаганлиги туфайли унинг психологик механизми ҳам ўзгача негизга қурилиши мумкин. Мабодо эҳтиёж мотив (лотинча *motiv* туртки, ҳаракатга келтирувчи деган маънони англатади) сифатида фаолиятга ички туртки бериб, уни жадаллаштиришга, фаоллаштиришга эришса, у вазиятда фаолиятнинг мазмуни, шакллари ижтимоий: шарт-шароит, талаблар, зарурият, тажриба каби билан белгиланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўтиш жоизки, инсонни меҳнат қилишга ундаган мотив моддий овқатга нисбатан эҳтиёж вужудга келиши туфайли туғилиши ҳодисаси муайян даражада учраб туради.

Иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминлаш учун психика нарсаси ва ҳодисаларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши, қўйилган мақсадга эришиш йўл-йўриқларини аниқлаб бериши жоиз.

Учинчидан, фаолият шахснинг ҳулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, юзага келган эҳтиёжларни ва

ёрдамга мухтожлиги йўқ фаолликнинг имконини берадиган бошқаришни уддалаши лозим. Шунинг учун фаолият билиш жараёнларисиз, иродавий зўр беришсиз амалга ошиши амри маҳол, чунки у ҳар иккала омил билан узвий алоқага киришганидагина яратувчанлик хусусиятини касб этади, холос.

Одатда фаолиятга таъриф берилганда, биринчи галда англашилган мақсад билан бошқарилиши, сўнгра психик (ички) ва жисмоний (ташқи) фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ушбу белгилар фаолият таърифини мукаммал тарзда очиб беришга қурби етади, деган гап эмас, албатта.

Энциклопедия, изоҳли луғат ва лингвистик сўзликлардаги маълумотлар, илмий матнлар таҳлилининг кўрсатишича, фаолият тушунчаси фалсафа, физиология, социология, психология фанлари предметидан келиб чиқиб, ўзаро қоришиш оқибатида меҳнат, иш, активлик, ҳуққ сингари тўрт хил тавсифга эга бўлган.

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. +илинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага – предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ҳзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ҳзгаришлар қилиш орқали, билимлар захирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан нималарга йўналтирилганлигига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади.

Борлиқдаги қарийб барча нарсалар, муносабатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар, тузилмалар бир-бири билан доимий боғлиқликка эга

бўлиб, муайян қонуният асосида ҳаракатланади, бу ҳолатдан иккинчисига ўтади. Шунинг учун идишдаги сув қайнатилса бугга айланади, ҳарорат пасайса, у музлайди, ҳаво исиганида эса муз эрий бошлайди, баҳор кетидан ёз келади, нарсалар ишқаланса қизийди ва ҳоказо. Худди шу боис объект билан ҳодиса ўртасидаги ўзгармас, барқарор муносабатлар, объектнинг муҳим хусусиятлари ҳодисанинг қонунияти дейилади. Уларда ўзгармас хусусиятлар ва қонуниятларнинг мавжудлиги ўзгаришларни олдиндан пайқаш, ҳаракатларни мувофиқ йўналтириш имконини вужудга келтиради. Ташқи, яққол фаолият фавқулоддаги даврда ички тимсолий (психик) фаолият тарзида ҳис этилади. Объектларга йўналтирилган яққол ҳаракатлар уларнинг муҳим хусусиятларига мўлжалланган тимсолий жараён билан алмаштирилади. Худди шу сабабдан ташқи, яққол ҳаракатдан, ички, тимсолий ҳаракатга мана шу тарзда ўтиш жараёни интериоризация (ички тарзга айланиш) деб аталади. Интериоризация муаммоси рус олимлари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва уларнинг шогирдлари томонидан турли жабҳаларда тадқиқот қилинган. Интериоризация шарофати билан инсон психикаси муайян вақт оралиғида унинг идрок майдонида йўқ нарсаларнинг тимсоли (образи)дан фойдаланиш қурбига эга бўлди. Шу нарса маълумки, бундай ўзгаришларнинг муҳим қуроли бўлиб сўз, ўзгариш воситаси сифатида нутқий фаолият хизмат қилади. Шунинг учун сўзларни тўғри ишлатишга одатланиш фавқулодда буюмларнинг муҳим хусусиятларини ахборотидан фойдаланишнинг усулларини ўзлаштириш демакдир.

Инсон фаолияти мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас, балки кўпинча жамиятнинг мақсади ва талаблари билан белгиланади. Худди шу боисдан қўйилган мақсаднинг англанилганлиги ва унга эришиш бўйича иш ҳаракатлари

тажрибаси англанганлиги ва унга эришиш бўйича иш ҳаракатлари тажрибаси билан боғлиқ эканлиги инсон фаолиятининг ўзига хос белгиси бўлишини тасдиқлайди.

Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган саъи-ҳаракатлар ички (психик) жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради. Шунингдек, ташқи жабҳа ўз навбатида: а) психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятларини ўзида намоён қилади; б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади; в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади; г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради. Шунга мувофиқ равишда ташқи, яққол фаолиятни ҳам ички (психик) фаолиятнинг экстериозациялашуви (ташқи тарзга айланиши) деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

2. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси.

Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ҳзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз-ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс халқ-атворини тухунтириш учун психологияда мотив ва мотивация тушунчалари ишлатилади.

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқланувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашди.

Бихевиаризмнинг асосчиси Д.Ж. Уотсон (1878-1938) психология фанини бош вазифаси хулқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ҳодисалардан мутлақо воз кечиб, хулқни икки шаклга, яъни ички ва ташқига ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун «хулқ» асосий тушунчага айланиб, унинг психикаси билан алоқаси четлаб ўтилгандир. Шунга қарамасдан, баъзи

бихевиаристлар, жумладан Э.Торндайк, Э.Толмен, К.Халл, Д.Хебб кабилар хулқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида хулқ мотивациясининг «қуйи даражалари» ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятлар очишга интиланлар. Ҳозирги замон бихевиористлари стимулни ташқи кўзғатувчи сифатида талқин қиладилар ва организмнинг ички энергиясини фаоллаштирувчи деб ҳисоблайдилар. Необихевиористик назариялар янги кўзғатувчилар, доайвалар пайдо бўлишига асосланган бўлиб, улар инсоннинг органик эҳтиёжларини қониқтириш билан стимул натижасининг уйғунлашуви тариқасида таҳлил этилади. Уларнинг таъкидлашига кўра, иккиламчи кўзғовчилар органик кўзғатувчиларнинг гўёки қобиғига ўхшайди, холос.

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация ортганлик равишда инсон майлларига хосдир, деган ғоя ётади. Уларнинг манбаи майлни акс эттирувчи қайсидир органдаги ёки унинг қисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

З.Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. Онгсизли таълимотининг асосчиси З.Фрейд хулқ мотивлари ва эҳтиёжлари муаммосини ишлаб чиқаётир, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сақланиш шартидир деб тақдирлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенция сифатида талқин этади. Энг асосий масала шуки, З.Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида «у» тушунчасига қандай маъно юкламоқчи. Унингча, «у» тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу боис мантиқ қонунлари ва ақл даражалари, кўрсаткичлари унга ҳеч қандай аҳамият касб этмайди

Мотив кенг маънода хулқ-атвор детерминацияси белгиланишига қарамай, кўпгина чет эл тадқиқотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талқин қилиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоки улар шартсиз рефлектор актларининг миқдорини, аффектив, стресс ва

экспрессив реакцияларни мотив тизимига киритмайдилар. Бир қатор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соф маънодаги энергетик биоқувват фаоллигининг манбаи сифатида талқин қилиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равишда тушунтиришга интиладилар.

Собиқ совет психологлари мотивларни тушунтиришда ва унинг таркибий қисмларини белгилашда динамик ва маъновий (маънавий) томонларининг уйғунлигидан келиб чиққан ҳолда талқин қиладилар.

С.Л.Рубинштейн мотивнинг психологик моҳияти тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: мотивация – бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир; мотив – бу шахс хулқ-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс этиш демакдир. Бизнингча, шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлиқ билан узвий алоқада бўлади. Инсоннинг хулқ-атвори (хулқи)ни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди. Мотивнинг тузилиш (структуравий) таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал ҳолати (ҳис-туйғуси), қобилияти, ички кечинмалари, фаолияти ва билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунингдек, бир қатор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивларининг динамик томонлари асосини ташкил қилади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф динамик хусусиятли тавсифларни ташкил қилса, қолганлари эса фақат динамик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабҳаларини ҳам юзага келтиради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мотивларнинг ривожланиши,

мотивлашган янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, фаолият муҳити доирасидаги ўзгаришлар туфайли амалга оширилади. Мотив механизми шахс сифатларини қайта қуриш, уларни ривожлантириш жараёнининг фаоллашуви тарзида юзага чиқади, шу билан бирга инсон камол топиш жараёнига, фаолият муҳити ва шароити аста секин ёки тез ўзгариши – мотивларнинг такомиллашуви, барқарорлашуви каби омилларга таъсир этади. Инсонни меҳнат фаолиятида қайта тарбиялаш ва муайян фазилатларни шакллантириш юқоридаги мулоҳазалар моҳиятидан иборатдир. Бу ўринда фаолият фаол вазият ҳисобланиб, мавжуд эҳтиёжлар, қизиқишлар доирасидаги психологик ҳолатлардан узоқлашиб боради, сўнгра янги қизиқиш, эҳтиёж ва интилишларни шакллантиради, мотивлар моҳияти ва шаклларни ўзгартиради.

Ушбу мулоҳазани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мотивациянинг фаолият даражасидан ташқари чиқиши эҳтимоли ёки фаолиятнинг мотивация доирасидан ташқари чиқиши имконияти тўғрисидаги талқинлар нисбий хусусиятга эга. Бинобарин, мотивация фаолиятдан ташқарида ва фаолият эса мотивациядан алоҳидаликка эга деган хулосага келмаслик мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатни яққолроқ намоиш қилиш ниятида қуйидаги ҳаётий ҳақиқатга мурожаат қиламиз. Ҳар бир талаба олий мактабга ўқишга кираётганида унда диплом олиш мотиви пайдо бўлади, ўқишга жойлашганда эса ўқув предметларини ўзлаштириш жараёни ўқишга нисбатан интилиш, эҳтиёж, қизиқиш, сафарбарлик каби психик омиллар юзага келади.

3.Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида

Психологик нуқтаи назардан борлиқ тўғрисида мулоҳаза юритилганда, тирик мавжудодларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабгача) теvarак- атроф билан ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб

турувчи фаолияти (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъи назар) уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият ҳисобланади. Уларнинг фаоллиги туфайли мураккаб тузилишли фаолият юзага келиб (онгликнинг маҳсули сифатида), турли-туман моҳиятли, ҳар хил кўринишдаги эҳтиёжлар (уларнинг тоифаларга алоқадорлиги, келиб чиқиши жиҳатидан биологик, моддий, маънавий ва бошқалар)ни қондириш учун хизмат қилади. Худди шу боисдан фаоллик фаолиятининг асосий механизмларидан биринчи бўлиб, тирик мавжудодларнинг ўз имконияти даражасида ташқи олам таъсирларига жавоб қилиш уқувчанлигининг таркиби саналади.

Борликдаги жонли мавжудодларнинг ўзига хос тарзда, муайян йўналишда, маълум даражадаги куч билан хатти-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар улар учун фаоллик манбаи вазифасини бажаради. Психологик манбаларга асосланиб фикр юритганимизда, эҳтиёж-жонли мавжудод (ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларига унинг шуларга тобе эканлигини ифода этувчи ва мазкур шарт-шароитларга нисбатан фаоллигини намоён қилувчи ҳолат тариқасида ифодаланади.

Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудодлардан туб даражада ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан тафовутга эга бўлиб, юзага келган эҳтиёжларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Жумладан, мавжудодлар ва ҳайвонлар ўзларининг танаси ва унинг аъзолари тузилишига, инстинктларнинг турли-туманлигига биноан, ўз ўлжасини тутиб олишга нисбатан интилишни вужудга келтирувчи табиий имконияти уни олдиндан пайқаш сезгирлиги орқали зудлик билан фаол ҳаракат қилади. Ҳайвонлар эҳтиёжларининг қондирилиши жараёни қанчалик мақсадга мувофиқ равишда кечган бўлса, бу эса ўз навбатида, уларнинг қуршаб олган

яшаш муҳитига енгиллик билан мослашувини таъминлайди. Масалан, асалари хатти-ҳаракатининг туғма, ирсий дастури унинг гулшира (нектар) йиғиш эҳтиёжлари билан чекланиб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш объектлари (гулларнинг навлари, уларнинг узоқ ва яқинлиги, қайси томонда жойлашганлиги, мўл-кўллиги кабилар ҳам) акс этади. Шу боисдан мавжудодларнинг эҳтиёжларида уларнинг фаоллиги омили сифатида табиий аломатлар, инстинктлар, шартсиз рефлекслар ва ҳоказолар бевосита қатнашади.

Лекин инсонларнинг фаоллиги ва уларнинг фаоллиги манбаи ҳисобланмиш инсоний эҳтиёжлар тубдан бошқача манзарага эга бўлиб, биологик шартланганликдан ташқари, моддий ва маънавий кўринишлардан иборатдир. Одамнинг эҳтиёжи унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба, кўникма малака, одат, маънавият, қадриятлар билан яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Табиат томонидан вужудга келтирилган жисм, нарса, буюм инсон учун биологик эҳтиёжни қондирувчи ўлжа маъносини ва аҳамиятини йўқотади. Одам бошқа мавжудодлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг хусусий эҳтиёжларига хизмат қилувчи муайян буюмни зарурият талабига биноан тубдан қайта ўзгартиришга, такомиллаштиришга қодир онгли зотдир. Худди шу боисдан одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тарихий тараққиёт даражаси билан ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилганлиги, маълум режага асосланган ижодий кўриниши сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

«Инсониятга хос бўлган эҳтиёжларнинг мазмуни, шакли ва қондирилиши» усули ижтимоий тарихий тараққиёт даврида

ривожланиб, ўзгариб ва такомиллашиб боради. Ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши аجدодларникидан ҳам, авлодларникидан ҳам тубдан фарқланади, лекин этнопсихологик хусусиятлар таъсири ўз аҳамиятини етарли даражада йўқотмайди. Шахснинг эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш уни комил инсон сифатида камол топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланса-да, лекин бу унинг устувор эканлигини билдирмайди, чунки бошқа таъсирчан омиллар ҳам мавжуддир. Камолотга эришишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланмиш меҳнат инсоннинг эҳтиёжига айланмаса, у ўз эҳтиёжларининг енгил, осон йўллар билан қондиришга ҳаракат қилса, инқирозга учрайди. Енгил йўл билан ўз эҳтиёжларини қондириш ижтимоий қонун ва қоидаларга зид хулқ-атвор манбаига айланишига, жиноий хатти-ҳаракат келиб чиқишига, текинхўрлик иллатининг намоён бўлишига замин ҳозирлайди.

Ҳуқуқий, демократик жамият кишиси шахсини шакллантиришга нисбатан қўйилаётган энг муҳим талаблардан бири-унда меҳнат қилиш эҳтиёжини, меҳнатдан фахрланиш туйғусини ва ундан лаззатланиш ҳиссини таркиб топтиришдан иборатдир. Меҳнатга нисбатан эҳтиёжнинг вужудга келиши саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, меҳнат фаолияти умумдорлигини ошириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш имкониятини яратади ва фақат меҳнатдагина ўз имкониятини намоён этувчи, бунёдкор, ватанпарвар, фидоий шахсларни шакллантиради. Кишиларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондирувчи, баъзан оғир ва зерикарли туюлган меҳнат тури ватанпарвар, комил инсонликка интилувчи шахс учун қувонч,

қониқиш, ҳатто роҳат-фароғат ҳис-туйғуларининг манбаига айланиши мумкин.

Юксак малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган «Таълим тўғрисида» ги қонунда ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўқувчилар ва талабаларнинг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтирилишига алоҳида аҳамият берилгандир. Республика фуқароларида маънавий эҳтиёжларни вужудга келтириш ва шакллантириш истиқлол шарофати билан муҳим аҳамият касб этиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим бўғинига айланди. Ҳуқуқий, демократик жамиятнинг асосий вазифаларидан бири- инсоний эҳтиёжларни таркиб топтириш, уларни баркамол шахс камолотига йўналтириш, маънавиятни эгаллаш билан узвий боғлаб амалга оширишдан иборатдир.

4. Шахснинг установаки ёки англанилмаган майллари

Психология фанида хулқ-атвор ва фаолиятга қаратилган англанилмаган майллар орасида муайян даражада тадқиқ этилгани установа (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) муаммоси ҳисобланади. Ушбу умумий психологик масала грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг шогирдлари томонидан кенг кўламда ўрганилгандир.

Установа инглизча set дейилади, ўзбек тилида эса кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида қўлланилиб келинади. Лекин кейинги атамалар унинг ҳақиқий моҳиятини, маъносини ўзида мукамал акс эттирмайди, шунинг учун терминни ҳеч ўзгаришсиз қолдирса ҳам бўлади.

Одатда установа деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установа шахснинг ўзи англаб етмаган муайян

рухий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намояндалари томонидан аниқланган. Мазкур тажрибада синалувчига иккита, биттаси катта, иккинчиси эса кичикроқ соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмуқ ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, барабар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (нотўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай психологик воқеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жиҳатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир бирига тенг эмас, деган майл билан фавқулодда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийроқ қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н.Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятини ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н.Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг кўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охириги босқичида синалувчининг чап кўлига бир-бирига тенг соққалар берилади. Бунинг натижасида унинг чап кўлида ҳам иллюзия, яъни нотўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш эвазига инсонинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян

объектларда субъектга тааллуқли «фиксал установкалар» (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида англанилмаган майллар аста-секин қайд қилинувчи (фиксацион) даражасига ўсиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н.Узнадзенинг натижаларига ўхшаш қатор маълумотлар шахсда мустахкамланиб қолганлиги туфайли установка функцияларини бажариб келмоқда: 1) бошланғич синф ўқувчиларининг олдида турган установкалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар; 2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик; 3) олимларга нисбатан паришонхотирлик; 4) савдо ходимларига нисбатан уддабуронлик, даромат қилишга устаси фаранглик; 5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги; 6) қариянинг сўзи тугагунча-ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр мулоҳазалар установкага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установкага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, этник расм-русумлар ҳам установкага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установкаларига беморнинг риоя қилиши ирқчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёлиларга берилган супер (орттирма) баҳолар ва бошқалар установканинг англанилмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шунини таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун англанилмаган установка ўз позициясини аниқ намоёниш қилишда эътиқот сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тариқасида акс этади.

Психоз ва неврозлар установканинг патологик ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, установка инсон ҳукмронлигини ва қудратини ташкиллатиришнинг юксак даражаси саналади. У хулқ-

атворининг батартиблиги ва изчиллигининг асоси ҳисобланади.

Установканинг юксакроқ босқичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёрқин мисолдир ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, хулқ-атвориға бевосита боғлиқ. Бу ҳолат психологияда экспериментал тарзда тадқиқ этилган. Масалан, синалувчиларға маълум вақт оралиғида соатига қарамай, секундларини ўз ичида санаш орқали бир минутнинг чўзилишини аниқлаш имкониятига эга бўлганлар. Кейинчалик бу санаш сигнал бериш билан текширилиб турилган, баъзан «ёлғон» сигналлар, яъни лампочка ёниш билан тажриба бўлинишга йўл қўйилган. +атнашчиларда экспериментаторға ишонч бўлганлиги сабабли хатоларға йўл қўйишган.

Ишонувчанликни аниқлашда «конформизм» (келишув, муроса-ю, мадора) дан фойдаланилган. Ички ва ташқи келишувчанлик (конформизм),ичдан келишмовчилик (ноконформизм) гуруҳий ишонувчанлик моҳиятини ўрганиш учун объект сифатида фойдаланишган. Бир гуруҳ одамларнинг очик овоз бериш конформизмнинг намоён бўлишидир. Лекин конформизм «сохталик»ни ҳам келтириб чиқариш мумкин, унинг акс эттирувчиси эса конформист деб аталади, кўпинча идеаллардан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг англанилмаган омиллари қаториға майллар киради. Ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан ташкил топган хулқ-атвор ва фаолиятини амалға оширишға ундовчи омил майл деб аталади. Мойиллик ҳолатиға кириб бораётган шахс учун жалб қилаётган объектида уни нима қизиқтираётгани ва қайси аломат ўзига тортаётгани сабаби ноаниқлиги.

Фаолият мақсади субъектига номаълумлиги туфайли майл ҳукм суради. Бундай психик ҳолат инсонларда тез-тез учраб турса-да, лекин ўзининг тезкор ўткинчилиги билан бошқа воқеалардан ажралиб туради. Одатда ушбу моҳиятли психик ҳолатни ҳаракатлантирувчи эҳтиёж сўниши ёки тилакка айлантириш мумкин. Бинобарин, у хоҳиш, ният, орзу, фантазия каби шаклларга айлантириш туфайли шахс томонидан англанилади. Бундай шаклдаги майлларнинг одамларда мавжуд бўлиши уларнинг яқин ва узоқ келажакка интилишлардан далолат беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлик, ҳар қандай англанилмаган майллар ўзидан ўзи йўқолиб кетмайди, балки улар бир босқичдан, кўринишдан иккинчи турга, шаклларга алмашади, мутлақо бошқача янги сифатга эга бўлади. Улар мақсадга, талабга ўсиб ўтиши билан англанилганлик даражасига эришади. Кўнгил ғашлик, руҳан безовталаниш, номаъум хатти-ҳаракатлар сабаби инсонга номаълум бўлса, улар англанилмаган даражада эканлигини билдиради ва майл функциясини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.**
- 2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,**
барқарорликшартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
- 3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.**
Т., «Ўзбекистон», 1999.
- 4. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология ЎзМУ 2002 йил**
- 5. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т., 2000й**

6. **«Психология». Маърузалар матни. 2000 йил.**
 7. www.public.ru
 8. www.subscribe.ru
 9. www.psy.piter.com
 10. www.ideology.ru
 11. www.psi.lib.ru
- <http://humanities.edu.ru/db/sect/144/20/298/>

13-Мавзу. Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш жараёнлари ва уларнинг адекватлиги (Сезги, диққат, идрок ва хотира жараёнлари).

1. Сезги жараёни ҳақида умумий тушунча ва сезги турлари.
2. Диққат жараёни тўғрисида умумий тушунча ва диққат турлари.
3. Идрок ҳақида умумий тушунча ва идрок хусусиятлари.
4. Хотира жараёни тўғрисида умумий тушунча ва хотира турлари.

1. Сезги жараёни ҳақида умумий тушунча ва сезги турлари.

Жаҳон психологияси фанида тўпланган маълумотларнинг кўрсатишича, сезиш оддий психик билиш жараёни ҳисобланиб, моддий кўзғатувчиларнинг муайян рецепторларга бевосита таъсир этиши орқали реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини ва шунинг билан бирга, инсон организмнинг (унинг аъзоларининг) ички ҳолатларини акс эттиришдан иборат билишнинг дастлабки босқичидир. Сезги биосфера ва ноосферада ҳаракатланувчи жамики нарсаларнинг, хоҳ микро, хоҳ макро тузилишидан қатъий назар, сезги органларига таъсир қилиш маҳсуласининг содда образлар, тимсолларнинг айрим таркибий хусусиятлар тариқасида акс этишидир. Инсон атроф-муҳитдаги моддалар шаклини, ҳаракатлар кўринишини, уларнинг хоссаларини ўзига хос хусусиятларини сезги органлари ёрдамида, сезгилар орқали билади, холос.

Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички кўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир. Маълумотларнинг кўрсатишича, сезгилар моддий (объектив) борлиқнинг, воқеиликнинг ҳаққоний тасвирини инъикос қилади, бинобарин моддий олам қандай кўринишга, шаклга, хусусиятга эга

бўлса улар худди шундайлигича ҳеч ўзгаришсиз, айнан акс эттириш имкониятига эгадир.

Психологияда сезгиларнинг физиологик асосини ва механизмларини қўзғатувчиларнинг ўзига мутлақ мос (адекват) бўлган анализаторлар таъсири натижасида юзага келувчи асаб (нерв) жараёни, унинг тизими, тузилиши ташкил қилади. Физиологлар ва психологларнинг таълимотларига кўра анализаторлар уч ўзаро узвий уйғунликка эга бўлган таркибий қисмлардан иборатдир. Содда қилиб талқин қилинганда мазкур таркиблар қуйидаги кетма-кетликдаги тузилишдир:

- 1) ташқи куч-қувватни (энергияни) асаб (нерв) жараёнига айлантириб берувчи периферия қисмдан, яъни рецептордан;
- 2) анализаторларнинг периферия қисмини марказий қисм билан боғловчи афферент (марказга интилувчи асаб толаси), ўтказувчи асаб йўлларидан;
- 3) периферия қисмларидан келувчи нерв импульслари (ҳаракатлари) қайта ишланувчи анализаторларнинг мия пўстидаги қисмларидан (участкаларидан) иборатдир.

Бошқача сўз билан айтганда, периферик нервларнинг учлари (кўз, кулоқ, тери, бурун кабилар), таъсиротни элтувчи (афферент), жавоб қайтарувчи (эфферент) нерв толалари, анализаторларнинг орқа ва бош мия марказлари анализаторни ташкил қилади.

Жаҳон психологияси фанининг сўнгги ютуқлари ҳамда атамаларига биноан сезгилар қуйидагича классификация қилинади (ушбу таснифланишнинг дастлабки кўриниши инглиз олими Ч. Шеррингтонга таалуқлидир):

1) ташқи муҳидаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган ҳамда рецепторларга тананинг сиртки қисмига жойлашган сезгилар, яъни экстериорецептив сезгилар (рецепторлар);

2) ички тана аъзолари ҳолатларини инъикос этувчи ҳамда рецепторлари ички тана аъзоларида, тўқималарида жойлашган сезгилар, яъни интерорецептив сезгилар;

танамиз ва гавдамизнинг ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида маълумот (ахборот, хабар) берувчи, мускулларда, боғловчи пайларда, мушакларда жойлашган сезгилар, яъни проприорецептив сезгилар.

Сезгининг носпецифик шакли – терининг фото сезгирлиги рангларнинг нозик жилоларини ажратиш, қўл учлари билан сезиш орқали рўёбга чиқади. Терининг фото сезгирлиги А. Н. Леонтьев томонидан кашф қилинган бўлиб, бу нарса кўпгина ҳолатларга оқилона ёндашиш имкониятини вужудга келтиради. Ушбу кашфиёт қўл учига яшил ва қизил рангли ёруғлик юбориш орқали дунё юзини кўрган. Ранг сигналларининг оғриқ қўзғатувчилар билан муносабати қиёсий жиҳатдан олиб борилганда, инсонни фаол мўлжаллаш (ориентирлаш) жараёнида унинг қўл учи терисига келиб тушадиган ранг нурларини фарқлашга ўргатиш мумкин экан.

Психология фанида тренинг фото сезгирлиги табиати ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ. Шунга қарамасдан, таламитик тизим ва пўст остининг қўзғалганида асаб тизими ҳамда тери эктодермларидан келиб чиққан, атрофга ёйилган (тарқалган), рудиментлар ёруғлик сезиш элементлари махсус шароитда муаффақиятли ҳаракат қилади. Кўпинча “олтинчи туйғу, ҳиссиёт” шарофат билан инсон томонидан “масофа”ни сезиш, кўр одамларда тўсиқни ҳис қилиш ушбу жараён учун ёрқин мисол бўла олади. Эҳтимол, юз терисининг иссиқ ҳаво тўлқинларини

идрок қилиш, тўсиқ оралиғида мавжуд бўлган товуш тўлкинларини (тебранишларини) ўзида акс эттириш терининг фото сезгирлигини илмий жиҳатдан изоҳлашга муайян негиз (асос) бўлиб хизмат қилиш мумкин.

2. Дикқат жараёни тўғрисида умумий тушунча ва дикқат турлари.

Дикқат инсон фаолиятининг барча турларини муваффақиятли амалга оширишнинг ва уларни самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан биридир. Киши фаолияти қанчалик мураккаб, серзаҳмат, давомийлик жиҳатдан узок муддатли, масъулият ҳиссини тақозо қилса, у дикқатга шунчалик юксак шартлар ва талаблар қўяди. Инсон зийраклиги, фаросатлилиги, тез пайқаш, синчковлиги, дилкашлиги унинг турмуш шароитида, шахслараро муносабатида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Дикқат ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам унинг иштирокида содир бўлади.

Психология фанида дикқатга ҳар хил таъриф берилади, уни ёритишда психологлар турли назарияга асосланиб ёндашадилар. Дикқат деб онгни бир нуқтага тўплаб, муайян бир объектга актив (фаол) қаратилиши айтилади (П. И. Иванов). П. И. Ивановнинг фикрича, биз фаолиятимиз жараёнида идрок ва тасаввур қиладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ходиса, ўзимиз қилган ишимиз, ўй ва фикрларимиз дикқатнинг объекти бўла олади.

Н. Ф. Добринин, Н. В. Кузьмина, И. В. Страхов, М. В. Гамезо, Ф. Н. Гоноболин ва бошқаларнинг нуқтаи назарича, дикқатнинг вужудга келишида онгнинг бир нуқтага тўпланиши онг доирасининг торайишини билдиради, гўёки онг доираси бир мунча тиғизланади. Бундай торайиш ва тиғизланиш натижасида онг доираси янада ёрқинлашади. Онгнинг энг торайган, тиғизланган ёрқин нуқтаси дикқатнинг маркази (фокуси) деб номланади. Худди шу марказ (фокус) га тушган идрок қилинаётган жисмлар, тасаввур образлари, ўй ва фикрлар тўла, ёрқин ва аниқ ифодаланади. Жаҳон психологларининг фикрича, дикқат узлуксиз равишда, муайян даражада активлик хусусиятини сақлаб туради. Бундай активлик, онгнинг бирон бир объектга ўйналишининг кучайиши ва маълум вақт давомида дикқат йўналтирилган нарсага онгнинг фаол (актив) қаратилишини регулировка қилиб туради ҳамда мазкур ҳолатнинг сақланишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, диққат сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ каби алоҳида психик жараён эмас. Шунинг учун барча психик жараёнларда қатнашади, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга таъсир этади. Шу боисдан диққат қаратилган объектлар онг тўпланган нуқтасида аниқ, яққол акс эттирилади. Демак, диққат-ақлий жараёнларнинг сифати, маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи инсоннинг ички активлигидан иборатдир. Шунингдек, у ҳар қандай инсон фаолиятининг зарурий шартидир.

Билиш жараёнлари кечишининг энг муҳим хусусияти унинг танловчанлик ва йўналганлик билан характерланади. Шу боисдан инсон атроф-муҳитнинг кўплаб қўзғатувчилари, таъсирлари орасидан алоҳида ниманидир идрок этади, фараз қилади, аллақайси нарса тўғрисидагина мулоҳаза юритади, холос. Онгнинг бу хоссаси диққат хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Диққат билиш жараёнлари сингари ўзининг алоҳида мазмунига, муайян маҳсулига эга эмас, шунинг учун у барча жараёнларнинг жўшқинлиги, илдамлигини таъминлайди. Демак, диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бирор нарсага қаратилганлигидир (Е. Б. Пирогова). Берилган таърифга биноан, ушбу йўналтирилганлик субъектнинг эҳтиёжларига, унинг фаолияти мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган объектларнинг танланганлигида, ихтиёрсиз ёки ихтиёрий танлашда ва ажратишда вужудга келади.

Психологияда диққатнинг ихтиёрий тури, кўпинча иродавий деб номланади. Бу, албатта, бежиз эмас, чунки диққатнинг муайян объектга йўналтирилиши ирода кучи билан сақлаб турилади. Ҳатто ихтиёрсиз диққат фаолиятида қатнашса, у ҳам ироданинг зўри билан йўналтирилган объектда тўпланиб туради. Ироданинг фаолиятни амалга оширишда иштирок қилиши кўп жиҳатдан кишининг мақсадига интилиши, ишчанлик қобилияти, психологик тайёрлигига боғлиқ. Шу боисдан диққатнинг кучи, барқарорлиги, мустаҳкамлиги илдамлиги

одамнинг муайян фаолиятини бажаришга мойиллиги, шайлиги билан ўлчанади. Диққатнинг юксак даражада мужассамлигини таъминлаб туришда одамнинг фаолиятни бажаришга муваффиқлашгани муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай фаолиятни амалга оширишнинг бошида қийинчиликлар юзага келади ва улар кишидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Фаолиятни бажаришдаги нуқсонларнинг намоён бўлиши диққатни тўплашдаги қийинчиликларнинг оқибати бўлиб ҳисобланади. Диққатнинг объектга тўпланиши, мустаҳкамланиши одамнинг қизиқишларига боғлиқдир. Ҳатто ихтиёрсиз диққатнинг фаолиятда мужассамлашишида кишининг иштиёқи ва қизиқиши катта аҳамиятга эгадир. Одатда фаолиятга қизиқиш бевосита ва билвосита шаклда намоён бўлади. Бевосита қизиқиш фаолият жараёнига, хатти-ҳаракатларнинг ўзига, иш услубларига қаратилган қизиқишдан иборатдир. Билвосита қизиқиш эса, фаолиятнинг мақсадги, унинг натижасига йўналтирилган қизиқишдир.

Диққатнинг ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда вужудга келиши ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин. Агар диққатнинг манбаи онгимиздан ташқарида бўлса ташқи деб аталади. Масалан, шофер, тикувчи, муҳаррир кабиларнинг фаолиятида содир бўладиган диққат ташқи диққатдир. Ташқи диққат фақат идрок қилиш жараёнидагина намоён бўлмасдан, балки фикр юритилаётган нарсаларга ҳам қаратилади. Жумладан, ихтирочининг ўзи яратган нарсасини тасаввур қилиши, рассомнинг образларни кашф қилиш жараёни, муҳандиснинг тўғон қурилишини кўз ўнгига келтириш билан боғлиқ ҳолатлар бунга мисол бўла олади. Инсон онгининг ўзида содир бўлаётган ўз ҳиссиётларини, фикрларини, орзу истакларини ва шу кабиларни кузатишда ички диққат юзага келади. Диққатнинг ҳар иккала кўриниши ҳам фаолиятнинг муваффақиятли якунланишига муносиб

ҳисса қўшиш имкониятига эгадир.

1. 3. **Идрок ҳақида умумий тушунча ва идрок хусусиятлари.**

Идрок сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён бўлиб ҳисобланганлиги сабабли барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттиришда иштирок қилади.

Идрок тушунчаси лотин тилида «perceptio» қабул қилиш, идрок деб номланади, унинг юқори босқичи эса «апперцепция» (лот-ad га perceptio-идрок, қабул қилиш) дейилади. Апперцепция- идрок жараёнини шахснинг олдинги билимлари, шахсий ва ижтимоий тажрибалари, қизиқишлари, мотивацияси, эҳтиёжлари ва одатлари, умуман, руҳий ҳаётнинг барча мазмуни билан белгиланишидир. Апперцепция ҳодисаси туфайли одамлар ўзаро идрокининг мазмуни билан бир-бирларидан муайян даражада тавофутланадилар, яъни улар айнан бир хил нарсани ўзинингбилим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараши ва ижтимоий келиб чиқишига асосланган ҳолда турлича идрок қиладилар ҳамда акс эттирадилар. Масалан, «илдиз» тушунчасини биологлар ўсимликларнинг моддий асоси сифатида, мамавзутиклар сонларнинг илдиз остидаги кўринишида, ижтимоий нуқтаи назардан қариндош-уруғчилик шаклида кўз ўргига келтиради. Мазкур тушунча баъзи ҳолларда идрокнинг аниқлик, тўлиқлик, равшанлилик, предметлилик, танловчанлик (саралаш) каби сифатларнинг маъноси ўрнида қўлланилган. Психология назарияларига кўра апперцепция ҳодисаси барқарор ва вақтинча (муваққат) деб юритувчи икки кўринишга (турга) ажратилади. Барқарор апперцепция ҳодисаси шахснинг дунёқараши, қатъий маслағи, идеали, позициясимотивацияси, қизиқиши, билим савияси, маданий даражаси,

хулқ-атвори, маънавияти ва касбий тайёргарлигига болезниғлик бўлиб, у ўта муракаб тузтилишга эгадир. Муваққат (вақтинча) апперцепция тури эса шахснинг фақат идрок қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолатига, яъни унинг кайфияти, руҳланиши, шифоати, стресс, аффектив кўринишдаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги, тезлигида ўз ифодасини топади.

Психология фанида идрок муайян шаклларга ажратилиб тадқиқ қилинади, вақт, ҳаракат, фазо ёрдами билан атроф-муҳитнинг, биосферанинг, ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар маълумотлар, хусусиятлар акс эттиради.

Одатда инсон томонидан вақтни идрок қилиш, асосан руҳий ходисалар, ҳолатлар, вазиятлар, хусусиятларнинг ўзаро ўрин алмашинуви туфайли намоён бўлади ва ўзига хос тузилиши билан мазкур жараённинг бошқа шаклларида фарқ қилиб туради. Вақтни идрок қилиш инсон томонидан акс эттирилаётган вақт бирлигининг объектив (ҳаққоний, ҳолис) мазмунига, шахснинг унга нисбатан муносабатига болиқ бўлиб, худди шу мезон орқали унинг маҳсулдорлиги ўлчанади.

Биосфера ва ноосферадаги ҳаракатларни идрок қилиш жисмларнинг (баъзан нисбий жиҳатданбошқа ижтимоий, сиёсий табиий ҳолатларнинг) фазодаги (ижтимоий ҳаётдаги) ўрин алмашинувини бевосита (бавосита) инъикос эттиришдан иборатдир. Худди шу сабабдан ҳаракат нисбатан (қиёсий) ва нисбат берилмасдан (таққосланмасдан) идрок қилиниши илмий психологик манбаларда қайд қилиб ўтилади. Мабодо ҳаракатдаги жисм уни қуршаб турган ҳарактсиз бошқа жисмларга таққосланган ҳолда идрок қилинса, бундай тоифадаги ҳаракат нисбатан идрок қилиш деб аталади. Агарда ҳаракатланаётган жисм ҳеч қандай нарса билан таққосланмасдан идрок қилинса, бу кўринишдаги ҳаракат эса нисбат берилмасдан (нисбатсиз) идрок қилиш дейилади. Фазони идрок қилиш-воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг фазода эгаллаган ўрнини, шаклини, миқдорини ва бир-бирига нисбатан

муносабатларини иборат билиш жараёнининг шаклидир.

Яққол воқеаликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тана аъзоларини қабул қилиш анализаторларига бевосита таъсир этмасдан инсон онгида турли образларнинг (овозларнинг эшитилиши, шарпаларнинг сезилиши) ҳаёлан, фикран пайдо бўлишидан иборат идрокнинг психопатологик (руҳий хасталик) ҳодисасига галлюцинация дейилади. Галлюцинация ҳодисаси муваққат руҳий хасталикнинг аломати бўлиб, баъзан кўрқич ҳисси маҳсули ҳисобланиб, бош мия катта ярим шарлари қобиғидаги кўзғалиш жараёнларининг нуқсонли, суст (паталогик) ҳаракати натижасида, гоҳо асаб тизимининг заҳарланиши, заифлашуви, ҳаддан ташқари толиқиши туфайли юзага келиш мумкин. Бизнингча, галлюцинация ҳодисаси бир неча хил кўринишга эга бўлиш мумкин уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборатдир: а) йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши; б) у ёки бу овозлар, товушлар, куйлар эшитилиши; в) йўқ шарпалар, хидлар сезилиши кабилар.

Иллюзия ҳиссий аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг нотўғри (ноадекват), янглиш, хато идрок қилишдан иборат жараёнининг ноёб ҳодисасидир. Баъзан психологик фанида нотўғри (ноадекват) идрок қилишга олиб келувчи кўзғатувчилар конфигурациясининг (лотинча «contiguration» ташқи тузилишида ўхшашлик, ўзаро ўхшашлик, жойлашувда ёндашувлик деганидир) ўзи ҳам иллюзия деб аталади. «Адекват» тушунчаси лотинча «adae gguatus», яъни теппа-тенг, мутлоқо мос, айна тўғри демакдир. Ҳозирги даврда кўриш идрокини кузатишнинг энг самаралиси-бу тасвирларнинг икки ўлчовли ифодаланишидир. Иллюзияларнинг бир туркуми оптик геометрик иллюзиялар деб номланиб, улар асосий тасвир билан уни қуршаб турган фазовий жойлашув билан фарқ қилувчи бошқа шаклар ўртасида ўлчов муносабатининг бузилишида намоён бўлади. Тасвирлар

ёруғ фонда кора фонга нисбатан қорароқ туюлади, яъни ҳолат маҳсули дейилади. Контраст французча «Contraste» –кескин қарама-қаршилик демакдир, бошқача сўз билан айтганда ёруғлик билан фон ўртасидаги муносабат ифодасидир. «Фон» тушунчаси французча «fond» деб аталиб, асос, негиз, тағ маъносини билдиради.

Идрокнинг муҳим томонларидан бири унинг хусусиятларининг турли жабҳалар, вазиятлар, вшароитларда намоён бўлишида.

Идрокнинг муҳим хусусиятвларидан бири бу фаол равишда бевосита акс этти риш имкониятининг мавжудлигидир.

Идрокнинг наввбатдаги хусусияти унинг ҳаракатчанлиги ва бошқарувчанлигидир. Масалан, тошкўмир ёрғликда ёғду сочади, оқ қоғоздан кўпроқ нур балқийди. Лекин инсон бу нарсакларни «қора» ва «оқ» деб идрок қилади, вужудга келган бевосита субъектив таассуротларга нисбатан ўзчгартишлар, тузатишлар киритади. Чунки идрок жараёни инсон олдида турган мақсадга, мақсад қўя олишга, унга берилган установкага (онгли, ихтиёрий кўрсатмага) узвий боғлиқ ҳолда иродавий ьбошқарилиш хусусиятига эгадир.

4. Хотира жараёни тўғрисида умумий тушунча ва хотира турлари.

Психологик манбаларда кўрсатилишича, психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, инсон ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги фаолиятида, хатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади ва ижодий ёндашуви натижасида баъзи бир ўзгаришлар киритади. Инсонда шахсий тажриба, кўникма, малака ва билим кўлами орта бориши ҳисобига фаолият ҳамда хулқ-атвор тобора мураккаблашиб, янги мазмун, янги сифат касб эта бошлайди. Маълумки, агар ташқи оламнинг бош мия катта ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тимсоллари ва уларнинг излари йўқолиб

кетаверса, тажрибанинг сақланиши, билимларнинг бойиши, мураккаблашиши, муайян тартибга келиши, қайтатдан жонланиши мутлоқо мумкин бўлмас эди. Модомики шундай экан, мазкур образлар бир-бири билан ўзаро узвий боғланиб, аста-секин мустаҳкамланиб, мия қобиғида пухта сақланиб қолади, шу билан бирга, ҳаёт ва фаолиятнинг муайян талабларига мувофиқ равишда қайтатдан жонланади, аввалги ҳолатини бошқатдан намоён қилади.

Ҳозирги даврда қўлланиб келинаётган адабиётларда хотирага мана бундай тарзда таъриф берилиб келинмоқда: «Индивиднинг ўз тажрибасида эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади». Лекин бу таърифда хотирага таалуқли бўлган жуда кўп сифатлар, хоссалар ва хусусиятлар ўз аксини топмаган, шунинг учун уни мукаммал, ихчам, пишиқ ифодаланган дейишга ҳеч қандай ҳақ ҳуқуқимиз йўқ. Ушбу қийин ҳолатдан чиқишнинг бирдан бир йўли, бизнингча унга мана бундай тарзда таъриф беришдан иборат: «Хотира атроф муҳитдаги воқелик (нарсa)ни бевосита ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда, пассив ва актив (фаол) ҳолда репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайтатдан эсга тушириш, унитиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён алоҳида ва умумий номоён қилувчи ҳодиса, барча таасуротларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (юнонча *mneme*-хотира) фаолиятдир».

Шундай қилиб хотира шахс руҳий фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хотиранинг бош роли ўтмишда юз берган нарсa ва ҳодисаларни акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳам ҳохирга, ҳам келгусида амалга ошириш режалаштирилган воқеликнинг

рўёбга чиқишини таъминлайди. Табиатда ва жамиятда номоён бўладиган ҳар қандай тоифадаги руҳий ходиса ўзининг таркибига кирувчи ҳар бир қисмни муайян тартибда ўзаро боғланган тарзда сақлаш қолинишини талаб этади. Турли кўринишга эга бўлган “боғланиш”га имконият ёки шарт-шароит вужудга келмаса, у ҳолда ривожланиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки, И. М. Сеченов ибораси билан айтганда, киши ”чақалоқлик ҳолатида”мангу қолиб кетган бўлур эда.

Психологик илмий адабиётларда кўп маротаба таъкидланишига биноан, хотира барча руҳий жараёнларнинг энг муҳим таснифи бўдлиши билан бир қаторда, инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлиги, биологик ва ижтимоийлик нисбатини таъминлаб туради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хоссалари, механизмлари тўғрисида муайян тартибда маълумот бериш имкониятига эга.

Хотира психология фанининг чуқур тадқиқ қилинган жараёнларидан бири бўлиб ҳисобланса-да, лекин фан ва техниканинг тараққиёти кўп жихатдан хотира муаммоларининг ўрганилишига боғлиқдир. Шунинг учун унинг қонуниятларини очиш, “ақлли” ва “сунъий интеллект”ли машиналар махсулдорлигини ошириш, сифат даражасини кўтариш учун хизмат қилади.

Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга (бизнингча) мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади:

I Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира куйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз-мантик хотира.

II Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан;

- а) ихтиёрсиз, б)ихтиёрий, в) механик.

III Рухий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли;
- в) оператив (тезкор) хотира.

IV Рухий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра:

- а) муסיқий, б) эшитиш хотираси.

V Рухий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

- а) феноменал, б) касбий.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорликшартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
4. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология ЎзМУ 2002 йил
5. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т., 2000й
6. «Психология». Маърузалар матни. 2000 йил.
7. www.public.ru
8. www.subscribe.ru

14-мавзу. Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари.

Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспиринлик ва етуклик давлари психологияси. Акмеология

1. Тафаккур психологияси предмети.
2. Тафаккур операцияси, тафаккур шакллари ва тафаккур турлари.
3. Акмеология-шахс тараққиёти қонуниятларини ўрганувчи фан тармоғи сифатида. Шахс тараққиётининг даврларга бўлиниши.
4. Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.
5. Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис туйғулар.

1. Тафаккур психологияси предмети.

Инсон идрок қилган, хотирасида сақлаб қолган нарсаларнинг барчаси унинг учун маълум маъно ва моҳиятга эга бўлади. Акс ҳолда у эслаб қолмайди ҳам, кейинги сафар анологик объект билан тўқнаш келганда, унга диққатини қаратмайди ҳам, фигура фонга айланиб қолаверади. Яъни, биз кўрган, эшитган, ҳис қилган нарсаларимизнинг барчаси маъноли, керак бўлса, маънили бўлишини ҳохлаймиз. Шуниси характерлики, ана шундай нарса ва ходисаларга биз томондан бериладиган маъно ҳар бир алоҳида шахс томонидан турлича акс эттирилади.

Психология фани нимадан баҳс этади, деган анъанавий савол мавжуддир, бироқ ҳозирги даврда тафаккур психологияси предмети нима деган савол туғилмоқда. Маълумки, психология фани тафаккурни ўрганадиган ягона фан эмас, чунки унинг айрим жиҳатларини логика, философия, ҳатто кибернетика тадқиқ қилмоқда. Шунинг учун тафаккур психологияси предметини аниқлаш жуда муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда.

Умумий психология дарсликларида тафаккурни берилган таъриф турлича бўлиб, иккита ёки учта муҳим хусусияти таъкидлаб ўтилади, холос. Жумладан, П. И. Ивановнинг дарслигида «тафаккур инсоннинг шундай аклий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумийлаштириб акс эттиришга (билишга), инсоннинг тағин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради» деб таърифланади. Ушбу таърифда тафаккурнинг тўла, аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттириши таъкидлаб ўтилади, холос, лекин унинг характерли хусусиятлари бавосита, сўз ёрдами билан ифодаланиши муаллифнинг диққат марказидан четда қолган.

М. В. Гамезо «тафаккур воқеликнинг умумлашган ҳолда ва сўз ҳамда ўтмиш тажриба воситаларида акс эттирилиши» эканлиги баён қилади. У

тафаккурнинг умумлашагн, сўз воситасида ва воситали атроф-муҳит ҳодисаларини акс эттира олишини таъкидлайди. Бизнингча, тафаккурга берилган ушбу таъриф унинг предметини тўла очиб беришга қурби етмайди, шунинг учун бошқа манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

А. В. Петровский таърири остидаги дарсликда тафаккурга ушбу шаклда таъриф ўз ифодасини топган: «Тафаккур-ижтимоий-сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат психик жараёндир, бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёндир». Таърифдан кўриниб турибдики, юқорида келтириб ўтилган таърифлардан бир мунча кенгроқ тафаккур хусусиятларни очиб бериш учун хизмат қилади, бироқ унинг жиҳатлари тўла камраб олинмаган.

В. В. Богословский таъриридаги дарсликда ҳам тафаккурга берилган таъриф унинг умумлашган ва билвосита акс эттириш хусусиятлари ёритилган холос. Худди шунга ўхшаш тафаккур хусусиятлари Ф. Н. Гоноболин, К. К. Платонов дарсликларида ҳам учрайди.

Бизнингча, тафаккур предметини белгилаш учун тўлароқ таъриф О. К. Тихомировнинг дарслигида берилган. Тафаккур предметига кирувчи таркибий қисмлар мана бундай ифодаланади: «Тафаккур- бу ўз маҳсулоти билан воқеликни умумлаштириб, бавосита акс эттиришни характерлайдиган, умумлаштириш даражаси ва фойдаланадиган воситаларига ҳамда ўша умумлашмалар янгилигига боғлиқ равишда турларга ажратишдан иборат жараён, билиш фаолиятидир". О. К. Тихомиров мазкур таърифда тафаккурнинг аксарият жиҳатлари ва хусусиятларини таъкидлаб ўтган. Лекин тафаккур муаммосига янгича ёндашишларнинг пайдо бўлиши таърифни янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳозирги даврда тафаккурнинг предмети юзасидан психологияда турли-туман қараш ва таърифлар мавжуддир. Уларни айримларига характеристика бериб ўтамыз. С. Л. Рубинштейн назариясига биноан, тафаккурни психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмети- жараён, фаолият тариқасида намоён бўлишдир. Муаллиф тафаккур операциялари, шакллари шакллантиришда-жараён, муаммоли вазиятни ҳал қилишда эса-фикр юритиш фаолияти сифатида вужудга келишини чуқур таҳлил қилиб беради. С. Л. Рубинштейн тафаккур тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, уни субъект фаоллигининг пайдо бўлиши деб аталади.

А. Н. Леонтьев тафаккур психологияси предмети юзасидан мулоҳаза юритиб, тафаккурни турли кўринишларга ажратади, фикр юритиш фаолияти эканлигини тан олади, лекин уни предметли-амалий фаолият деб номлайди. Шунинг билан бирга тафаккурнинг структураси, фикр юритиш мотивацияси тўғрисида назарий методологик муаммоларни ўртага ташлайди.

П. Я. Гальперин фикрига кўра, тафаккур-бу ориентирлаш-тадқиқот фаолияти, ориентировка жараёндир, яъни ориентировка-жараён, ориентировка фаолият. Муаллиф психология фани интеллектуал масалаларни ячишда субъектнинг тафаккурга ориентировка қилиш

жараёнини ўрганишдан иборат деб тушунтирилади. П. Я. Гальперин тафаккурнинг бошқа жаҳатларини ўзининг ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясидан келиб чиққан ҳолда ёритишга интилади.

А. В. Брушлинский тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни кидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари алоҳида таъкидлаб ўтилади. Юқоридаги муаллифлардан ўлароқ, А. В. Брушлинский тафаккурнинг умумлаштириб, билвосита акс эттиришдан ташқари муҳим янгиликни излаш ва очиш, олдиндан башорат қилиш хусусиятлари мавжудлигини далиллаб кўрсатади.

2. Тафаккур операцияси

Анализ ва синтез операциялари Анализ-шундай бир тафаккур операциясидирки, унинг ёрдами билан биз нарса ваҳодисаларни фикран ёки амалий ва хусусиятларини таҳлил қиламиз. Алломаларнинг айтишича, маймуннинг ёнғокни чақишининг ўзиёқ бошланғич оддий анализдир. Ўқувчи ваталаба ёшлар турмушда ва дарс жараёнида анализ ёрдами билан кўпгина ишларни амалга оширадилар, топшириқлар мисол ва масалаларни ечадилар. Демак, табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш анализдан бошланар экан. Дарсда биз кимёвий бирикмаларни (N_2 SO_4 -водород, кислород ва олтингугуртга) парчалаймиз. Маърузаларда гапларни грамматик таҳлил қилиш асосида турли гап бўлақларига, морфема ва фонемаларга ажратилади. Агарда инсон олдида автомашина моторининг тузилишини билиш вазифаси қўйилса, у ҳолда бу топшириқни ҳал қилиш учун у моторни айрим қисмларга ажратиб, ҳар бир қисмни ўз навбатида алоҳида олиб текшириш лозим бўлади ва ҳоказо.

Маъруза ва дарс жараёнларида тафаккурнинг анализ қилиш операцияси жуда муҳим роль ўйнайди. Инсонга савод ўргатиш бола нутқини анализ қилишдан бошланади. Сўнг бу ҳолат матнни гапларга, гапларни сўзларга, сўзларни ўз навбатида бўғинларга, фонемаларга уларни эса товушларга бўлиш сингари ақлий фаолият билан аста-секин алмаштирилади. Арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия, физика ёинки Ўзбекистон тарихи фалсафа, иқтисод, политология, психология ва бошқа фан асосларини ўрганиш муаммотик топшириқларни, масалаларни ечиш ҳам анализ қилишдан бошланади.

Юқорида айтиб ўтилган мотор ёки бошқа қисмларнинг ролини чуқур тушуниш учун ёлғиз анализнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки таркибий қимларни бирлаштирилган ҳолда бир-бирига таъсир қилиб турган мотор ва машинани бутунлигича олиб текширгандагина, унинг мотор ёки машини эканлигини англаш мумкин.

Синтез-шундай бир тафаккур операциясидирки, биз нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган, ажратилган айрим қисмларни, бўлақларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолига келтирамиз. Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмлари ва бўлақларини бир бутун қилиб қўшишдан иборат ақлий фаолият эканлиги таърифдан ҳам кўриниб турибди. Анализ

амалий бўлгани каби синтез ҳам амалий характер касб этади. Масалан, мотор ёки двигателнинг қисмларини, деталларини йиғиштириб ўрни-ўрнига жойлаштирилганда, яъни синтез қилинганда мотор ёки двигатель ҳосил бўлади. Автомашинанинг кузовани, кабинасини, мотор ва ҳоказо қисмлари синтез қилинган маҳалдагина бир бутун автомашинани бунёд этиш мумкин. Турли психологик мавзуларни ўрганиш орқали психология фани тўғрисида яхлит тушунча пайдо бўлади. Кимёвий элементни реакцияга киритиш йўли билангина исталган бирикма ҳосил қилиш имконияти туғилади. Рассомлар кўз, қош, бурун ва кишининг бошқа органларини мутаносиб раившда чизик орқали бир бутун инсон шаклини яшаш, яратиш имкониятига эга бўладилар ва ҳоказо.

Биринчи синф боласи ўз ҳарф халтасидаги кесилган ҳарфлардан фойдаланиб бўғин, бўғинлардан сўз, сўзлардан гап, гаплардан қисқа иншаклция, ундан эса ҳикоя тузади. Талабалар Ўзбекистон тарихи фани халқимиз, давлатчилигимиз, маданиятимиз, санъатимиз ҳамда бугунги кунимиз тўғрисида маълумот олинади.

Иш-ҳаракатларни яхлитлаш туфайли бир бутун моддий нарса ҳосил бўлади, иш-ҳаракатларда ҳам синтез операциясини қўлласа бўлар экан. Тарихий қаҳрамонлар, буюк саркардалар, арбоблар тўғрисида ҳам худди шундай фикр ва мулоҳазалар юритиш мумкин.


Халқ орасида Афанди, Алдар кўса, Рустамбек, Алпомиш, Зулқарнай, сув париси аждарҳолар, жинлар, алвастилар, девлар, Семурғ, олтин балиқ ва бошқа нарсалар ҳам айрим органларни-ҳайвон ва инсон тузилишини, ҳис ва ҳаяжонларни, характер ва иродани бирлаштириб, ягона афсонавий образлар яратишга муваффақ бўлинган.

Анализ ва синтез ўзаро бевосита мустаҳкам боғланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ҳодисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

Талаба ва ўқувчиларни анализ ва синтез қилишга ўргатишда фикрларни муайян объектларга йўналтириш асосий роль ўйнайди. Бунда улар, албатта, қандай ва қай йўсинда иш бажарилишлари кераклигини билиш олишлари зарур. Масалан, ўсмирларни она тили дарсларида анализ ва синтез фаолиятига ўргатиш учун исталган жумлани, чунончи «Ит бўйнини бурмасдан ғалатироқ букилди, оч кўзлари билн менга бир қараш қилди-да, думини қисиб ўзини ўрмонга урди» гапини мустақил ҳолда таҳлил этиш вазифасини қўйиш (агар синалувчанлар бу вазифани бажаришга қийналсалар, экспериментаторнинг ўзи ёрдам бериши) мумкин. Улар предмет номини аниқлаётган сўзларни алоҳида кўчириб ёзишлари ва сўзларнинг қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқлашлари, от ва сўз туркумларига таъриф беришлари. Шу сўз туркумига хос белгиларни (предметни билдириб, ким? ва нима? сўроқларга жавоб бўлишини) алоҳида ифодалашлари керак.

3. Тафаккур шакллари

Психологияда нутқ фикр юритиш фаолиятининг воситаси деб юритилади. Одатда нутқ тафаккур жараёнида ҳукмлар, хулоса чиқариш ва тушунчалар шаклида ифодаланиб келади. Шунинг учун ҳукм, хулоса чиқариш ва тушунчалар тафаккурнинг специфик шакллари деб аталади.



Нарса ва ҳодисаларда, воқеликда ҳақиқатдан ўзаро боғлиқ бўлган белгилар (аломатлар) ҳукмларда ҳам боғлиқ равишда кўрсатиб берилса ёки воқеликда бир-биридан ажратилган нарса (томон) ҳукмларда ҳам ажратиб кўрсатилса-бу чин ҳукм деб аталади. Масалан, “Металлар-электр токини ўтказувчидир”, “Металлар қиздирилгандан кенгайди” деган чин ҳукмлардир. Чунки электр токини ўтказиш, қиздирилганда кенгайиш металлларга хос хусусиятлардир, бу ҳукмда у ёки бу ҳолат фақат тасдиқланиб айтилаётир.

Нарса ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ҳукм деб аталади.


Бир қанча ҳукмларнинг мантикий боғланиши натижасида ҳосил бўлган янги ҳукм инсоннинг билиш фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Психологияда хулоса чиқариш жараёнида фойдаланилган тайёр ҳукмлар асослар дейилади, уларнинг таҳлил қилиб чиқарилган янги ҳукмни эса хулоса деб аташ қабул қилинган.

Инсон воқеликни билиш жараёнида нарсаларни бир-бири билан таққослайди, уларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлайди: анализ ва синтез йўли билан нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очади, фикран уларнинг белгиларини ажратади, бу белгиларни абстракциялаштиради ва умумлаштиради. Натижада одам воқеликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида тушунча ҳосил қилади.

Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир

4. Тафаккур турлари

Муайян ижтимоий муҳитда турмуш кечираётган одамларнинг эҳтиёжлари, хатти-ҳаракат мотивлари, нарсаларга қизиқишлари, интилишлари, майллари, ақлий қобилиятлари, ҳатто фаолиятлари ҳам турли-тумандир. Худди ана шу боисдан, уларнинг тафаккури ҳам ҳар хил ҳолатларда, вазиятларда турлича тарзда вужудга келади, намоён бўлади. Бундан олдинги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, билиш жараёнида, амалий ва назарий вазифаларни ҳал этишда, ўзга кишиларнинг нутқ орқали ифодаланган фикрларини уқиб олишда муомалага киришишда, фикрларини тушуниб олишда инсон фикр юритади. Психолгия фанида тафаккур шаклига, топшириқ хусусиятига, фикр ёйиқлигига, фикран оригиналлик даражасига қараб қуйидагича шартли классификация қилинади.



1. Кўргазмали-ҳаракат тафаккури ↓

Бола туғилишидан тортиб, то унинг боғча ёшигача даврни амалий фаолиятда кўргазмали-ҳаракат тафаккур ўсишининг асосий палласи деб аташ мумкин. Мазкур ёшдаги инсон зоти ана шу амалий фаолият қобиғида ақлий ҳаракатларни амалга оширади, амалий билимларни ўзлаштиради, натижада кўргазмали-ҳаракат тафаккур ўса боради.

2. Кўргазмали образли тафаккур

Инсон томонидан бевосита идрок қилинаётган предметлар эмас, балки фақат тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашдан иборат тафаккур тури кўргазмали-образли-тафаккур деб аталади. Тафаккурнинг мазкур кўриниши 4-7 ёшгача бўлган болаларда намоён бўлади. Боғча ёшидаги болаларда кўргазмали ҳаракат тафаккурнинг амалий элементлари кўргазмали образли тафаккур босқичига ўтгандан сўнг ҳам сақланиб қолади, лекин у ўзининг етакчи ролини йўқота бошлайди.

3. Интуитив ва аналитик тафаккур.

Тафаккур активлигига қараб ихтиёрсиз (интуитив) ва ихтиёрий

(аналитик) тафаккур турларига ажратилади. Интуиция деб, мантикий тафаккур ёрдамида кўп вақтлар давомида ҳал қилинмаган ақлий вазифаларнинг тўсатдан, кутилмаганда ҳал қилиниб қолиши жараёни аталади. Шахснинг муайян соҳадаги ҳаётий ёки илмий тажрибаларига асосланган интеллектуал сезгирлигидан иборат фаолиятдир.

Кўпинча ихтиёрий тафаккур жараёни мулоҳаза, муҳокама, исботлаш, гипотеза қилиш каби шаклларда намоён бўлади. Мамавзутика, физика, кимё, психология ва бошқа фанлардаги муаммо ва масалаларни ечиш жараёнлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари ихтиёрий тафаккурга танқидий ёки назорат (контрол) тафаккур ҳам киради. Моддий борлиқни адекват акс эттириш фикр юритишни танқидий ва синчков бўлишини тақозо этади. Бинобарин, нарса ва ҳодисаларни атрофлича билиш учун, объектив баҳо бериш зарурияти туғилади, бу эса ўз навбатида, фикр юритиш кўлами кенг, аналитик-синтетик фаолият доираси мустаҳкам бўлишини талаб қилади.

Тафаккур жараёнлари ихтиёрсиз юз бериши ҳам мумкин. Лекин бу ҳолда улар ихтиёрий тафаккурга суянган тарзда вужудга келади. Жумладан, одамнинг амалий, маиший ва ҳоказо фаолиятларида ихтиёрсиз равишда қатор саволлар пайдо бўлиши ва уларга беихтиёр жавоблар ахтариш ҳоллари учраб туради. Бундай пайтларда инсон фикр юритяптими ёки йўқми, бунини билиш жуда қийин, ваҳоланки у ўзича гўё саволларга жавоб топгандай, шунинг учун кўпинча «тилимнинг учиди турибди» одамлар қандайдир текст ёки муаммо, масала устида боҳ қотириб ўтирганларида (бирор нарсанинг бевосита таъсири натижасида) фикр юритиш мутлақо беихтиёр ўй бериб қолади ва уларни асосий топшириқни бажаришдан узоқлаштиради. Баъзан амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган топшириқни ихтиёрий равишда бажариш жараёнимизда бу режага киритилмаган (фавқулудда вужудга келган) айрим вазифаларни ҳам бажарамиз, бу жараён биз учун ихтиёрсиз равишда ўтади.

Абстракт тафаккур нарсаларнинг моҳиятини акс эттирувчи ва сўзларда ифодаловчи тушунчаларга таяниб, фикр юритишдир. Алгебра, тригонометрия, физика, чизма, геометрия, олий математика масалаларини ечиш маҳалида фикр юритиш, мулоҳаза билдириш абстракт тафаккурга хос мисоллардир. Алгебраик миқдорларини конкрет нарсаларга таққослаб, нисбатан бериб конкретлаштирилса бўлади, лекин бу ерда бизнинг мақсадимиз конкрет миқдор тўғрисида фикр юритиш эмас, балки шу нарсалар ўртасида мавжуд умумий миқдор алоқалари устида мулоҳаза юритишдир. Чунончи, бу ҳолда биз фақат умумлашган тушунчаларга таяниб фикр юритамиз.

Абстракт тафаккур конкрет тафаккурдан ғоят кенг маъно англатиши билан воқелиқни чуқурроқ билишга олиб бориши билан фарқ қилади. Шунинг учун биз яқка ҳукм воситаси билан қатор нарса ва ҳодисаларга тааллуқли ички қонуниятлар тўғрисида фикр юрита оламиз. Идрок ва тасаввур қилиш мумкин бўлмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида абстракт тафаккур ёрдамида мулоҳаза юритса бўлади. Шу сабабли жамият ва табиат

қонунлари ҳақида, борлиқ тўғрисида, чексизлик, сифат, миқдор, тенглик тўғрисида, гўзаллик юзасидан мавҳум абстракт мулоҳаза юритиш мумкин, холос.

Ҳодисаларни изоҳлашга, фараз қилишга қаратилган тафаккур назарий тафаккур деб аталади. Тушунчалар ўртасидаги боғланишларни, муносабатларни, ички боғланишларни ёритиб бориш ва шу боғланишларни назарий жиҳатдан фикр юритиш йўли билан изоҳлаш каби жараёнларни назарий тафаккур ёрдамида амалга ошириш мумкин. Изоҳлаш пайтида изоҳланаётган нарса ва ҳодисалар, хосса ва хусусиятлар, жисм ва предметлар, умуман бутун воқелик маълум туркумдаги тушунчалар қаторига киритилади ва уларнинг фарқ қиладиган белги ва аломатлари фикран ажратиб кўрсатилади. Бундан ташқари муайян объектларнинг моҳияти, мазмуни, мавжуд бўлишлик сабаблари, келиб чиқиши, тараққиёти, ўзгариши, шунингдек, уларнинг аҳамияти ва функция ҳамда вазифалари изоҳлаб берилади.

Психологияда фикр юритиш актлардан, ҳаракатлардан иборат эканлиги таъкидланади. Инсоннинг амалий фаолиятида қўйилган масаланинг (вазифанинг) акти фикр юритиш ҳаракати деб аталади. Тафаккурнинг ҳаракати бирон-бир вазифа ёки масала юзага келиши биланоқ ўз функциясини бошлайди. К. К. Платонов тафаккур ҳаракати босқичларнинг ушбу схемасини ишлаб чиққан.

К. К. Платонов фикрига кўра вазифанинг ҳал қилиниши тафаккур ҳаракатини якунлайди. Бироқ топилган масала ечими янги тафаккур ҳаракатларини вужудга келтириши, бетўхтов фикр юритиш жараёнлари билан таъминлайдиган янги саволларни туғдириши эҳтимол.



1. Акмеология-шахс тараққиёти қонуниятларини ўрганувчи фан тармоғи сифатида. Шахс тараққиётининг даврларга бўлиниши.

Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятлардир. Чунки тараққиётнинг ҳар ёш босқичи ҳзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ҳзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ҳзгаришларига эна бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ҳрганиши ва шахс ҳулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим.

Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ҳта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ҳз қонуниятлари мавжуд.

+уйида турли психологларнинг шахс тараққиётининг даврларга бўлиши ҳақида маълумотларни кўриб чиқамиз.

Ҳозирги замон психологиясининг таниқли вакили А.В.Петровский инсон тараққиётига шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос оригинал классификациясини яратади. Ушбу назария негизида юксалиш, етукликка интилиш ғояси ётганлиги сабабли болалик, ўсмирлик, ўспиринлик даврлари ётади, холос. А.В.Петровскийгача психологлар тараққиётнинг бир текис жиҳатини олиб ўрганган бўлсалар, бундан ўлароқ у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларга риоя қилиб) ва асоциал (аксижтимоий) босқичлари мавжуд бўлиши мумкинлигини далиллаб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун тараққиёт учта макрофазадан иборат эканлигини шарҳлаб, унинг биринчи тури болалик даврига тўғри келиб, ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация), иккинчиси - ўсмирларга хос индивидуаллашиш (индивидуализация), учинчиси - ўспиринлик, яъни етукликка интилиш даврида индивидуал ҳолатларни мувофиқлаштириш (бирлаштириш) хусусиятлари билан тавсифланади. А.В.Петровский шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади.

1. Илк болалик (мактабгача ёшидан олдинги давр) - туғилгандан то 3 ёшгача.
2. Боғча ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.
3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи даври - 7 ёшдан то 11 ёшгача.
4. Ўрта синф ўқувчиси (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан то 15 ёшгача.
5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

Л.С.Виготский жаҳон психологлари шахсинг тузилиши ва ривожланишига оид назарияларни танқидий таҳлил қилиб, камолотни вужудга келтирувчи рухий янгиланишлардан келиб чиққан ҳолда жараёни куйидаги босқичларга ажратади.

1. Чақалоқлик даври инқирози (кризиси).
2. Гўдаклик даври - 2 ойдан 1 ёшгача. Бир яшарлик инқироз.
3. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача. 3 яшарлик инқироз.
4. Мактабгача ёшдаги давр - 3 ёшдан 7 ёшгача. ? яшарлик инқироз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача. 13 яшарлик инқироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача. 17 яшарлик инқироз.

Д.И.Фельдштейн классификацияси ҳам шахсга ижтимоий ёндашувга асосланган бўлса ҳам, лекин у А.В.Петровскийникидан кескин фарқ қилади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, инсонни шахс сифатида шаклланиш жараёнида иккита катта тараққиёт босқичини босиб ўтади, улардан бири - “Мен жамият ичида” деган позициядан иборат бўлиб, у ўзига куйидаги ёш босқичларини қамраб олади:

- 1) илк болалик - 1 ёшдан 3 ёшгача,
- 2) кичик мактаб ёшидаги ўқувчиси даври - 6 ёшдан то 9 ёшгача,
- 3) юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

Шахс тараққиётидаги иккинчи позиция “Мен ва жамият” деб номланиб, у куйидаги ёш босқичларига тааллуқлидир:

- 1) гўдаклик - туғилгандан то 1 ёшгача,
- 2) мактабгача ёшдаги болалар - 3 ёшдан 6 ёшгача,
- 3) ўсмирлар - 10 ёшдан то 15 ёшгача.

Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик даврини уч босқичга ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан якунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирларни ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ёшдаги катта ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўз-ўзини баҳолашга мойил муносабати билан тавсифланади.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А.А.Люблинская шахс тараққиётини муайян босқичларга ажратишда педагогик психология позициясидан турган ҳолда фаолият нуқтаи назардан унга ёндашади, маълум

даврларга ажратади ва уларни атрофлича шарҳлаб беришга интилади.

1. Чақалоклик даври - туғилгандан то бир ойликгача.
2. Кичик мактабгача даври 1 ойдан то 1 ёшгача.
3. Мактабгача ёшидан олдинги давр - 1 ёшдан то 3 ёшгача.
4. Мактабгача ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.
5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври - 7 ёшдан то 11 (12) ёшгача.
6. Ўрта синф ўқувчиси даври (ўсмирлик) - 13 ёшдан то 15 ёшгача.
7. Юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик тараққиётини мана бундай босқичлардан таркиб топиш эҳтимоли мавжудлигини асослаб беришга ҳаракат қилади.

1. Чақалоклик (туғилгандан то 10 кунликгача).
2. Гўдаклик даври (10 кунликдан то 1 ёшгача).
3. Илк болалик даври (1 ёшдан то 3 ёшгача).
4. Боғчагача бўлган ёш давр (3 ёшдан то 5 ёшгача).
5. Боғча ёш даври (5 ёшдан то 7 ёшгача).
6. Кичик мактаб ёши даври (7 ёшдан то 11 ёшгача).
7. Ўсмирлик ёш даври (11 ёшдан то 15 ёшгача).

Негадир муаллифларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг ривожланишини қолган босқичларини ҳисобга олмайдилар.

2. Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.

Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги. Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари мактаб ва бошқа таълим масканларига ўқиш давларига тўғри келади. Бу даврдаги етакчи фаолият ўқув фаолияти бўлиб, унда бола билим олиш билан боғлиқ малака ва кўникмаларни орттиришдан бошқа, шахс сифатида ҳам муҳим ўзгаришларга юз тутаяди.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-12 ёшни, катта ўсмирлик 14-15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим хислати шундан иборатки, катталиққа, ёшлиқдан етукликга ўтиш давридир.

Ўсмирлик –организм тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суякларни қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезда аччиқланадиган ёки тормозланиш юз берганда анчагина депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда ҳам қолиши мумкин.

Ўсмир жисмоний тараққиётини белгиловчи асосий омил жинсий балоқат бўлиб, унафақат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлиқ ҳолда онгли (кўпинча онгсиз) жинсий майллар

шу билан боғлиқ нохуш хис-кечинмалар, фикрлар пайдо бўладики, бола уларнинг асл сабабини ҳам тушуниб етолмайди. Психик тараққиётнинг ўзига хослиги шундаки, у мутассил ривожланиб боради, лекин бу ривожланиш кўплаб карама-қаршиликларни ўз ичига олади. Бу тарққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психиканинг муозанати ва унинг турли фикр – ўйлардан чалғишига замин яратади. Айниқса, диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда ўсмир мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр – ўйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Буннинг сабаби – яна ўша, катталиikka ўтиш бўлиб, ўсмира ўзига хос катталик хисси пайдо бўлиб, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам мактабда берилган мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқув шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашишига катта имкониятлар очиши ва ундаги ижтимоий тафаккурни ривожлантириши мумкин. Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз сиёсати, бахт ва муҳаббат формуласи яратилади. Мантиқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзига ақлий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формулалар дунёсига ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу ўзига хос ўсмирлик эгоцентризмнинг шаклланишига – бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсунити керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида ўғил-қизлар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтамга келаолмаса ҳам тортишитиш бирор фикрни изҳор қилиш эҳтиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига қарамай, ўсмирлик юқорида таъкиланганидек, карама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар, таназзуллар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби ўсмир руҳиетида шундай инқирозлар ҳолатлар кўп бўладики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, имконияти кучи ақли етишмайди. Масалан «катталик хиссига» тўсқинлик қиладиган омиллардан бири – бу уларнинг ўз ота-оналаридан моддий жиҳатдан қарамлиги. Руҳан ўзларини қанча катта деб ҳис қилмасин, ўсмир мактабга кетаётиб, онасидан ёки отасидан пул сўрайди, улар ўз ўсмирига болаларча муносабатда бўлиб, озгинагина пул берадилар. Иккинчидан, катталардай бўлишни хоҳлайди, лекин қиз бола онасининг, ўғил бола отасининг кийимини тошойна олдида кийиб кўрса, барибир ярашмайди. Яъни, ташқи кўринишдаги камчиликлар – ҳали қадди-қоматнинг келишмаганлиги, унинг устига юзлари танасида пайдо бўладиган нохуш тошмалар унинг руҳан салбий хисларни бошдан кечиришига олиб келади. Яъни, бу ёшни аросат ёши ҳам деб аташ мумкин, чунки катта бўлиб катта эмас, бола ҳам эмас. Шуларнинг барчаси ўсмирлик давридаги руҳий туғёнларга сабаб бўлади, лекин шуларга қарамай, ўсмир ўзи билиб-билмай ўз ақлий салоҳиятини ўстиришга ҳаракат қилади, чиройли фикрлашга ташна бўлади ва бу – унинг психик тараққиётидаги энг муҳим ўзгариш ҳисобланади.

Ўсмир шахснинг такомиллашуви ва шаклланишига турткибўлган

омиллардан бири – ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фаркли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва 5 баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради. Лекин И. В. Дубровинанинг берган маълумтларига кўра, ўқув фаолияти мотивлари орасида умуман билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва хавотирлик хисларини бошдан кечирадilar (ўртача 20 % ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

Ўспиринлик даври. Юқори синфга ўтган ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки у хозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истикболга назар билан қабул қилади. Айнан шу даврга келиб, ўспирин турли касбларга қизиқа бошлайди, ўзини келажакда ким бўлишини тасаввур қила бошлайди. Демак, ўз-ўзини профессионал нуқтаи назардан ажрати, тасаввур қилиш – ўспиринликнинг энг муҳим янгилigidир. Профессионал тараққиётнинг асосий босқичларини ажратар экан, Е.А.Климов (1996), алоҳида оптация (лотинча сўз *optatio* –хоҳиш, танлов)босқичига ажратади ва унинг характерли томони – одам томонидан профессионал тараққиётининг танланишидир, деб эътироф этади. Оптация босқичи 11-12 ёшдан 14-18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади.

Бироқ аниқ касб-хунарни танлаш ва ўз фаолиятин шунга йўналтириш ўспирин шахси учун жуда катта аҳамиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билиш билан боғлиқ қизиқишлар ва профессионал йўналишнинг шакллланганлигига боғлиқ бўлади.

3. 3. Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис туйғулар.

Шахсда топширикни бажариш билан боғлиқ жавобгарлик ҳисси ҳар хил маънода кечирилади; 1) ташвишланиш эмоцияси (бир томондан, хурсандлик, иккинчи томондан эса қўрқиш ҳисси) сифатида; 2) ўз кучига, ғайратига, ифтихорига ишонч эмоцияси тариқасида; 3) вазифага жиддий қарайдиган тенгдошлардан ғазабланиш эмоцияси сифатида; 4) шарт-шароитларни ҳисобга олишга нисбатан шубҳаланиш сифатида ва ҳоказо. Таҳлилдан кўриниб турибдики, жавобгарлик ҳиссининг моҳияти уларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас, балки жамоа аъзоларининг эҳтиёжига айланган воқеликни англашдир. Масалан, китоб ўқиб лаззатланиш билан китобни ўқиб тугатиш шодлик ҳиссини фарқламоқ лозим.

Психология фанида юксак ҳислар қуйидаги турларга ажратилади: 1) меҳнат фаолиятини давомида кечириладиган ҳислар-праксик ҳислар (юнонча-*praxis* сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади); 2) интеллектуал ҳислар (латинча *intellectus*дан сўздан олинган бўлиб, тушуниш, ақл деган маънони билдиради); 3) ахлоқий ҳислар (латинча *moratis* сўзидан олинган бўлиб, ахлоқийлик деган маънони англатади); 4)

эстетик ҳислар (юнонча *aistesis* деган сўздан олинган бўлиб, ҳиссий идрок, ҳиссий деган маънони акс эттиради).

Праксиз ҳислар. Шахснинг амалий ҳаётининг исталган тармоғи, мақсадга мувофиқ онгли фаолияти шахснинг уларга нисбатан муайян муносабатда бўлишнинг муҳим соҳасига айланиб қолади.

4. Психологик билимларда ёшларда касб танлаш муаммоси.

Илмий нуқтаи назардан, ёшларнинг касб танлаши кўп омиллар: ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик-педогогик ҳамда Ўзбекистонда тарихан мавжуд бўлган оилавий анъаналар ва турли миллий меҳнат кўринишлари кабиларни таъсирига боғлиқ бўлади.

Касб танлаш ёшларнинг шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятлари билан шартланган бўлади. (Яъни, йўналганлик, дунёқараш, ишонч, характер, темперамент, қобилиятлар). Психологик жихатдан шартланган касб танлови ҳар бир ўқувчининг индивидуал таркибида мавжуд бўлган, лекин ота-оналар, танишлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий муҳит остида шаклланадиган қизиқишлар, касбий интилишлар, ўқув ва шу касбни эгаллаш мотивлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёшларнинг дастлабки касб танловига ва кейинчалик касбий аниқлаш тайёргарлик замонавий умумтаълим мактабларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса касбга йўналтириш тадбирлар (касбий таърифлар, касбий маслаҳат, ёшларни касбий психодиагностикаси; касбга йўналтириш терминлари)ини ташкиллаштириш ва ўтказиш йўллари орқали амалга оширилади.

Касб танлаш муаммосини ўрганиш ва ҳал этилиши методологик режага кўра янги касбга йўналтириш технологияларини ишлаб чиқарилиши ва киритилиши билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ўз ичига олади. Янги касбга йўналтириш технологияларини ишлаб чиқилиши ва киритилиши замонавий касблар классификаторлари; ахборот тизимлари, компьютерли диагностик дастурлар; стандартлаштирилган касбга йўналтириш методикалари; мактабларда касбга йўналтиришни комплекс илмий-методик жихатдан таъминланиши ва бошқаларни ўз ичига олади.

Психологик жихатдан, касб танлаш муаммосини ўрганиш ва ҳал этилиши касбий психодиагностика методларининг ишлаб чиқилиши ва киритилишини таҳлил этади ва бу методлар қуйидаги мақсадларда қўлланилиши керак:

Ёшларни маълум бирор касб талабларига «мос келиш-мос келмаслик» психологик критерийсини аниқлаш;

Психоаналитик назариялар касбий аниқлаш ва инсон хулқ-атворини ички омиллар (психик тузилма, инстинктлар, анланмаган эҳтиёжлар, мойилликлар) дан келиб чиққан ҳолда тушунтирганлар. Бу бирга, шу назариялар касб танлашга таъсир этадиган ва касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириши учун аҳамиятли бўлган инсоннинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш соҳасида ўтказилган тадқиқот ишларини олиб борилишига ва касбий йўналганликнинг ривожланишига таъсир кўрсатганлар.

Касбий йўналганлик муаммосини ўрганилиши ва ҳал этилишида Т.Шарманн(1965), С.Вигермс(1962) ва П.Блауман(1965) ишларида берилган касб танлашнинг ижтимоий психологик назариялари катта роль ўйнайди. Бу назарияларда касб (мутахассислик) танлаш индивиднинг турли интеракция кўринишлари ва инсон ҳаётига жамоавий институтлар; иқтисодиётда, сиёсатда, таълим соҳасида, ижтимоий тузилмаларда бўлаётган ўзгаришлар каби ташқи таъсирларига боғлиқ бўлади. Интеракция тушунчаси (англизча interaction - ўзарофаолият) касб танлаш ва шахснинг касбий ривожланиши инсоннинг бошқа одамлар билан ўзарофаолият ва ўзарошахсий мулоқатида боғлиқлигини англатади. Бунда инсоннинг «бошқасининг ролини қабул қилиш» (ролни хулқ-атвор) қобилиятлари психологик аҳамиятга эга ва ҳамда бошқа одамларнинг касбий фаолияти ва мавқеини идрок этилиши билан боғлиқ ижтимоий перцепция ва установкалар.

Анъанавий касб танлашнинг психологик назариялари, танқидларга қарамай, ўсиб келаётган ёш авлодни касбий фаолиятга, касбий маслаҳатларни, касбга ўқитиш ва кадрларни касбга танлашда шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муаммосини кейинчалик ишлаб чиқилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Замонавий хорижий ва собиқ совет психологиясида (1999-2000 й) касб танлаш ташқи ва ички омилларнинг комплекс таъсири орқали тушунтирилади. Касб танлаш муаммоси бўйича ўтказилган тадқиқотларда социологик ҳам психологик методлар ва улар ёрдамида олинадиган маълумотлардан фойдаланилади. Касб танлаш ва инсоннинг касбий ривожланиши ҳақидаги кўп назариялари «шахс», «шахс тузилмаси», «касбий аниқланиш», «ҳахснинг касбийлашиши», «мутахассиснинг касбий тузилиши», «шахснинг касбий аҳамиятли хусусиятлари» каби ўзаро боғлиқ тушунча системасига таянадилар. Касбий йўналганлик амалиётида шахсий йўналганлик ёндашуви қўлланилади, мактаб ва касбий таълим босқичларидаги касб танлаш муаммосига эса шахснинг умумий ривожланиши нуктаи-назаридан ўрганилади.

Замонавий касбга йўналтириш нафақат инсоннинг касб танлаш даврида ижтимоий ва шахсий йўналганлигини мақсад қилиб олади балки, унинг бутунлай касбий ривожланиш жараёнининг мақсад қилиб олади. Касбга йўналтириш ва касбий маслаҳат ижтимоий буюртмага жавоб берадиган шахснинг тарбияланиши ва шаклланишига касб эгаллаш ва касбий фаолият жараёнида индивидуал фаолликни ва потенциал қобилиятни намоён бўлишига таъсир ўтказди.

Касб танлаш назариялари ва касбга йўналтириш моделларини шарли равишда 2 та асосий категорияларга ажратиш мумкин: анъанавий диагностика ва замонавий ривожланаётган назария.

Касбга йўналтиришнинг анъанавий диагностик назарияларининг вазибалари бўлиб, инсоннинг касбий лойиқлигини шахснинг стабил психологик хусусиятлари ва касб талабларини аниқлаш ва солиштириш йўли орқали башорат этишдир. Бунда тестлар асосида ёшларнинг касбга мос келиш даражаси ҳақида хулоса чиқарувчи касбий маслаҳатчи фаол роль

ўйнайди. Ёшларнинг ўзи эса бу жараёнда фаол роль бажармайди. Шундай қилиб, анъанавий назария мавжуд шахсий хусусиятларни абсолютлаштиради ва ўқитиш-тарбия жараёнида шахснинг психолого-педогогик аспектларига эътибор қаратмайди.

Касбий йўналганликнинг ривожланаётган назарияси ёшларнинг келажагини аниқланишида ўзининг ролини фаол эканлигини тахмин этади. Асосий эътибор турли фаолият турларини эгаллаш жараёнида шахс ривожланишини ўрганишга қаратилади. Касбий йўналганлик ўқув-тарбиявий ишнинг таркибий қисми сифатида кўринади. Шу нарса тан олинадик, инсон ўзининг туғма маълумотларига кўра кўпчилик касбларга лойиқдир. Касб танлашга тайёргарчилик ёшларга ижтимоий атвор-мухит томнидан тарбиявий таъсир системаси сифатида кўрилади. Ривожланаётган назарияга асосланган касбий йўналганлик тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- шахсий ва жамоа қизиқишлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни енгиш;

- касб танлаш эркинлиги ва унинг ёшлар учун мавжуд имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни енгиш;

- касбий йўналганлик ва психолого-педогогик диагностика шакллари, методлари ва усуллари, илмий жихатидан асосланганлиги;

- касб танлаш имкониятлари, ўқиш шакллари ва ишга жойлашиш ҳақида турли кўринишдаги маълумотларнинг етарлилиги;

- касбга йўналтиришнинг комплекс характери.

Р.Х.Джураева ва Х.Ф.Рашидова (2003) йилларга кўра касбга йўналганлик ривожланаётган назария нуқтаи-назаридан мураккаб комплекс муаммо. Ўзининг методлари ва таркибига кўра у психо-педогогик ва тиббий-физиологикдир, фаолият соҳаси бўйича- ижтимоий муаммо, унинг натижалари эса иқтисодий ҳаётда намоён бўлади.

Касбга йўналтиришнинг ўзаро тарбиявий характери турли ижтимоий фанлар соҳалари «касбий йўналганлик» тушунчасини турлича ифодалашларида намоён бўлади. Педагогикада касб йўналтириш мактаблари, касб-хунар коллежлари, оила, жамоатнинг педогогик коллективлари фаолияти сифатида кўриб чиқилади .

Психология нуқтаи-назаридан, касбий йўналтириш-бу ёшларнинг, уларнинг хоҳишлари, мойилликлари ва шаклланиб бўлган қобилиятларга мос ҳамда ишга жойлаштириш жараёнини оптималлаштиришга қаратилган психоло-педогогик ва тиббий тадбирлар комплекси .

Ижтимоий иқтисодий тушунчада касбий йўналиш шахснинг касбий аниқланишига, маълум касб анланган танлови ва ҳаёт ва касбий фаолиятга бозор иқтисодиёти шароитида адаптацияга тайёргарчиликнинг шакллантиришига қаратилган шахс ва жамиятнинг ўзаро фаолияти тизими сифатида кўрилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Зарурий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўз Р Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқ. Т.: 5-декабрь 2009.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: 28 январь 2010.
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. Т.: 29 январь 2010

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – Т.:1997
11. Ўзбекистон Республикасининг” Таълим тўғрисида”ги қонуни – Т.: 1997

Асосий адабиётлар

12. Расулова Г., Ҳасанов С. Ўзбек халқ оғзаки ижоди – ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тарбия воситаси. Т.: 2004.
13. Мусурмонова О, Баубекова З. “Ўзбек халқ педагогикаси “ –Т.: 2000.
14. Хошимов К. Ўзбек халқ педагогикаси антологияси. Т., “Ўқитувчи” таҳрири остида, Т.: 2001.
15. Зуннунов А. ва бошқалар., Педагогика тарихи. Т., 2000 й.
16. Полвонов У. Шарқ мутафаккирлари асарларида иқтисодий тарбияга оид қарашлар. БМИ, 2005 .
17. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши.: Насаф, 2000.
18. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Т.: 2000.
19. МавлоноваЗ.Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика Т.: 2001
20. Абдулла Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, Т.: Ўқитувчи, 1992
21. Камалетдинова З.Ф. Педагогик институтлари битирувчиларига психология бўйича талаблар. Т.: Низомий, 1997.
22. Психология.Изоҳли луғат.Т., 1997.
23. Умумий психология,ёш психологияси ва педагогик психология.Т.,1997.

Қўшимча адабиётлар

24. Крутецкий В.А. Педагогик психология асослари. Т., 1976. 283-294 б.

25. Бобомирзаев Б.Х. Педагогик амалиёт психологик муаммо сифатида. Т., 1997 й.йил.
26. Смирнов С.Д. Педагогика и психологик высшего образования: от деятельности к личности. М., 1995
27. Корнетов Г.Б. Педагогика. М., 2003.
28. Садовникова Е.А., Бойко Е. М. Психология и педагогика. Учебное пособие. Издательство РИОР. М., 2005.
29. Гуревич П.С. Психология и педагогика. учебник, Издательство “Проект” М.: 2004.
30. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М., “Юнити-Дана”, 2001.

Электрон таълим ресурслари

31. Интернет сайдлари. www.mcy.ru. АфнДрггу.мск.су Е-маил.
32. Е-маил: сокл@диалогуэ.mcy.ru
33. www.subscribe.ru
34. www.psy.piter.com
35. www.ideology.ru
36. www.psi.lib.ru